

Нурбой Жабборов, Нурали Йўлдошев,  
Абдулла Жовлиев

# ЗАМОНАМИЗ ҲОТАМТОЙИ



Нурбой Жабборов, Нурали Йўлдошев,  
Абдулла Жовлиев

# ЗАМОНАМИЗ ҲОТАМТОЙИ

Тошкент  
«Akademnashr»  
2017

УЎК: 631(575.1)(092)  
КБК: 4г(5Ў)  
Ж 13

**Ж 13 Жабборов, Нурбой.**

Замонамиз Ҳотамтойи [Матн] / Н.Жабборов, Н.Йўлдошев,  
А.Жовлиев. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – 160 б.

ISBN 978-9943-4982-8-0

УЎК: 631(575.1)(092)  
КБК: 4г(5Ў)

*Ҳамиша одамларга яхилик қилиш, эл хизматида бўлиш, халқ ман-  
фаатини ўйлаш саховатнинг юксак намунасидир. Ушбу китобда шун-  
дай сифатларга эга бўлган замондошларимиздан бирининг ибратли  
ҳаёт йўли ҳикоя қилинган. Китоб ёшларимизнинг тарбиясида замона-  
вий қаҳрамонлардан ибрат ўлароқ фойдаланиш учун хизмат қилади.  
Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

ISBN 978-9943-4982-8-0

© Н.Жабборов, Н.Йўлдошев,  
А.Жовлиев «Замонамиз Ҳотамтойи»  
© «Akademnashr», 2017

## КИРИШ

*Ҳудо ва халқ олдида қилгин баланд ҳимматинг,  
Ҳамиша иззатдасан, юксак бўлур ҳурматинг.*

**Хожа Самандар Термизий**

Биз янги замонда яшаяпмиз. Одамларнинг фикр-лаш тарзи, дунёқараши бугун тамомила ўзгача. Дейлик, Фарҳоднинг ишқ йўлида Бесутун тоғини қазиб сув келтириши, Тоҳирнинг севгисига эришмоқ учун сандиқда оқиши, не-не заҳмату машаққатларни енгиши ёхуд Ҳотамтойнинг ҳиммати ва саховати ҳозирги замон кишиси учун эртак бўлиб туюлиши мумкин. Бугуннинг одами наздида бундай воқеалар гўё фақат китоблардагина учрайди, ҳаёт эса тамомила ўзга йўриқда юради. Бироқ... Агар ҳаётга теранроқ назар солинса, Фарҳод ёнимизда юргани аён бўлади. Бугун у тоғларни кесиб темирйўл ўтказаётир. Одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилаётир. Элнинг узоғи яқин бўлиши учун хизматга бел боғлаб Тошгузар – Бойсун, Тошкент – Андижон темирйўлларини қурган замонамиз Фарҳоди эмасми ахир?!

Ҳотамтой-чи? Бизнинг замонамизда саховату ҳимматда у билан беллаша оладиганлар йўқми? Одабийликнинг тимсоли бўлган бундай мардлар фақат ўтган замонларда яшаганми? Ҳар бир фикрлайдиган киши, табиийки, ана шундай саволларга дуч келади, уларга жавоб излайди. Ушбу китоб қаҳрамони Раҳмон ҳожи Йўлдошев элимизнинг ана шундай олийҳиммат ўғлонларидан. Қарийб чорак аср колхоз раиси бўлиб ишлаган бу нуруний инсон Далварзин-Дайтулак каналидан насос орқали сув чиқариб Сурхондарёнинг Шўрчи тумани ҳудудидаги Ҳотамтой кенгликларини обод қилган. Замонамиз Ҳотамтойининг айнан Ҳотамтой кенгликларидаги қарийб тўрт юз эллик гектар ерни обод қилиши замирида ҳам теран рамзий маъно бор, назаримизда. Бу олийҳиммат инсон тарихда ўтган Ҳотамтой деган саховат эгасига хос фазилатлар ҳар бир кишида бўлиши зарур деб билган. Шунинг учун ҳам қаерда, қандай лавозимда ишламасин, Раҳмон ҳожи Йўлдошев халқнинг дастурхони тўкин, турмуши фаровон бўлиши учун бор имкониятини ишга солган. Қийналганни қўллаган, кўнгли яримга ёрдам қўлини чўзган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,  
Онча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлағай, –*

деган сўзларини ҳаётининг бош шиорига айлантирган.

Раҳмон ҳожи – донишманд инсон. Ҳаётнинг кўп оғир синовларини бошдан ўтказган. Ҳар бир ҳодисага ўз ёндашув мезонлари бор. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар моҳиятини теран англайдиган отахон шундай дейди: «Мени «Замонамиз Ҳотамтойи» деб таърифлаб ошириб юборибсизлар. Мен бу таърифта лойиқ иш қила олганим йўқ. Замонамизнинг ҳақиқий Ҳотамтойи муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевдир. Қисқа фурсатда давлатимиз раҳбари амалга оширган ва амалга ошираётган ишлар одамни ҳайратга солади. «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши зарур» деган сўзлари, айниқса, ҳамма замонлар учун аҳамиятли деб ўйлайман. Қанийди, навқирон ёшда бўлсаму у кишининг ёнларида туриб кунни тунга улаб хизмат қилиш насиб этса. Сизларда ана шундай катта имконият бор. Умрингизнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билинг. Эл-юрт учун хизмат қилинг. Ҳақиқий бахт шунда».

Бахтимиз яна шундаки, ана шунақа нуроний чехрали, фикру сўзидан ҳам эзгулик ёғдуси таралиб турган ота-боболаримиз бор. Муаллифларнинг бу китобни ёзишдан асосий мақсади уни ўқиган замонамиз ёшлари Раҳмон ҳожи Йўлдошевдек фидойи инсонлардан ўрнак олсин. Зеро, бундай одамларнинг ҳаёт йўллари чин маънодаги ҳалоллик, поклик дорилфунунидир. Бу дорилфунун сабоғини олган келажак авлодлар эса

чинакам комил инсонлар бўлиб ўсиши, Ватанимизнинг тараққиёт байроғини юксакликка кўтара оладиган ҳақиқий шижоат соҳиблари бўлиб етишмоғи муқаррардир.

## АЖДОДЛАР ЁДИ...

*Хотира дунёда азиз, мўътабар,  
У – она, у – устоз, у – суюк падар.  
Ва лекин қиммати қолмасди унинг,  
Эслайдиган зурриёд бўлмаса агар.*

**Абдулла Орипов**

«Қабиласининг номини ва етти отасини билмаганни қул – марқуқ дерлар». Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу сўзлари ҳеч бир замонда аҳамиятини йўқотмайди. «Марқуқ» – Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романида тасвирланган «манқурт» атамасининг тарихий номланиши. Етти пуштини билмасликни боболаримиз катта айб санаганлари бежиз эмас. Зеро, дарахт илдизидан қувват олганидек, одамзод ҳам аждодлар ёди ва ибрати туфайли ўзлигини англайди, камолга эришади, улуғ мақсадлар сари интилади.

Аждодларни ёд этиш, хотирлаш, уларга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш – инсонийликнинг бош шарти, авлодларнинг муқаддас бурчи. Ҳикоямиз қаҳрамони Раҳмон Йўлдошев ана шундай эзгу



фазилатлар соҳибидир. Унингча, етти пушти – доимо эл ғами билан яшаган аждодлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатни келажак авлодларга тўлалигича етказиш, улар онгига боболар ҳикматини сингдириш энг улуғ савобдир. Чин инсон бу дунёнинг ўткинчи эканини чуқур ҳис этади. Бутун салоҳиятини Ватан ободлиги, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги йўлига сафарбар қилади. Ўзидан эзгу ном қолдиришга уринади. Табиийки, бу жараёнда муайян ютуқларга эришади, баъзан хатоларга йўл қўяди, уларни тузатади, хуллас, ҳаётдан сабоқ олиб яшайди. Хўш, авлодлар-чи? Ота-боболарининг эзгу ишларини давом эттириш, муваффақиятларини янгилари билан бойитиш, хатоларидан зарур хулосаларни чиқариш – тирикликнинг шарти бўлган бу каби ишлар келажак насллар ҳаётига мазмун бағишлайди.

Шу маънода, таниқли раис ва моҳир ташкилотчи сифатида эл назарига тушган Раҳмон ҳожи Йўлдошевнинг ота-боболари – аждодларининг ибратли ҳаёт йўли бугунги авлодлар қалбида ҳалоллик ва шижоат туйғусини тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, улар буюк шоир ва мутафаккир Хусрав Деҳлавийнинг маънавий баркамоллик тараннум этилган, халқ ҳикматиға айланиб улгурган мана бу мисралари мазмунига мос умр кечирган:

*Истасанг дунёда бахту саодат  
Айлагин қардошлар дийдорин одат.*

*Бу кўҳна оламда айлагин бунёд  
Бир нарсаки, халқинг этсин сени ёд.*

Раҳмон ҳожи бобо-момолари, ота-оналарини хотирлар экан, ўтмиш воқеликлари кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади. Бутун вужудимиз қулоққа айланади. Улар ҳаётининг қувончли дамлари ҳақида сўзлаганда руҳиятимиз тетиклашганини ҳис этамиз, қалбларимиз антикади. Маҳзун лаҳзаларни ёдга олганда кўнгилларга титроқ тушади, кўзларимизга ёш қалқади. Бу оқкўнгил, ҳалол ва қатъиятли инсонлар гарчи жисман ёнимизда бўлмаса-да, уларнинг пок ёди бугунги авлодлар дилида ҳар доим барҳаёт эканини чин дилдан ҳис этиб турамиз.

Раҳмон ҳожининг уйида сақланаётган кўп йиллик фотосуратлар, қимматли ҳужжатлар ҳам унинг аждодлари кечмишини билишда бизга катта ёрдам беради. Ушбу китобни ёзишда бу табаррук инсоннинг улкан маънавий хазинаси – хотиралари билан бирга ана шу ҳужжатлар ҳам биз учун тенгсиз манба бўлди.

Саксондан ошган, соқоллари оппоқ, юзларидан нур ёғилиб турадиган Раҳмон ҳожи Йўлдошевдан ибратли ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб беришини сўрадик. Шунда у жуфти ҳалоли Норгул ҳожи онага юзланиб:

– Қани, чойдан қуясизми? Айтсак айтаверамиз-да, – деди.

Кейин чуқур ўйга толиб, хотираларини бир жойга жамлаб гап бошлади:

– Ёшлигим Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. У замонларда кун кечириш жуда оғир, озиқ-овқат масаласи қийин, очарчилик йиллари эди. Отам Ҳасанов Йўлдош (1890 – 1962) Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Далварзин қишлоғида туғилган. Онам Эшмирзаева Қизларгул (1897 – 1980) ҳам шу қишлоқда дунёга келган. Отамнинг айтишича, биз тўқсон икки бовли ўзбекнинг жуз уруғи иярчи шохобчасига мансуб эканмиз. Ҳасан бобомнинг отаси Мамаюсуф чапақай катта ер майдонига эга бойлардан бўлган экан. Мамаюсуф бобомнинг олтига қизи ваяккаю ягона Ҳасан деган ўғли бўлган. Ҳасан бобомнинг икки ўғли бўлиб, тўнғичи менинг отам Йўлдошбой, кенжаси Жумабой эди. Минг афсуслар бўлсинки, Жумабой акам ёшлик чоғидаёқ бандаликни бажо келтирган.

Бобом баланд бўйли, кенг елкали, полвонкелбат киши бўлган. Ҳасан бобомнинг қўйлари ниҳоятда кўп бўлиб, кенг яйлов ва қир-адирларда ўтлаб юрган. Бобом бир неча гектар ер майдонига эга бойлардан бўлган. Ҳиммати баландлиги, бойликларини Яратганнинг омонати деб билиши, эл-юрт манфаати йўлида камарбаста бўлиб, ҳеч кимдан ёрдамини аямаслиги билан обрў қозонган. Ғайрати, хушмуомаласи, бағрикенглиги билан эл хурматига сазовор бу инсоннинг Ҳотамтой кенгликларида қарийб тўрт юз эллик гектар ери, олти юздан ортиқ қўйлари бўлган. Амакиси Эшмирза бобомнинг Мамасайд исмли ўғли бешта чўпон билан биргаликда унинг қўйларини

боққан. Эшмирза бобо ҳам сахий, ҳожатбарор, бева-бечорадан ёрдамани аямайдиган киши бўлиб, қурбон ҳайити кунлари ночор аҳволдаги қишлоқдошларига қўй-эчкиларидан ҳадя қилиб, дуоларини олар экан.

Ана шундай ҳиммат ва саховат – халқимизнинг асл фазилати. Бироқ шундай машъум замонлар бўлдики, мулкдорлиги учун, эл манфаатига хизмат қилгани учун одамлар таъқиб қилинди, жазоланди. Чор Россия-си, кейинчалик шўро тузуми юртдошларимиз бошига оғир мусибатларни солгани айни ҳақиқат. Чор Россия-си истилочилари юртни вайрон, элни хароб қолга келтирган бўлса, шўролар коллективлаштириш баҳонасида бойларнинг мол-мулкани, ер майдонларини мажбуран тортиб олди, мусодара қилди. Ўз хоҳиши билан мол-мулкани топширганлар омон қолди, қаршилиқ кўрсатганлар эса қатағонга учради, Сибирга сургун қилинди. Бундай ноҳақликлар Раҳмон ҳожи мансуб сулолани ҳам четлаб ўтмаган. Ҳасан ва Эшмирза боболарга тегишли ер майдонлари биринчилардан бўлиб колхоз ҳисобига ўтказилган. Ўтган асрнинг 20-йилларида бойлар, ер эгалари ва ўқимишли дин пешволари – муллалар бошига тушган оғир кунларни унутиб бўлмайти.

Ҳасан бобонинг жияни – опасининг ўғли Хушбоқ шайхнинг қабри ҳозирги кунда Тожикистон Республикаси Регар туманида. Хушбоқ шайх Денов туманидаги диний мадрасада таҳсил олган. Шариат илмини яхши билган. Ўша даврнинг зиёли, илмли

одамларидан бўлган. Ёш, илмга чанқоқ Хушбоқ Ҳайдарқул ҳожи бобонинг олдига бориб, унга шогирд тушади. Диний билимни чуқур ўрганади, нақшбандия тариқатидан сабоқ олади. Ҳайдарқул ҳожи бобо ўз даврининг илмли, донишманд одамларидан бўлиб, мингга яқин шогирдлари бўлган. Шундан ўзига энг яқин шогирд сифатида Мулло охун ва шайх Хушбоқни танлаган. Улар кейинчалик нақшбандия тариқатининг йирик намояндалари бўлиб етишган. 1929 йили Ҳайдарқул ҳожи бобо ноҳадан қамоққа олинади. Ёши улуғлиги ва кўзи ожизлигига қарамай, уни Сибирга сургун қилмоқчи бўлишади. Бир қанча ўқимишли, зиёли одамлар билан бирга у кишини поездга ўтқазишади. Бироқ ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, поезд жойидан жилмайди. Шўро зобитлари ва аскарлари ҳамда у ерда жам бўлганлар ҳеч нарсага тушунолмай ҳайрон қолишади. Бунинг сирини англаган Муҳаммадали исмли маҳаллий аҳолидан етишиб чиққан милиция ходими рус зобитига Ҳайдарқул ҳожи исмли авлиё домла вагондан тушсагина поезд ҳаракатланиши мумкинлигини айтади. Аввалига улар бунга ишонишмайди. Бироқ ҳарчанд уринсалар-да, поездни ўрnidан жилдира олмайдилар. Иложсиз қолган зобитлар бошлиғи: «Қани, шу йигитнинг айтганини ҳам қилайлик-чи, гапи ростмикан», – деб Ҳайдарқул ҳожини поезддан туширишни буюради. Шу пайт каромат юз беради. Қарийб тўқсон йилдирки ҳануз бу воқеа сурхондарёликлар тилидан тушмай келади.

Ҳайдарқул ҳожи тушиши билан поезд чинқириб юриб кетади. Шунда шўро ҳукумати вакиллари бу одамда қандайдир илоҳий куч борлигига ишониб, уни қолдириб кетишга қарор қилишади. Милиционер Муҳаммадали эса Ҳайдарқул ҳожи бобони елкасига ўтқазиб уйигача кўтариб боради. Ҳайдарқул ҳожи бобонинг уйга келганини эшитган шогирди Хушбоқ шайх жуда хурсанд бўлиб уни кўргани боради. Эшикдан кириб келган шогирдини пайқаган Ҳайдарқул ҳожи: «Хушбоқ, мен қариб қолдим. Билганларимнинг ҳаммасини сенга ўргатдим. Бу ердан бош олиб кет. Дарёдан ошиб, шимол томонга қараб юр, ўша элдан қўним топасан. Бу ерларда сенга тинчлик беришмайди», – деб насиҳат қилади.

Устозининг насиҳатини қулоғига қуйиб олган Хушбоқ шайх чуқур ўйга чўмиб ўз хонадонига келса, уйда милиция ходимлари кутяпти. Бу оилада тўртта ака-ука бўлиб, уларнинг ҳаммаси (Хўжаназар, Холиёр, Чори ва Хушбоқ шайх) Термиз қамоқхонасига олиб кетилади. Қамоққа олинишларининг асосий сабаби уларнинг мулкдорлигиватақводорлиги эди. Чорибобо ака-укаларини қамоқ азобидан қутқариш мақсадида: «Бу бойликларнинг ҳаммаси меники. Хушбоқ шайх менинг чўпоним. У диний билимга эга эмас, тақводор ҳам эмас, оддий бир меҳнаткаш бола», – деб русларни ишонтириб ўзи қамалиб кетади. Шундан сўнг Хушбоқ шайх устози Ҳайдарқул ҳожининг айтгани тўғри ва бу ерда қолиши хатарли эканини англаб 1929 йили Тожикистон Республикасининг Турсунзода

туманидаги Дўрмонбулоқ қишлоғига кўчиб боради. У ерда маҳаллий аҳолига нақшбандия тариқатидан таҳсил беради.

1946 йил март ойида Хушбоқ шайх Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Шамоли қишлоғига келади. Одамлар у кишини катта ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олишади. Бундан хабардор бўлган тўрт нафар отлиқ милиция ходимлари у кишини қўлга олиш мақсадида Шўрчи тумани ички ишлари бошқармаси буйруғи билан йўлга чиқади. Буни эшитган Йўлдош ҳожи тезликда жияни Хушбоқ шайхни огоҳлантириб, иккаласи Турсунзода туманига қараб йўл олади. Улар Шўрчи туманидан чиқиб, Деновга етай деганларида орқадан келаётган отлиқ милиция ходимлари яқинлашиб қолганини кўришади. Шунда Йўлдош ҳожи Хушбоқ шайхга қараб:

– Улар яқинлашиб қолди. Энди бизни ушлаб олишади. Улар отда бўлса, биз эса пойу пиёда, нима қиламиз? – дейди.

Хушбоқ шайх тўхтаб, орқасига ўгирилади ва қўлига бир ҳовуч тупроқ олиб, калима қайтариб улар томонга сепиб юборади. Шунда қаёқдандир кучли шамол эсади. Қуюн аралаш чанг-тўзон кўтарилиб, уларни кўз очишга қўймайди. Тўрталаси ҳам отдан йиқилиб, бир қадам ҳам олдинга юра олмай қолишади.

Милиция ходимлари ушлаб қамоққа олишидан хавотирланиб турган Йўлдош ҳожи бўлган воқеага ҳайрон қолиб сўрайди:

– Хушбоқбой жиян, биз турган жойда шамол йўқ, икки юз метр нарида шундай кучли шамол бўляптики, бунинг сабабини тушунолмадим.

Хушбоқ шайх хотиржам жавоб беради:

– Кетдик, тоға, энди улар бизнинг ортимиздан келолмайди. Шамол уларнинг йўлини тўсиб қўйди.

Йўлдош ота Хушбоқ шайхникига борганида у киши фарзандлари Раҳматулло, Саъдулло, Кароматулло, Абдулла, Ободой, Бибисора, Зулайхо, Бибиробия, Биби-марямни ёнларига чақириб:

– Бу киши менинг тоғам Йўлдошбой бўлади, – деб таништиради.

Шундай қилиб, Йўлдош ҳожи жияни Хушбоқ шайхнинг уйига бориб, у ерда бир кеча-кундуз меҳмон бўлиб қайтади. Шундан сўнг 1947 йилнинг 2 май куни Хушбоқ шайх вафот этади.

Хушбоқ шайх бобо 1896 йили Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Шамоли қишлоғида таваллуд топган. Бу мухтарам инсон 1947 йил 2 май куни 51 ёшида Тожикистон Республикаси Турсунзода туманига қарашли Дўрмонбулоқ қишлоғидаги Чурк ота қабристонига дафн қилинган. Бу қабристон қишлоқнинг тепалик қисмида жойлашган бўлиб, у ерда булоқ чиққан жойда ўз қўллари билан эккан икки туғдона дарахти бугунги кунда ҳам барқ уриб яшнаб турибди. Яна битта туғдона дарахти Хушбоқ шайх бобонинг қабрлари тепасида соя бериб турибди. У ердаги аҳолининг асосий қисми дўрмон уруғига мансуб бўлиб, Хушбоқ шайх



бобони ҳурмат юзасидан Эшони шайх деб зиёрат қилишади. Хушбоқ шайх бобомиз вафот этган 2 май қишлоқ аҳли учун анъанавий хотира кунига айланган.

Кунлардан бирида Хушбоқ шайх бобо бир вақтнинг ўзида саҳар чоғи шўрчилик Турди Валиев ва Эргаш Алимардоновнинг тушига кирибди. Уларнинг тушида Хушбоқ шайх бобо оқ отда келиб, ўзининг жанозасига айтиб юрган эмиш. Эртаси куни бу икки оғайни ҳамқишлоқларига кўрган тушлари ҳақида гапиришибди. Барча қариндошлар Турсунзода туманига қараб йўл олибди, бориб не кўз билан кўришсинки, ҳақиқатан ҳам, Хушбоқ шайх бобо вафот этган. Оллоҳнинг қудрати билан бўлган бу ғайритабиий воқеадан одамлар ҳали-ҳануз ҳайратга тушишади.

Хушбоқ шайх бобо Ўрта Осиёдаги улуғ шайхлардан бири сифатида танилган. Раҳмон ҳожининг айтишича, Хушбоқ шайх Ҳайдаркул ҳожи бобонинг сеvimли шогирди бўлган. Ҳозирги кунда Озод қишлоғида Ҳайдаркул ҳожи бобо номида катта масжид барпо этилган, у кишининг қабри ўша жойда. Бу маскан одамларнинг доимий зиёратгоҳига айланган. Раҳмон ҳожи қариндошлик ришталари узилиб кетмасин деб Хушбоқ шайх бобонинг невараси Ҳожимуқимнинг қизини кенжа ўғли Абдумуродга олиб берган.

Юртимиз мустамлака гирдобидида қолган, элимиз эркисизликдан эзилган истибдод замонида Эшмирза бобо вояга етган хушрўй ва оқила қизи Қизларгулни ғайридин босқинчилардан ҳимоя қилиш ва чорва мол-

ларини сақлаб қолиш мақсадида амакисининг ўғли навқирон Йўлдошга турмушга берган. Улар ҳаётнинг не-не қийинчиликларига бардош бериб, бир-бири билан тотув яшай бошлашган. Табиийки, ўша кезлари замон оғир бўлган. Шунга қарамай, эр-хотин ҳаётнинг осон бўлмаган йўллари елкама-елка босиб ўтган, тинч ва фаровон ҳаёт, бахтли келажак учун матонат билан курашган. Қизини узатар экан, Эшмирза бобо ёш оилага икки бузоқли сигир, ўнта қўй, ўнта эчки беради. Аммо ўз еридан, яйловларидан, сигир-эчкиларидан айрилиб қолган иродали Йўлдош ҳожи тушкунликка тушмайди. Эл хизматида бўлиб, қапа, чайла тикади. Савоб учун бева-бечора, фақир-мискинларнинг тегирмонини тортиб беради.

Раҳмон ҳожининг хотирлашича, Йўлдош ҳожи икки хона, бир айвонли сомонсувоқ уйда яшаган. Уйлари олдадаги йигирма сотих ерга сабзи экишган. Атрофидаги ерни омоч билан тўрт марталаб ҳайдаб, ерни қиздириб, турли сабзавотлар ва унинг четига ошқовоқ экиб, муттасил парвариш қилишган. Табиийки, бу жуда катта заҳматни, меҳнатни талаб қилган. Айниқса, сабзи пишиб етилгандан сўнг хуржунга солиб, тахминан 20 – 30 килограмм атрофидаги юкни елкасига ташлаб 30 – 40 километр узоқликдаги Денов, Қорлиқ, Регар (ҳозирги Тожикистон Республикасидаги туман) бозорларига олиб бориб, ёғ, гўшт, гуручга алмаштириб келган. Ўша кезлари пулга сотишдан кўра бирор маҳсулотни бошқасига айрибошлаш кенг тарқалган эди. Йўлдош

ҳожи ўз оиласига етарли ошқовоқни доимий равишда  
ғамлаб қўйган. Бу орқали оиласини очарчилик бало-  
сидан сақлаб қолган. Шу тариқа унинг оиласи ҳам эл  
қатори оддий ҳаёт кечирган.

Тирикчиликнинг ўзига хос бир қонунияти бор: қи-  
йинчилик баъзан навбатдаги мушкулотларни бошлаб  
келади. Бир муаммо бошқаси учун замин тайёрлайди  
гўеки. Акс ҳолда турмуш машаққатларини сабр ва ма-  
тонат билан енгиб келаётган одамларни қисмат яна  
уруш азоблари билан ҳам имтиҳон қилармиди?! Эр бо-  
шига иш тушди. Барча юртдош йигитлар сафида Йўл-  
дош ҳам урушга сафарбар этилди. Айни билагаи кучга  
тўлган, навқирон пайти иккинчи жаҳон урушида Бело-  
русиянинг Витебск шаҳрида урушорти frontiда хиз-  
мат қилган. Уқувли эмасми, бўш вақтларида сартарош-  
лик ҳунари орқали аскарларнинг ҳожатини чиқарган.  
Тақдир инояти билан урушдан соғ-омон қайтган.

Уруш йилларида Раҳмон ҳожи Йўлдошевнинг Биби-  
сора ва Бўригул исмли опалари колхозда пахта даласи-  
да ишчи бўлиб хизмат қилган. Раҳмон ҳожи ўша оғир  
кунларни мана бундай эслайди:

– Қоп-қоронғи ва совуқ уйда шамга термилганча  
меҳнатдан қўллари қавариб кетган опамлар билан  
дилдираб ўтирардик. Онам ёпган иссиқ нонни опам-  
лар ва акамлар билан баҳам кўриб ердик, қорнимиз  
тўяр-тўймас кечаси уйқуга ётардик. Отам Ҳотамтой-  
дек юксак фазилатга эга бўлиб, қийинчилик йиллари  
бўлишига қарамай, уйга ёрдам сўраб келган одамлар-

нинг бирортасини қуруқ қайтармаган. Опамлар: «Отажон, ўзи уйда ейдиган нарсамиз кўп бўлмаса, келган одамни қуруқ қайтармайсиз, уйдаги борини бериб юборасиз, биз қандай кун кечирамиз?» – деса, у киши: «Болаларим, кўнгилни кенг қилинглар, уйимиз Абдулҳожининг уйига ўхшаб доим қут-баракали бўлсин, Худо ўзи етказди», – деб жавоб берар экан. Чунки Абдулҳожининг уйида ҳар куни йўқ деганда 30 – 40 киши чой ичиб, овқатланиб кетар экан. Ўша ниҳоятда оғир даврларда колхознинг бригадири ва табелчилари Бибисора, Бўригул ҳамда Маҳмуд акам пахта чопиғида кўпроқ эгат олишга интиланган. Тушлик ҳам қилмасдан ишлаган. Сабаби, ким кўпроқ пахта эгатларини чопса, кўпроқ ишласа, шунга яраша мўлроқ пул олар эди. Бунинг учун бошқалардан кўпроқ ишлаш талаб қилинарди.

Табийки, ўша даврларда бригадирлар ўзининг яқин қариндошларига кўпроқ эгат беришга, пулни асосан уларга ёзишга ҳаракат қилишган. Ёш Бўригул эса ғайратли, шижоатли, ҳақини бировга бериб қўймайдиган, ҳақиқатгўй, уддабурон қизлардан бўлгани учун баъзан бригадир билан тортишарди. «Бизларга каттароқ ҳажмда кўпроқ иш кўрсатинг, уддалаймиз. Отамиз урушда, укаларим ҳали ёш бўлса. Кўпроқ ишламасак, биз қандай кун кечирамиз? Бу қийинчилик ва очарчиликлардан қандай омон чиқамиз?» – дея такрорлар ва қаттиқ меҳнат қиларди. Урушдан кейинги тикланиш йилларида онам Қизларгул момо ўзи оилага

бош бўлгани учун етти фарзандини боқиш ташвишида тиниб-тинчимас эди. Болаларини ҳам тинч қўймас, муттасил меҳнат қилишга ундар эди.

Ўша кезлари кун кечириш қанчалик қийин бўлгани шунда ҳам кўринадики, Раҳмон Йўлдошев акалари Маҳмуд ва Ҳайдар билан ғалла ўрилган далага бориб, бўйнига осилган халтага ерга тўкилган буғдой бошоқларини териб уйга олиб келарди. Муштипар онаси Қизларгул момо эса бу буғдойларни келида туйиб ун қилар ва нуридийдаларига иссиқ нон ёпиб берарди. Эрта баҳорда кўк ялпиз, отқулоқ ва исмалоқ аралаштириб кўк сомса қиларди. Турмуш ўртоғи Йўлдош хожи урушда бўлса ҳам, Қизларгул момо уддабуронлиги, фарзандларга талабчанлиги, ишбилармонлиги, тежамкорлиги, меҳнаткашлиги туфайли барча оила аъзоларини очарчилик, қаҳатчилик, йўқчилик балоларидан эсон-омон олиб чиқишга муваффақ бўлган. Ўша йиллари уйда боқувчиси, забардаст ўғил фарзандлари бўла туриб ҳам айрим оилаларда одамлар маккажўхори, кунжара унини еб шишиб ўлган ҳоллар кўплаб учраган.

Уруш йилларида колхозлардаги ўзига тўқ одамлардан урушга ва фронт ортидаги аскарларга юбориш учун гўшт, гуруч, буғдой сингари озиқ-овқат маҳсулотлари, мол-қўй, кийим-кечак ундирилган. Колхоз фаоллари баъзан уч-тўрт киши бўлиб келиб, ҳар қандай хонадондан исталган нарсани олиб чиқиб кетарди. Буни яхши тушунган Қизларгул момо болалари буғдой да-

ласидан териб келган бошоқларни икки-уч жойга алоҳида-алоҳида қилиб яшириб қўяр эди. Бир бўлагини ўчоқ остига ер қазиб, яна бирини тандир остига ер кавлаб, учинчисини эса капанинг ёнига қўйиб ишлатарди. Ўша оғир замонда онаизор ана шундай саъй-ҳаракатлари эвазига нуридийдаларини қутқариб қолди.

Йўлдош ҳожи урушдан соғ-саломат қайтди. Жуфти ҳалолининг тадбиркорлиги шарофатидан болалари соғ-саломат эканини кўриб хурсанд бўлди. Раҳмонжонини қучоқлаб киприкларига ёш қалқди. Дарҳақиқат, ўша кезде Раҳмон эндигина тетапоя бўлиб, болаларга хос бийрон тилда сўзлай бошлаган, шўхликлари ўзига ярашган, ёқимли қилиқлар чиқарган эди. Мунис ва меҳрибон онаси уни эркалар, еру кўкка ишонмасди. Унинг беғубор ва серташвиш болалик кезлари шу зайлда ўтиб борарди. Минг қилса ҳам ўғил бола-да, ёшига хос ўйинлар жону дили эди. Қишлоқдаги болалар билан чўпдан от ясаб «кўпкари чопиш»ни, айниқса, хуш кўрарди. Чиллик, оқ суяк болаликнинг энг завқли ўйинлари бўлгани рост. Узун кечаларда онасидан эртак ва дostonлар тинглар, ўзини барча тўсиқлару қийинчиликларни енгиб, мурод-мақсадига эришган кенжа ботир тимсолида кўрар, кўнглида улуғ ишлар қилишга кучли рағбат сезарди. Унинг бола қалбида эзгу орзулар ана шу эртаклару дostonлар таъсирида пайдо бўлгани ҳақиқатга яқин.

Раҳмон Йўлдошев, аслида, 1938 йил 1 февралда туғилган. Ўша даврларда таваллуд санасини белгилаш

ва туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёзишда ота-онанинг оғзаки сўзига, боланинг бўй-басти, қоматига қараб иш тутилган. Онаси Қизларгул момо туғилганлик ҳақида гувоҳномани расмийлаштириш учун уйга келган идора вакилига ўша кезлари одамлар бошига ададсиз кулфат ёғдираётган урушнинг яна қанча давом этишини билмагани боис ўғлининг ёшини кичик кўрсатиш мақсадида 1942 йил 1 февралда туғилган деб айтади. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома шу асосда олинган. Болалик йиллари иккинчи жаҳон уруши кетаётган оғир замонга тўғри келгани учун кичик ёшидан суяги меҳнатда қотди. Кун кечириш учун далалардан ўт ўриш, дон териш, мол ва қўй боқиш, хуллас, қора меҳнатнинг барча турлари билан шуғулланди.

Яратганнинг инояти билан Иккинчи жаҳон урушидан эсон-омон қайтганидан сўнг Йўлдош бобо колхоз идорасига қоровул бўлиб ишга кирди. Ўқимишли, зиёли одамлар билан суҳбатлашиш унинг жонудили эди. Шунинг учун унинг файзли хонадонида илм ва ижод аҳли тез-тез йиғилиб, адабиёт, тарих ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари қизигандан-қизир эди. Бу суҳбатлар асносидаги қизиқарли баҳс-мунозаралар, мушоаралардан илмга чанқоқ Маҳмуд, Ҳайдар ва Раҳмон чексиз баҳра олгани аён. Баъзан замона зиёлларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этар, жавоблардан билими, дунёқараши ўсиб борарди. Бу уларнинг ўқишга бўлган қизиқишини янада ортирди. Отаси Йўлдош бобонинг

мақсади ҳам айни шу эди: токи ўғиллари зиёли, ўқимишли бўлиб ўссин, элга кўпроқ нафи тегсин, юртнинг корига ярасин. Ўзи ҳам ўзбек халқ мақоллари, эртакларини, шарқ ривоят ва ҳикоятларини яхши билар, узун қиш кечаларида уйқуга ётишдан олдин ўғилларига «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Алпомиш» дostonларидан энг таъсирли, қизиқарли жойларини айтиб беришдан завқ оларди.

– Бизда нимаики фазилат бўлса, отажонимиздан ўтган. Мурғак қалбимизга эзгуликка рағбат, ёмонликка нафрат туйғулари ўша эртақлару дostonлар таъсирида шаклланган бўлса ажаб эмас, – дейди Раҳмон ҳожи.

Ўша кезлари қишлоқ жойларда электр чироғи, радио, телевизор, газета ва журнал деганлари анқонинг уруғи эди. Баъзи саводхон, ўқимишли кишиларда дoston ва ривоят китоблари бўларди. Колхоздаги китобсевар одамлар бундай кишиларни уйларига чақириб, ён атрофидаги ўн-ўн беш хонадондаги кўшниларни болалари билан бирга йиғиб, навбатма-навбат китобхонлик кечалари ташкил килинарди. Йўлдош ҳожи ўғилларини ана шундай китобхонлик кечаларига мунтазам олиб борар, мақсади улар қалбида китобга меҳр уйғотиш эди.

Кунлардан бирида у ўша даврдаги раис Сафар Ражабовдан колхоз идорасида ташкил этилаётган китобхонлик кечасига фарзандларини олиб бориш учун рухсат сўрабди. Шунда бу гапни ёқтирмаган раис пешонасини тириштириб, унинг саволини жавоб-



сиз қолдирибди. Китобхонлик кечасининг хабарини эшитган Маҳмуд ва Ҳайдар отаси ишдан келиши билан чой ичиб бўлишини ҳам кутмай: «Бизни китобхонлик кечасига олиб борасиз», – деб ҳоли жонига қўймабди. Йўлдош ҳожи, раиснинг хушламаганига қарамай, ноилож ўғли Раҳмоннинг қўлидан маҳкам тутиб, яна икки ўғлини ёнига олиб идорага кириб борибди. Улар китобхонлик кечасига ширин хаёллар, бир олам қувонч билан дадил одим ташлаб, севинчи ичига сиғмай боришибди. Колхоз идорасида ўттизқирқдан зиёд одам тўпланиб, давра қуриб ўтирар, атрофда эллик-олтмиш чамаси ўғил-қиз йиғилиб, дoston тинглашни бошлаган экан. Йўлдош ҳожи бобо идоранинг эшигини секин тақиллатибди. Ичкаридан чиққан йигит унга шундай дебди:

– Ҳозир, кутиб туринг, раис бободан сўрайин-чи.

Бир оздан кейин эса ҳеч бир истиҳола қилмай айтибди:

– Раис бобо сизни ҳам, болаларингизни ҳам ичкарига киритмаслигимни тайинлади, қайтиб кетар экансиз.

Йўлдош бобо болалари олдида жуда ноқулай вазиятда қолибди: ичкарига киришини ҳам, ортга қайтиб кетишини ҳам билмай, қаттиқ хижолат чекибди. Отасининг ҳолатини тўлиқ тушуниб етмаган Раҳмон инжиқлик қилиб уни ҳоли жонига қўймабди:

– Ахир шунча бола дoston тинглапти-ку, биз ҳам кириб, бир четда жимгина эшитайлик, илтимос, отажон!

Шунда Йўлдош бобо ўғлига:

– Ноиложмиз, болам, бу киши катта одам бўлса, йўқ дедими, энди киритмайди. Юринглар, кета қолайлик, бошқа сафар келамиз, – дебди.

Ёш, қизиқувчан ва билимга чанқоқ Раҳмон эса отасини яна ва яна қўлидан тортиб ичкарига киришга ундабди. Шу лаҳзада Ҳайдар кўздан ғойиб бўлиб қолибди. Қараса, китобхонлик кечаси бўлаётган залга орқа томондан кириб олибди. Бир барзанги йигит уни қўлидан ушлаб судраб олиб чиқиб, отасига:

– Ўзингиз ҳам, болаларингиз ҳам бу ердан кетинглар, – деб дағдаға қилибди.

Бу гапдан қаттиқ ранжиган Йўлдош ота йиғламсираб тўрт-беш ёшлардаги кенжа ўғли Раҳмонни қўлидан маҳкам тутиб олибди. Нафратдан қўллари қалтирар экан. Шунда у болаларига қараб:

– Ўқинглар, болаларим, ўқинглар. Ҳали ҳаммаси олдинда, келажак сизларники, – дебди.

Уйга кириб келгунча бу гапни қайта-қайта такрорлабди. Кўзлари жиққа ёшга тўлиб:

– Ёлғиз йигитга қийин экан, болаларим, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, – дебди.

Ёш ва зийрак Раҳмоннинг бола қалбига бу воқеа жуда қаттиқ таъсир қилган. Қатъият ва ишонч билан шундай дегани кечагидай ёдида:

– Ота, хафа бўлманг, булар билан ҳали ўзим ҳисоблашаман.

Эртаси куни «Октябрь 30 йиллиги» колхозни раиси Сафар Ражабов от миниб, шинам кийимда Йўлдош ота-

нинг уйи олдидан ўтиб қолади. Ёш Раҳмон кечаги воқеа таъсирида унга қараб бақиради:

– Ҳали қараб турунг, сизнинг ўрнингизга мен раис бўламан.

Норасида боланинг бу гапига чидай олмаган раис умумий мажлис чақириб, Йўлдош отани қоровулликдан бўшатиш ва колхоздан чиқариб юбориш тўғрисида қарор чиқартиради. Қарорнинг бир нухасини Йўлдош отага ҳам беради. У Қизларгул момо, Бўригул ва Раҳмонни олиб Шўрчи марказига боради. Район ижроқўми раиси Абди Қодиров қабулхонасига кирган Қизларгул момо:

– Ўғлим Раҳмон ёшлик қилиб уйимиз ёнидан ўтиб кетаётган Сафар Ражабовга: «Катта бўлсам, сизнинг ўрнингизга раис бўламан», – дегани учун раис бизни колхоздан ҳайдаб чиқармоқчи, – деб қўлидаги қарорни ижроқўм раҳбарига беради.

Абди Қодиров онаизорга қараб:

– Сафар Ражабовнинг ўрнига раис бўладиган йигитча шуми? – деб сўрайди.

Қизларгул момо хафа бўлиб, ўғли Раҳмонга ишора қилади:

– Ҳа, шу бола, бир оз ёшлик қилиб қўйди.

Абди Қодиров самимий жилмаяди. Кейин эса қандайдир қатъият ва ишонч билан гапирди:

– Сенга ишонаман, катта бўлсанг чуқур билимли, жасур ва довиюрак йигит бўласан. Худо хоҳласа, бир кун келиб колхоз раиси бўлсанг, ҳеч ажабланмайман.

Шу тариқа колхоз раиси чиқарган маънисиз қарор бекор қилинади. Шу ишга бош қўшганлар жазоланади. Бу воқеадан чинакамига ранжиган Йўлдош бобо колхоз идораси қоровуллигини топширади. Қишлоқдаги ўрта мактабга қоровул бўлиб ишга ўтади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда хат-саводли одамлар жуда камчиликни ташкил этар, мактабда эса ўқитувчилар йўқ ҳисоби эди. Тошкент давлат педагогика институтини битирган ғиждувонлик Пано Қурбонов қишлоқ мактабига ўқитувчи бўлиб келади. Унга мактаб четидан яшаш учун бир хона жой ажратиб берилади. Йўлдош ҳожи мактабда қоровул бўлгани учун Пано ака билан кечқурунлари узоқ гурунглашиб ўтирар, у билан Тошкент, пойтахтдаги ўқув жараёни ҳақида суҳбатлашар экан, тонг отганини ҳам сезмай қоларди. Эрталаб уйга келгач ўғилларидан Пано акага бир коса иссиқ овқат бериб юборар эди. Бир куни Йўлдош бобо унинг мусофирчиликда қийналиб яшаётганини, вақтида иссиқ овқат тайёрлашга имкони йўқлигини кўриб чин дилдан таклиф билдирди:

– Келинг энди, сизни уйга олиб кетаман. Биз билан бирга турасиз.

Шунда домла ўзини ноқулай сезишини айтиб бирикки кун розилик бермайди. Йўлдош бобо: «Бизникида яшайсиз», – деб сўзида қатъий туриб олади. Домла эса яна узрхоҳлик қилади:

– Қандай бўлар экан, ахир, оилангиз ўзи катта, шароит осон эмас. Худо иззат қилсин, раҳмат. Лекин сизларни безовта қилгим йўқ.

Йўлдош ота ҳазиллашиб:

– Домла, хижолат бўлманг, эвазига ўғилларимни кўпроқ ўқитасиз-да. Улар келажакда зиёли одамлар бўлиб етишиши керак. Болаларимнинг ғайрати бор, билимга чанқоқ, келишдикми? – дейди.

Эртасига Йўлдош бобо домлани уйига бошлаб бо-ради. Пано ака келишган, фариштали, зиёли одам эди. Йўлдош бобо уйдагиларнинг ҳаммасини чақириб ай-тади:

– Бу киши Қурбонов Пано, Бухоронинг Ғиждувон туманидан. Колхозимиздаги мактабга ўқитувчи бўлиб келган. Бугундан бошлаб биз билан бирга туради.

Пано ака:

– Уйингиз ўзи икки хона экан, менга ноқулай, – дейди.

Йўлдош ота ўз сўзида туриб олади:

– Қўйинг шунақа гапларни, домла, энди биз билан бирга турасиз. топганимиз ўртада.

Меҳмон уч ўғил ётадиган хонага жойлашади. Шу кундан бошлаб Ҳайдар, Маҳмуд ва Раҳмоннинг китобга бўлган меҳри янада ошди. Ўқитувчи ҳар оқшом ётишдан олдин уларга дostonлару эртаклар айтиб берарди. У ҳар бир гапида мақоллару маталларни қалаштириб ташлайдиган сўзга чечан одам эди.

Пано ака:

– Бўлди, қолганини эртага давом эттирамиз, – деса ҳам, қизиқувчан Раҳмон:

– Яна озроқ айтиб беринг, – деб ҳоли-жонига қўймас эди.

Буни эшитган отаси:

– Болаларим, ётинглар энди, тонготар бўлди, домла аканг эртага болаларга дарс бериши керак, чарчаб қолади, – деб айтарди.

Пано домланинг таъсири бўлдими, уч ака-ука китобга ёшлигидан астойдил меҳр қўйди. Инсоният тарихидаги чинакам буюк мўъжиза ҳисобланган китоб уларнинг ақлини чархлаб, тафаккурини ўстирди. Зеро, китобларда кечмиш замонларнинг руҳи акс этади. Вужуди аллақачон тупроққа қоришиб кетган одамларнинг овози аниқ-тиниқ эшитилиб туради. Инсоният нимаики кашф этган ва нимагаки эришган бўлмасин, бари-бари фақат китоблар орқалигина асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ғубор қўнмасдан ўтиб келади. Одамзодни эзгуликка чорловчи беқиёс куч – китоб. Унинг ақлини ўстирувчи, тафаккурини чархловчи беназир манба – китоб. Инсон руҳиятини юксалтирувчи ҳаётбахш қудрат – китоб. Чунки у инсоннинг орзуларига қанот бағишлайди. Хаёлот оламининг кенгайишига, маърифатининг ошишига хизмат қилади. Мактаб ёшига етмаган кезлариданоқ китобни нондек азиз билгани боис Раҳмон Йўлдошев камолга эришди, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди. Китоблар унинг қалбини, шуурини ёритди, ўз касбининг устаси бўлиб етишишида катта ёрдам берди.

Йиллар ортидан қувиб йиллар ўтди, у мактаб ёшига етганини сезмай ҳам қолди. Биринчи синфга қадам қўйган кезларидаги ҳайрат ва ҳаяжон, мактабдаги

қайноқ ҳаёт ҳеч бир одамнинг ёдидан чиқмаса керак, албатта. Қўлингизга қалам тутқазиб ҳарф ўргатган биринчи ўқитувчингиз, кейинчалик билим берган устозларингиз хотирангизда бир умрга муҳрланиб қолар экан. Уларнинг қимматли ўғитлари, ҳикматга йўғрилган сўзлари, нурли чехраси ҳеч қачон кўз олдингиздан кетмайди. Ниҳоят, ёш Раҳмонни отаси Йўлдош хожи қўлларидан тутиб 1945 йил 1 сентябрда Йўлдош Охунбобоев номидаги 11-сонли мактабнинг 1-синфига олиб борди. Мактаб директори Абдулла Мусурмонов ўта қаттиққўл ва талабчан эди. Раҳмоннинг биринчи ўқитувчиси Исмат Шердонов бўлди. У ўқувчиларни фанга қизиқтириш бобида тенгсиз муаллим эди.

У 7-синфгача ушбу мактабда ўқиб билим олди. Ўша кезлари колхозларда ўрта мактаблар кам, ўқитувчилар етишмас эди. Бир ўқитувчи тўрт фандан дарс ўтарди. 11-сонли мактаб олти йиллик эди. Раҳмон 7 – 8-синфларда ўқишни давом эттириш учун қўшни колхоздаги Михаил Ломоносов номидаги ўрта мактабга борди.

***Эслатма:** Ўша кезлари Ўзбекистоннинг узоқ қишлоқларидаги мактабларга ҳам ўзбек олимлари ва мутафаккирларининг эмас, рус халқи орасидан етишиб чиққан давлат арбоблари, шоиру адибларнинг, ҳатто юртимизни босиб олишда, элни қатлу ғорат қилишда фаоллик кўрсатган ҳарбийларнинг номи берилиши урфга айланган эди. Ўзбекистоннинг шўролар давридаги мадҳияси ҳам «Ассалом, рус халқи, буюк оғамиз» деган сўзлар билан бошланарди. Соҳибқирон Амир Темур таъбири би-*

*лан айтганда, «Миллатларнинг энг улуғи ва қадимийси» бўлган ўзбеклар дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси бир неча барабар устун бўлишига қарамай, ишини «улуғ оға» дея бошқа бир халққа салом беришдан бошларди. Фақат 1991 йилга келиб Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан кейингина тарихий адолат тикланди. Халқимиз, авлодларимиз ўзлигини, дунё тарихидаги ўрнини чин маънода англаётир.*

Раҳмоннинг кўпчилик тенгқурлари 7-синфгача бирга ўқиб, кейин ўқишни давом эттиришни хоҳламай, қишлоқ хўжалиги ёки чорва билан машғул бўлиб кетарди. Йўлдош ҳожи китобсевар ўғли Раҳмонга албатта ўқишни давом этириши кераклигини тайинлаб, уни қўшни колхоздаги тоғаси Қобил Эшматовнинг уйига олиб борди.

Отаси тоғасига:

– Раҳмон ўғлимни колхозингиздаги мактабга қўйдим, агар ўқишдан кеч қолиб кетса, сизларникига келиб ётиб турса бўладими? – деб сўради.

Тоғаси айтди:

– Албатта бўлади, бемалол. Ахир, у менинг жигарим, сўраб ўтирганингиз нимаси? Раҳмонжон, узоқ йўл босиб ўқиш ниятида келибсан, тасанно. Илоҳо, улуғ инсон бўлиб етишгин!

Шу кундан у мактабда аъло баҳоларга ўқий бошлади. Қиш кунлари дарсдан кейин кўпроқ тоғасининг уйида қолиб кетарди. Мактаб чоғларида у, айниқса, математика, алгебра, геометрия фанларини алоҳида



қизиқиш билан ўқир, синфдошлари билан фанларнинг шоҳи бўлган математика бўйича баҳслашишни хуш кўрарди. Математика ўқитувчиси Муҳаммадиев Ҳазрат эса ўқувчиларнинг хатоларини тузатиб, жавобларидан қониқиш ҳосил қилганда мақтаб, уларнинг интилишига қанот бағишлар, ўзи ўқитадиган фанга сўнмас муҳаббат уйғота олган эди.

Раҳмон ҳожи Йўлдошев бу мактабда ўқиган кезларини мана бундай хотирлайди:

– Ўша даврларда мактаб сумкалари сатин газмолдан тикиларди. Албатта, китоб-дафтар билан бирга сумкамизнинг бурчагидан сиёҳдон ва перо ҳам жой оларди. Баъзан сумкамизга сиёҳ тўкилиб, китоб-дафтарларимиз сиёҳга бўйлиб қоларди. Отам мактабга тез-тез бориб, ўқитувчимиздан дарсни ўзлаштиришим, хулқим ҳақида сўраб-суриштириб турарди.

Келажагини ўйлаган, эртанги куни ҳақида қайғурган киши авлодлари тарбиясини ҳар нарсадан устун билади. Болаларининг истиқболидан умиди бўлган одам уларнинг кучи ва қобилиятини тўғри баҳолайди. Бу куч-қобилиятни тарбиялашга, улуғ мақсадлар сари йўналтиришга бор эътиборини қаратади. Ёш Раҳмоннинг истеъдодини ўз вақтида пайқаб, бу истеъдоднинг тўла-тўқис намоён бўлиши учун астойдил куюнган онаси Қизларгул момо бўлди. У фарзандлари қалбига яхшиликни сингдириб ўстириш орқалигина бахт топиши кераклигини англади ва ана шу осон бўлмаган ишга бутун кучини сафарбар этди.

Раҳмонга қўлбола сатин сумкани ўз қўллари билан тикиб берган ҳам, сумкага китоб-дафтардан ташқари орасига кувида олинган сарёғ суртилган бир парча нонни солиб берган ҳам онаси бўлди. Уйдан мактабгача бўлган масофа қарийб йигирма километр бўлиб, тахминан бир ярим-икки соатлик йўл эди. Оёғига қуйма резин этик кийган Раҳмон билим олиш учун деярли ҳар куни ана шунча масофани босиб ўтарди. Этигининг бош бармоғи ва ёни тешилгани сабабли намгарчилик вақтларида оёғи ва пайтаваси жиққа ҳўл бўлар, шу эски этикни ҳам акалари Маҳмуд ва Ҳайдар билан навбатма-навбат алиштириб кийишарди.

Шу тахлит не-не қийинчиликларни кўрган Раҳмон Михаил Ломоносов номидаги мактабнинг 8-синфини битиргач 9 – 10-синфларни қўшни Денов райони Хайробод қишлоғидаги Алишер Навоий номидаги мактабда давом эттирди. Бу мактабда дарс берган устозларининг ҳам кўпчилиги чинакам жонкуяр, ўқувчиларга етарли билим бериш учун бор имкониятини ишга соладиган фидойи инсонлар эди. Билимга чанқоқ Раҳмон бу ерда ҳам муттасил камолотга интилди. Устозларининг берган билимларини ва унга билдирган ишончини оқлаб, мактабни аъло баҳоларга битирди.

Акаси Ҳайдарбой 1956 йили Самарқанд давлат педагогика институтининг биология факультетига сиртдан ўқишга кирди. Акасига ҳавас қилган серғайрат Раҳмоннинг ўқишга бориш учун йўлкира пули ҳам

йўқ эди. Бир оиладан икки кишининг олий ўқув юртида таҳсил олиши оилага сезиларли қийинчилик туғдириши тайин эди. «Интилганга толе ёр» деганларидек, у бунинг йўлини топди. Юрагида олови бор бу йигит Ҳазорбоғ совхозидаги тоғаси Ҳайиталибойникига борса, пахсадан уй қураётган экан. Тоғаси: «Пахсадан уй қурыпман, жиян, агар ёрдам берсанг иш ҳақингни оласан», – деди.

У тоғасига аниқ мақсадини, ўқишга кирмоқчи эканини айтди. Бунинг эшитган тоғаси жуда хурсанд бўлди. Алқисса, йигирма кун давомида тоға-жиян пахсадан уй кўтарди ва орзуси ўқишга кириш бўлган Раҳмон пешона тери эвазига бир юз эллик сўм иш ҳақи олди. Ёшлиқдан раис бўлишни, элга хизмат қилишни орзу қилган бу йигит 1958 йили ана шу пулга билет олиб, поездда Самарқандга борди. Икки йиллик қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникумига ҳужжат топшириб, ўқишга кирди.

Акаси Маҳмудбой армиядан қайтгач Душанбедаги Тожикистон давлат физкультура институтига ўқишга кирди. Отаси Йўлдош бобонинг орзулари ушалди. Нуридидалари ўқимишли, зиёли инсонлар бўлиб етишди.

Раҳмон техникумда қунт билан ўқиди. Яхши мутахассис бўлиш учун астойдил интилди. Ўқитувчилар ва тенгдош талабаларнинг ҳурматини қозонди. 1960 йили техникумни битириб, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги «Коммунизм» колхозига йўл

ланма билан ишга борди. 1961 йилгача қишлоқ хўжалиги машиналари механиги бўлиб ишлади. Қисқа даврда ишнинг кўзини билиши, муомаласи, мутахассис сифатидаги маҳорати боис ишчилар орасида катта эътибор қозонди.

Олий маълумот олишни мақсад қилган Раҳмон Йўлдошев 1962 йили колхоз раисидан Тошкент халқ хўжалиги институтига йўлланма беришини сўради. Раис: «Механик бўлиб ишлайвер, олий маълумот сенга нимага керак?» – деб рухсат бермади. Олий маълумотли бўлиш ёшликдаги орзуси бўлган Раҳмоннинг қулоқлари тагида отасининг «Ўқинглар, болаларим, катта одам бўлинглар. Халқ учун керакли мутахассис бўлиб етишинглар!» деган сўзлари жаранглаб турар эди.

Ўқишга киришга ҳамма ҳам интилавермайдиган замонлар эди ўша кезлари. Отаси «Раҳмонжон ўғлим, аканглар институтни тугатиб келганидан сўнг сен албатта олий маълумот олишинг шарт» деган сўзларни қулоғига қуярди. У эса: «Отажон, аввал сизга ёрдам берай. Ахир икки акам ўқишда бўлса, опамларга ҳам қийин бўляпти. Сиз даволаниб, соғлигингизни тиклаб олинг. Мен сизга қувват бўлишим керак», – деб айтарди. Йўлдош ҳожи эса қатъий туриб: «Аканглар ўқишни тугатиб келгандан кейин албатта ўқишни давом эттир. Сен олий маълумотли зўр мутахассис бўлишинг шарт», – дея такрорлар эди.

Колхоз гаражида механик бўлиб ишлаб юрган кезларида Раҳмон ёшлик чоғлари ва хотиралари ёдига

тушиб таъсирланиб кетарди. Олдинги колхоз раиси Сафар Ражабов отаси Йўлдош ҳожи, акалари ва уни китобхонлик кечасига киритмагани, ёш норасиданинг бир оғиз гапи сабаб бутун бошли оилани колхоздан кўчиришга ҳаракат қилгани, отасининг уларни китобга ошно қилиш учун жони-жаҳонини бағишлагани худди бугунгидек кўз ўнгида турарди. Ўзи болалари билан икки хонали тор уйда яшашига қарамай, отасининг катта ҳиммат билан бухоролик ўқитувчи Пано Қурбоновга жой бериб, болаларининг ўқимишли бўлиши учун қўлидан келган барча ҳаракатни қилгани кино тасмасидек хаёлидан бирма-бир ўтарди. Шундай кезларда у: «Мен албатта олий маълумот оламан ва раис бўламан», – деб ўз-ўзига аҳд қиларди.

Эсида, отаси Йўлдош ҳожи қишлоқдошларига бўйрадан қапа тикиб берар, сартарошлик ҳунари билан одамларга наф етказиб бундан қувонар эди. Ўғилларига доимо насиҳат қилиб, Низомий Ганжавийнинг ғазал ва қасидаларидан, айрим таъсирли ҳикоятлардан айтиб берарди. Жумладан, отаси Йўлдош ҳожи ҳунарли одам ҳаётда ҳеч ҳам хор бўлмаслигини уқтириб, қуйидаги тўртликни такрорлашдан чарчамасди:

*Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир,  
Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.  
Сухбатдошлик қилгин яхшилар билан,  
Ишларинг саранжом топар яхшидан.*

Шу маънода, Йўлдош ота нафақат моҳир ҳунарманд ва сартарош, балки ўғилларини ҳаёт синовларига тай-ёрлаган беназир мураббий ҳамдир. Бу мўътабар инсон ўғилларини меҳнатсевар, инсонпарвар, ҳалол-пок, қалбида эзгу ишларга рағбати кучли этиб тарбиялади. Уларнинг ҳар жиҳатдан комил бўлишлари учун бор куч ва салоҳиятини бағишлади.

– Афсуски, бир кўнгилсиз воқеа қалбимда бир умрга муҳрланиб қолди, – дейди Раҳмон Йўлдошев. – Эрталаб ишга шошиб кетаётганимда анчадан бери бетоблиги сабабли ётиб қолган отамнинг соғлиги ёмонлашганини сездим. Онамга: «Бугун ишга бормаيمان, оёғим тортмаяпти,» – дедим. Шунда онам айтди: «Ахир акаларинг ўқишдан келган-ку. Маҳмуд ва Ҳайдар отангга қараб туради. Сен хотиржам ишингга бориб келавер». Мен эса онамга яна қайта ишга бормаслигимни айтдим. Бу суҳбатимизни отам эшитиб турган экан, ичкаридан у кинининг овози эшитилди. «Раҳмон, мен сендан розиман, нима бўлганда ҳам ишдан қолма, боравергин», – деб дуо бериб, ишга боришимни талаб қилди. Уйдан чиқар эканман, кўнглимга чироқ ёқса ёришмас, оёғим ишга тортмас эди. «Ишга борсамми-бормасамми?» – деб майда қадамлар билан уйдан чиқиб, эллик одим чамаси юрганимни биламан, опамларнинг «Отажон!!!» деган нидоси ва йиғлаган овози эшитилди. Уйга қараб отилдим. Минг афсуски, отам бу фоний дунёни тарк этган эди.

Бу воқеа 1962 йилнинг 21 февраль куни содир бўлди. Отам билан бошқа суҳбатлаша олмаслигимни,

унинг дийдорини кўриш энди насиб этмаслигини, тоғдай таянчим, ишончим, сирдошим бўлган валинеъматимдан бутунлай айрилиб қолганимни англаб эзилдим. Отам раҳматли менга доим: «Сен ҳам акаларингнинг изидан бориб олий маълумотли бўлишинг керак», – деб насиҳат қилар эди. Отамнинг вафотидан сўнг бу сўзлари энди мен учун васиятга айланди. Валинеъматим тирик пайтида амалга ошира олмаган олий мақсадим Тошкентга бориб, халқ хўжалиги институтига ўқишга кириш эди. Колхоз раисининг олдига кириб бу ниятимни айтдим. Ўша кездеги колхоз фаоллари ўқиб келгани сабабли раис менга: «Раҳмон, нима қиласан ўқишга бориб, колхозда ишчи етишмайди, тинчгина ишлайвер», – деб менга йўлланма бермади. Ўқишга бўлган чексиз иштиёқим сабаб ноиложликдан ўқишга йўлланма олган бошқа тенгқурларимнинг йўлланмасидан колхоз муҳрини қайнатилиб арчилган тухум орқали ўз йўлланмамга босиб олдим. Навбатда эса йўлकिрани ҳал этишдек яна бир оғир масала турарди. Колхоз идорасига бориб иш ҳақимни талаб қилдим. Идорада ўша кездеги колхоз раиси Сафар Ражабовни учратдим. У мендан нега келганимни сўради. Тошкентга ўқишга бормоқчи эканимни, иш ҳақимни олиш учун келганимни айтдим. Сафар Ражабовга бу гапим мутлақо ёқмади. У менга қараб ўдағайлади:

– Яқинда ўқиб келдинг-ку, яна қанақа ўқиш? Сенга энди ўқишни ким қўйибди, ҳамма қатори ишласанг бўлмайдимми?

Сўнг дала томонга қараб раис менга далада турган иккита молни ҳайдаб чиқишни буюрди.

Нимаики буюрилса, югуриб кетадиган ёш бола эмас эдим. Қолаверса, унинг ғуруримни топтамоқчи бўлгани менга ёқмади. Унга шундай жавоб қилдим:

– Мен қоровул эмас, инженерман. Молларни ҳайдаш менинг вазифамга кирмайди.

Раис бу жавобдан сергак тортди. Биз тортишиб турган маҳалда вилоят пиллачилик бошқармаси бошлиғи Ҳамидулло Болтаев келиб қолди. У кишига вазиятни тушунтирдим:

– Ўқишга бориш учун иш ҳақим ҳисобидан пул сўрадим, холос. Мен ўқиб олий маълумотли бўлишим керак.

Шунда раис ўртага тушиб, изоҳ берди:

– Бу йигитнинг икки акаси ҳам институтда ўқийди. Энди бу ҳам колхоз ишидан қочиб ўқишга кетмоқчи, пул бера олмайман.

Сўнг вилоятдан келган вакилга кўз қирини ташлар экан, колхоз раиси бухгалтер Очилди Менглиевни чақириб айтди:

– Майли, унга 60 сўм пул ёзиб бер.

Ғайратим ичимга сиғмаган кезларим эмасми, раисга кескин эътироз билдирдим:

– Бу пул билан сиз Деновга ҳам боролмайсиз-ку, ахир мен Тошкентга кетяпман.

Шунда раис билан ўртамиздаги тортишувга вилоят пиллачилик идорасининг вакили Ҳамидулло Болтаев аралашди:



– Бу йигитга пул ёзиб беринг, ўртоқ раис, ғайрати бор экан, яхши кадр бўлиб етишади.

Сафар Ражабов нимадир дейишга чоғланди. Ҳамидулло ака унга: «Сиз аралашманг», – деди ва бухгалтер Очилди Мелиевни чақириб, қатъий оҳангда тайинлади:

– Бу йигитга кўпроқ пул ёзиб бер. Гапидан қайтмайдиган мард йигит экан. Ҳаёт ҳали олдинда ва келажак шундай ёшларники. Бундай ғайратли йигитлар кўпайса, ҳаётимиз зўр бўлади.

Шундан сўнг раис ноилож бу фикрга қўшилди:

– Очилди, майли, унга 250 сўм ёзиб бер.

Пулни олиб, Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кетдим. Ҳаётнинг ҳар бир киши учун осон бўлмаган синовлари қатори кутилмаган тухфалари ҳам бўлар экан. Куч-қувватга тўла ёшлик, билим олишга ва курашга чанқоқлик, ишонч ҳамда орзу-умидларга тўла талабалик даврим ҳаётимнинг чин маънодаги зарҳал саҳифаларидир. Ёшлик чоғларингдаги кечинмалар бир умр хотирада муҳрланиб қолар экан. 1962 йил ҳаётимда ёрқин из қолдирди. Беш фандан тўртта сини муваффақиятли топшириб, охириги имтиҳон – математикадан, (ўқитувчи доцент Мўминов эди) ўта олмадим. Институт ректори Қориев домланинг ҳузурига бордим. Домла менга қараб:

– Бу ерда нима қилиб турибсиз, йигитча, нима муаммо билан келдингиз? – деб сўради.

Дадил жавоб бердим:

– Мени математика имтиҳонидан йиқитишди, аммо билимим институтга киришга етарли. Сиздан имтиҳонни қайта топширишга рухсат беришингизни сўраб келдим.

Ректор менга бошдан-оёқ разм солар экан, саволга тутди:

– Қани, айт-чи, қайси вилоятдан келгансан? Институтга нечанчи бўлиб ҳужжат топширдинг? Фамилиянгни айт.

Қатъият ва ишонч билан жавоб бердим:

– Мен Йўлдошев Раҳмон, сурхондарёликман, институтнинг иқтисод факультетига 86-рақам билан ҳужжат топширганман.

Қориев домла котибасига Мирбобоевани чақиришини тайинлади. Мирбобоева келгач, домла мени кўрсатиб, унга топшириқ берди:

– Бу йигитни математика фанидан қайта имтиҳон қилиб, натижасини менга айтинглар.

Ҳаяжонимни босиб, фикримни бир жойга жамлаб имтиҳонга кирдим ва уни муваффақиятли топширдим. Бу кун мен учун ҳаётимдаги энг унутилмас кун бўлди. Ахир ёшлиқдан дилимга туккан улкан орзуимга эришган, институт талабасига айланган эдим. Отамнинг васиятини бажаришнинг уддасидан чиққан эдим. Оиламизнинг барча аъзолари бу ютуғимдан қувонди. Айниқса, онажонимнинг хурсандчилиги чексиз эди. Оламда мендан кўра бахтлироқ инсон йўқ, бор овозим билан қўшиқ куйлагим келарди:

*Дил тугёни ҳаёт ишқид,  
Келажак-чун босган йўлларим.  
Бир умр қол қалбим тўрида,  
Талабалик, ёшлик йилларим.*

Дарҳақиқат, бу сатрлар қалбимни энтиктирадиган нурли лаҳзаларни, талабаликнинг жўшқин онларини ёдга солади. Умрнинг ҳар бир сониясини қадрлашга даъват этади. Кўнгилга беихтиёр шукрона туйғулари инади.

1966 йили институтдан бизни вилоятларга амалиёт ўташ учун жўнатишди. Иқтидорли талабалардан эдим. Мен водий вилоятларидан Андижонга борадиган бўлдим. Саккиз ойлик ишлаб чиқариш амалиёти ўташим зарур эди. Андижонга йўл олдим. Рашид Салохиддинович Ашуралиев деган киши машинасида «Гулистон» колхозига қарашли Харабек қишлоқ советига олиб келди. Колхоз раиси Султонбек Мўминов мени бош бухгалтер Умарали Норматов билан таништирди. Колхозда пилла тарқатилаётган экан. Раис менга «Газ-24» машинасини бериб, пилла боқиладиган уйларга бирма-бир олиб борди ва пилла тарқатишга масъул шахс сифатида таништирди. Хонадонларга кириб, пиллакорларга қутиларда пиллаларни тарқатиб чиқдик. Колхоз кўп йиллардан бери давлатга топширилиши зарур бўлган пилла планини бажармай келадиган экан. Бир лаҳза ҳам тинмадим, гоҳ колхоз раҳбарияти билан, гоҳ пилла боқувчилар билан учрашар, ишни

яхшилаш юзасидан муттасил изланар, тинимсиз ҳаракат қилар эдим. «Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат» деганлари рост экан. Ўша йили колхоз пилла планини вилоятда биринчилар қаторида бажарди. «Гулистон» колхозии раҳбарияти бу муваффақиятда мендек ёш бир амалиётчининг ҳиссаси катта эканини эътироф этиб, мақтов ёрлиғи билан тақдирлади. Улар: «Колхозимизга сенинг пойқадамнинг ёқди. Режа аъло даражада уддаланди», – дея одамларга мени мақтаб таништирди. Мажлис қатнашчиларидан бири: «Иложи бўлса, институтни битиргач бу йигитни колхозимизга олиб келиб, иш билан таъминлашимиз керак», – деб қолди. Саккиз ойлик амалиёт якунлангач, колхоз раиси Султонбек Мўминов институт ректори Қориевдан мени ишга юборишни сўраб хат ёзди. Қориев бу илтимосни қондириб 1967 йили хат асосида мени Андижон вилоятига ишга юборди. Сурхондарёга бориб, онажонимга бўлган воқеани айтдим. Онам бунга қатъий қарши эканини айтиб, йиғлаб туриб олди:

– Сен йигирма тўққизга кирдинг, уйланишинг керак. Ўзинг бир ўйлаб кўр, ўғлим, сен тенгиларнинг иккита-учтадан боласи бор. Ҳеч қаёққа кетмайсан. Ўзимизнинг колхозда ҳам иш топилади.

Муштипар онажонимнинг бу гапларига эътироз билдириш имконсиз эди. Меҳрибон волидамнинг кўнглини қолдириш – ҳеч қачон бунга йўл қўя олмас эдим. Мен жонажон колхозимизда қолишга қарор қилдим. Институтга ўқишга кетишдан олдин колхозда

механик лавозимида ишлаган эдим. Колхознинг ўша кездеги фаоллари устимдан кулишди: «Сенга энди иш йўқ, институтда ўқимагин демаганмидик. Мутахассислигинг бўйича иш тополмайсан». Мен: «Майли, нима иш бўлса ҳам қилавераман, колхозга фойдам тегса бўлди», – деб жавоб бердим. Улар мени калака қилишда давом этишди: «Ишласанг, колхоз раиси Юсуф Соатовнинг секретари лавозими бўш». «Майли, иш бўлса бўлди, вақти келиб ўз соҳамда ишларман», – дедим. Колхоз фаоллари раиснинг олдига кириб, мени секретарь лавозимига ишга олиш таклифини айтишди. Раис бобо: «У йигит олий маълумотли бўлса, қандай қилиб менга секретарь бўлиб ишлаши мумкин? Шунчалик ҳам камтар йигит бўладими?» – дебди. Фаоллар: «Ўртоқ раис, ахир, унинг ўзи рози», – деб кулишибди. Шунда раис мени чақириб: «Ростдан ҳам секретарликка ишга киришга розимисан?» – деб сўради. «Раис бобо, агар мутахассислигим бўйича иш бўлмаса, иложим қанча? Мен иш танламайман, иш топилгунча шу лавозимда ишлаб туришим мумкин», – дедим. Раис рози бўлди. Шу кундан колхоз раисининг секретари лавозимида ишлай бошладим.

Ўша кезлари менга яхши иш таклиф қилган андижонлик колхоз раиси Султонбек Мўминовни тез-тез эслар эдим. Онамнинг розилигини ҳамма нарсадан устун билганим учун бошқа жойга бориб ишлаш қароридан воз кечдим. Шунинг учун ҳам қандай иш бўлишидан қатъи назар, қабул қилдим. Колхоз раиси Юсуф

Соатов билан бир-биримизни тушуниб, яхши ишладик. Берилган топшириқларни ўз вақтида бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилдим. Орадан уч ой ўтгач колхоз раиси бутун фаолларни йиғиб, мени чорва бўйича бухгалтер лавозимига ўтказди. Бу лавозимда ҳам астойдил ва ҳалол ишладим. Ўзим бошида туриб колхоздаги барча чорва молларини тўлиқ санокдан ўтказдим, ем-хашакларни ёғингарчиликдан сақлаш ва кўпайтириш чораларини кўрдим. Натижада икки йилда колхоздаги чорва моллари сонини икки бараварга оширишга муваффақ бўлдик.

1968 йилнинг апрель ойи Раҳмон Йўлдошев ҳаётида унутилмас из қолдирди. Нормурод бобонинг қизи Норгул билан турмуш қурди. Шу ўринда Нормурод бобонинг оиласи ҳақида мухтасар тўхталиб ўтиш зарурати сезилади.

Оила инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди, оила бахт калитидир. Оила – мўъжазгина бир жамият. Инсоният жамиятининг бутунлиги, соғломлиги, равнақи, биринчи навбатда, оиланинг жипслигига боғлиқ. Раҳмон Йўлдошев буни теран ҳис этади. У оиласини чуқур ва оташин муҳаббат билан яхши кўрадиган, эъзозлайдиган, муқаддас деб биладиган инсонлардан. Кунлардан бирида ёш Раҳмон мактаб спорт майдонида қизлар билан бирга волейбол ўйнаётган кўҳлик бир қизни учратиб қолади. Хушрўй бўлиши баробарида камтарин ҳам экани унинг фазилатига фазилат қўшиб турарди. Улар бир-бирига меҳр қўйишди. Характерлари бир-

бирига мос келди. Натижада улар ўртасидаги меҳр камолга етиб, теран муҳаббатга айлана борди. Буюк донишмандлар таъриф берганидек: «Муҳаббат – барча яхши, юксак, кудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир». Бу иккала ёшнинг чин муҳаббати ана шу ҳикмат нечоғлик тўғри эканига ёрқин далилдир.

Дарҳақиқат, муҳаббат инсон ҳаётида шунчалик катта аҳамиятга эгаки, унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Севги одамзод учун кўнгил юпанчигина эмас, уни маънавий ва ақлий камолотга элтувчи беқиёс манба ҳамдир. Зеро, муҳаббатдан бебаҳра қалб ғариб ва ночордир. Машҳур ғазалда айтилганидек: «Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қишдур, асло ёз бўлмас». Муҳаббат шундай бир улуғ туйғуки, у ажиб эзгуликларни юзага келтиради. Одамзод наслининг бардавомлиги муҳаббат туфайли. Инсониятнинг маънан юксакликка кўтарилиши муҳаббат сабабидан. Дунё ҳаёти тинч ва осуда бўлишининг манбаи – муҳаббат. Барча яхшиликларнинг манбаи – муҳаббат. Фақат севган кишигина инсон деган номга муносибдир. Ўқиган китоблари таъсиридами, туғилиб вояга етган оиласидаги ўзаро муносабатлар сабаблими, ҳар ҳолда, Раҳмон Йўлдошев муҳаббат ҳақида ана шундай фикрда эди.

Шундай хаёллар оғушида юрар экан, Раҳмон акалари Маҳмуд ва Ҳайдарга шу қизга уйланмоқчи эканини айтди. Қизларгул ая қариндош аёллар билан Нормурод бобонинг хонадонига совчиликка борди. Улар ўзаро маслаҳатлашиб олиш учун муҳлат сўрадилар.

Совчилар қиз хонадонига иккинчи маротаба келганларида уларнинг розилигини олишди. Тез орада тўй ҳам бўлиб ўтди. Оилавий ҳаёт бошланди. Улар ҳаётини ҳеч бир иккиланмай бахтли дейиш мумкин. Бу дегани улар қийинчилик нималигини билмади, еганлари олдида, емаганлари кетида бўлди, ҳаётлари фақат тўкинликда, фаровонликда кечди, дегани эмас, зинҳор. Ушбу бахтиёр жуфтлик турмушнинг аччиқ ва ширин дамларида бир-бирларини тўғри тушуниб, эр хотинига, хотин эрига далда бериб, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб яшади. Зарур жойда сабр, керак бўлганда ғайрат-шижоатни топа билди. Бугунги кунгача ана шундай иноқ ва ҳамжиҳатликда, фарзандлар ардоғида яшаб келишмоқда. Раҳмон ҳожи Норгул аяга қарата: «Онажониси, мен сен билан 50 йилдан буён бахтли ҳаёт кечирмоқдаман. Сендан розиман. Бу ҳаётда бор эканинга шукрлар бўлсин!» – деганида онахоннинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Ўз навбатида, Норгул ая ҳаётдаги йўлдоши, йўлбошчиси, фарзандлари бошидаги соябони Раҳмон ҳожидек инсонга жуфт қилгани учун ҳар доим шукрона ҳисси билан яшайди. Элимизнинг сеvimли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги сатрлари бу бахтиёр инсонлар қалбидаги туйғуларга бениҳоя ҳамоҳангдир:

*Тегирмон юрганда тош бошларимда,  
Жоним жон сақлади бардошларингда.  
Довуллар бағримни қақшатган дамлар*



*Музларим эриди оташларингда...  
Қўлимда қўтариб кўргазай меҳр,  
Борингга шукрлар, борингга шукр.*

*Ҳолбуки, тўртала томоним ўзинг,  
Осмоним ёритган тобоним ўзинг.  
Дилимнинг тўрида авайлаганим,  
Энг ёруғ орзуим, армоним ўзинг.  
Сени йўлиқтирди ҳазрати Хизр,  
Борингга шукрлар, борингга шукр.*

*Юракдан раҳматлар айтмайин нечун  
Ортимдаги нурли изларим учун,  
Ҳаётимга берган ҳайрат ҳисларим,  
Ҳеч кимга алишмас фарзандим учун?  
Меҳрибоним, сенга айтарим шудир:  
Борингга шукрлар, борингга шукр.*

Ҳақиқатан, бу ўлмас сатрлар гўё Раҳмон Йўлдошев ва Нормул ая учун айтилгандек. Улар наздида, дунёда шукрона ҳисси билан яшашдан кўра олий бахт йўқ. Ахир нечук шукрона айтмасинлар, шириндан-шакар фарзандларнинг ота-онаси бўлишди. Дилбандларининг тўрт мучаси соғ, ақлу фаросатда ҳеч кимдан кам эмас. Энди энг муҳими – асосий эътиборни уларнинг тарбиясига қаратиш. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний: «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», – деб

бежиз айтмаган. Шунинг учун фарзандларининг эл ичида хурматга лойиқ, суюкли инсонлар бўлиб етишишини истаган ота-она, биринчи навбатда, тарбияга диққат қаратмоғи зарур. Бу оилада ана шу «олтин қоида»га қатъий амал қилинди. Раҳмон ота ва Норгул ая орзулари ушалганининг бош сабаби ана шунда. Ҳалоллик, поклик, темир ирода, эзгу мақсад йўлида меҳнат ва заҳматдан қочмаслик – ана шу фазилатлар самараси ўлароқ уларнинг ўғил-қизлари орзуларидагидан ҳам зиёда бўлиб етишди.

Энди қисқача Норгул аянинг аждодлари ҳақида. Аянинг отаси мулла Нормурод (1893 – 1977), асли, шўрчилик. Мулла Нормуроднинг отаси мулла Мўмин бобо ўз даврининг ўқимишли, илмли одамларидан бири сифатида хурмат қозонган. Мулла Мўмин бобонинг Бобохон, Тўрақул, Нормурод ва Эргаш исмли тўрт ўғли, Мингортиқхон исмли қизи бўлган. Тўртала ака-уканинг ҳам гектар-гектар ери, сурув-сурув қўйи бор эди. Барча ака-укаларнинг қўйлари Бобохон бобонинг уйи яқинидаги қўраҳонада сақланиб, сони мингдан ортиқ бўлган. Сурувдаги қўйларни яйловда саккиз-тўққиз чўпон боқиб юрарди. Тўртала ака-уканинг болалари колхознинг тўрт тепалигида жойлашган яйловдаги кенгликларда истиқомат қилишади.

Мулла Нормурод бобонинг жуфти ҳалоли Хумор момо (1903 – 1993) Ҳайтали полвон исмли кишининг қизи эди. Бобоси Полвон бобо ўз даврининг диний

илмларни чуқур эгаллаган эътиборли одамларидан бўлган. Полвон бобо ўша кезлари яра-чақа, васва-са каби турли касалликларга чалинган беморларни ҳар хил гиёҳлар воситасида, шунингдек, дам солиш ва ўқиб қўйиш йўли билан даволаган машҳур табиб ҳам бўлган. Бугунги кунда Шўрчи туманидаги Ижтимоият жамоа хўжалигидаги қабристонга мулла Полвон бобо номи берилган. Бу муҳтарам зотнинг қабри ҳам шу ерда. Унинг қабри тепасида асрларга тенг чинор дарахти бўлиб, дарахт қабрга соя бериб турибди. Бугунги кунгача маҳаллий аҳоли Полвон бобо қабрини зиёрат қилиб, табаррук тупроғини бадандаги яра-чақага суриб шифо топиб келади. Хумор момонинг онаси Ортиқой ая Дўстназар бобонинг қизи бўлган. Ортиқой ая уч қиз ва бир ўғил кўрган. Хумор момонинг акаси замонасининг зиёлиларидан бўлиб, ўтган асрнинг 20-йилларида мактабда ўқитувчилик қилган. У Иккинчи жаҳон урушида вафот этган. Шунинг учун Ортиқой ая қизларини узатгач куёви мулла Нормурод бобо ва қизи Хумор момо билан бирга яшаган.

Раҳмон ҳожининг ўғли Нурали Йўлдошев ўша даврларни шундай эслайди:

– Икки ёшга кирган чоғларим онам Норгул ая мени мулла Нормурод бобомникига олиб борарди. Ҳовлининг бир четида алоҳида икки хонали уйда мулла Нормурод бобомнинг қайнонаси Ортиқой ая яшар ва у бизни кўриб қувонганидан: «Келинглар, болала-

рим», – деб бағрига босарди. Онамга: «Мен ҳали чевараларим Шерали ва Нуралининг қўлидан сув ичман», – деб тилак билдирарди. Шундан сўнг хурсандлигидан: «Кўрсатганингга шукр, Худойим!» – дея дуо қиларди. Мен онамдан: «Бизни қучоқлаб ўпадиган, яхши кўрадиган бу момо ким?», – деб сўрасам, «Бу менинг момом. Хумор момонгнинг онаси Ортиқой ая», – дея жавоб берган.

Раҳмон ҳожи Нормурод бобонинг қандай фазилатли инсон бўлганини куйидагича хотирлайди:

– Қайнотам ўн йилдан ортиқ колхоз раиси бўлиб ишлаган, ҳамманинг ҳурматига сазовор, элнинг эътиборидаги одам бўлган. У киши отаси мулла Мўмин бободан Қуръони карим қироатини, ҳуснихатни ўрганган. Хатсаводли, ўқимишли бўлгани сабабли катта ҳурмат-эътибор қозонган. 1930 – 1935 йилларда коллективлаштириш, колхозлаштириш кампаниялари бошланди. 1935 йили мулла Нормурод бобо иккита хўкиз, битта арава, битта қўш ва миниб юрган отини колхозга топширади. Ўша йиллари «Биринчи май» колхозини ташкил этилади. Бу колхоз кейинчалик учга бўлиниб кетади («Октябрь 30 йиллиги», «Ленинобод», «Ижтимоият» колхозлари ташкил қилинган). 1935 йилда «Биринчи май» колхозига мулла Нормурод бобо раис этиб сайланади ва 1946 йилгача шу лавозимда ишлайди. Колхоз учга бўлингач, 1946 – 1948 йилларда «Ижтимоият» колхозига раислик қилади. 1948 – 1958 йилларда «Ленинобод» колхозини бош агроном, 1958 – 1960 йиллар

да «Ленинобод» колхозида бош мироб бўлиб ишлайди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида колхозга раислик қилиш баробарида қийналган етим болаларга оталарча ғамхўрлик кўрсатади.

Раҳмон ҳожининг қўшниси Эшмурод бобо фазилатли инсон Нормурод раис ҳақида гапирар экан, унинг сўзларидан таъсирланмаслик мумкин эмас:

– Уруш йиллари Бойсун томондан нон топиш учун шу ерларга келиб қолганмиз. Мен ўша кезде чамаси етти ёшларда эдим. Одамлар менга: «Мулла Нормурод раиснинг олдига бор. У сенга ёрдам беради», – дейишди. Улар айтган одамнинг олдига бордим. У киши мени Бобохон акасининг уйига олиб бориб: «Ака, бу йигитнинг исми Эшмурод. Етим бола экан, бугундан бошлаб мен уни ўғлим ўрнида кўраман. Ҳамма жойда очарчилик, у қўйларингизни боқиб юради. Қорнини тўйғазиб, устига кийим олиб берсангиз бас», – деди. Ўша вақтда Бобохон ота ихтиёридаги қўйларнинг учдан бир қисми Нормурод бобога тегишли экан. Шу кундан ўзимга ўхшаб қийналган беш-олти етим бола билан биргаликда қўй боқа бошладик. Уруш йилларида мулла Нормурод колхоздаги барча камбағал, етим-есирларга нон-туз берган. Бўйи етган қизларни узатишга ёрдамлашган. Оталарча бош бўлиб уйлана олмай қийналиб юрган йигитларни уйлантириб қўйган. Ҳаётда бундай жаннати одамлар камдан-кам бўлади. Бундай чин инсонлар билан авлодлари ҳар қанча фахрланса арзийди.

*Нурали Йўлдошев хотираларидан:*

– Эшмурод бобонинг бу сўзлари ҳозиргидек ёдимда. Ҳар эслаганда таъсирланаман. Унчалик катта бўлмаган ҳаётий тажрибам давомида бобонинг бу эзгу ишларидан ибрат, намуна олишга ҳаракат қилиб келаман. Эшмурод бобо бу гапларни айтган вақтида саксон ёшларни қоралаган оқсоқол эди. У аёли Менгсулув момони кўрсатиб: «Билсанг, бизни ҳам бобонг мулла Нормурод уйлантириб, бошимизни иккита қилиб қўйган. Шунинг учун мен, аслида, етти ёт бегона бўлсам ҳам, мулла Нормурод бобонгни отам деганман. Ўша йиллари отамдан ҳам кўпроқ яхшилик қилган», – деган.

Чамаси тўрт-беш ёшларда эдим. Уйимизга мулла Нормурод бобом келди. Отам Раҳмон ҳожи ишда эди. Бобом: «Кўйни ким сўяди?» – деди. Онамнинг: «Назар бобони чақириб келинглар, кўйни сўйиб берсин», – деганини эшитган Нормурод бобом: «Кўшнилариинг Эшмуродни чақиринглар», – деб айтди. Мен югуриб бориб у кишини чақириб келдим. Эшмурод бобо уйга кириши билан: «Отажон, яхшимисиз?» – деб бобомни қучоқлаб, кўзларида қувонч ёшлари билан кўришди. Мен ўшанда уларнинг чин маънода ота-бола бўлиб кетганлигига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Эшмурод бобонинг ўз оғзидан эшитганим воқеа таъсирида бобомга нисбатан меҳрим янада жўшиб кетди.

Яна бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Беш-олти ёшларда эдим, баданимга тошма тошиб, яра-чақа бўлиб

кетди. Отам ва онам биргаликда мени Шўрчи тумани марказидаги тери-таносил касалликлари шифохонасига олиб боришди. Врачлар бир қанча сурги дорилар, ичиш учун керакли дори-дармонларни ёзиб берди. Уйда бир ҳафта давомида шифокор кўрсатмасига биноан муолажа олдим. Бироқ касаллик ҳадеганда тузалавермади. Қўшимчасига тана ҳароратим ҳам кўтарилла бошлади. Онамга инжиқлик қилиб турганимда отам тушлик қилиш учун уйга келиб қолди. Онам отамдан мени «Ижтимоият» колхозидаги Полвон ота зиёратгоҳига олиб боришга рухсат сўради. Отам онамга: «Дўстназар аканг билан бирга бориб келинглари» – деди. Тушдан сўнг отамнинг шофёри билан бирга акам Шерали, онам ва мен Дўстназар тоғамнинг уйига бордик. У ердан тоғамнинг «Жигули» машинасида Полвон ота зиёратгоҳига етиб келдик. Тоғам у ерда аввал Полвон бобонинг ҳақиға дуо қилди. Сўнг бизга қараб: «Полвон ота ҳаммамизнинг бобомиз бўлади», – деб у кишининг ҳаёти ҳақида қисқача сўзлаб берди. Полвон бобом онамнинг момоси Ортиқой аянинг амаллари бўлган. У киши Деновдаги мадрасада Ҳайдарқул ҳожи бободан нақшбандия тариқатини ўрганган. Тоғамнинг айтишича, Хушбоқ шайх бобом ва Полвон бобом бир вақтда Ҳайдарқул бободан дарс олган экан. Биз ана шу мўътабар инсон – Полвон бобомнинг зиёратгоҳида эдик. Онам зиёратгоҳдан тупроқ олиб менинг баданимга сурди. Уйга келганимиздан сўнг зиёратгоҳдан олиб келинган тупроқдан икки-уч кун

баданимга сурди. Дорилар ёки шу тупроқ таъсирими ё Полвон бобонинг руҳлари шод бўлганиданми, ҳар қалай, тузалиб кетдим.

2015 йилда Шерали акамнинг орқа энса қисм сочидан тангадай жойи тушиб кетди. Акам турли дорилар сурган бўлишига қарамай, фойда бермади. Шундан сўнг онам акамга: «Шерали болам, қишлоққа борганда Полвон бобонгни зиёрат қил ва тупроғидан сочинингнинг тушган жойига сур», – деб маслаҳат берди. Акам шу тупроқдан икки-уч марта сургач шифо топди.

Онамнинг айтишича, Хумор момом мунис ва меҳнаткаш аёл бўлган. Нормурод бобом колхоз раиси бўлгани учун у кишининг уйида оила аъзоларидан ташқари ҳар доим ўттиздан ортиқ меҳмон бўлган. Онам ҳар куни уларга таом пишириш ва чой дамлашга улгурган. Бу ишлар унга ҳеч қачон малол келмаган. Кунлардан бирида онам нон ёпиб турсалар, бир оппоқ соқолли нуроний киши келиб: «Қизим, бир коса сув бер», – дебди. Онам тезликда уйдан бир коса сув олиб чиқиб меҳмонга узатибди. У киши сувни ичиб онамга: «Яқинда ўғил фарзанд кўрасан, исмини Ғойибназар қўй», – деб айтибди. Отам ишдан келгач, онам бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда отам онамга: «Эй онаси, агар Ғойибназар қўйсақ, бу руслар мени колхоз раислигидан бўшатиб, қамоққа олади. Кел, исмини Дўстназар қўямиз», – дебди. Акам дунёга келганда исмини Дўстназар қўйган экан.



Онам Норгул ҳожи аянинг айтишича, отаси мулла Нормурод бобо ва онаси Хумор момо 1928 йилда турмуш қуришган. Онамнинг опаси Омонхон 1932 йили, акаси Дўстназар 1942 йили, опаси Мингул 1947 йили, онам 1950 йили, сингиллари Ойгул 1952 йили ва Ойниёз 1955 йили туғилган. Дўстназар тоғам 1960 – 1965 йилларда Самарқанд давлат университетиде таҳсил олиб, кейин Шўрчи тумани Толли жамоа хўжалигига қарашли 14-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Ўттиз икки йил давомида шу мактаб раҳбари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари сифатида фаолият юритди. Тоғамнинг ташаббуси билан 1980 – 1983 йилларда уч қаватли замонавий мактаб қурилган. У киши халқ маорифи аълочиси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони эгаси, бир қанча орден ва медаллар соҳиби ҳамдир.

Раҳмонҳожи 1967 – 1970 йилларда чорва бухгалтери лавозимида ишлади. 1970 йилдан колхознинг бош ҳисобчиси лавозимига ўтказилди. Ўша кун унинг ҳаётидаги энг қувончли дамлардан бири сифатида ёдида қолди. Бу лавозими ошгани билангина боғлиқ эмас эди. Ўша куни у ота бўлган, бош фарзанди Шерали дунёга келганди. Етти йил давомида колхозда бош бухгалтер бўлиб ишлаган Раҳмон ҳожи ҳар доим давлат ва элнинг манфаатини биринчи ўринга қўйди. Табиийки, бундай яшаш осон эмас. Бундай ҳаёт тарзини танлаган одам, одатда, жуда кўп қийинчиликларга

дуч келади. Уларни енгиш учун эса катта мақсадлар йўлидан оғишмаслик, ирода ва бардош талаб этилади. Раҳмон ҳожи ана шу ирода ва бардошни, зарур пайтда ғайрат ва шижоатни топа билди. Бу эса, ўз навбатида, ҳаётда унга катта муваффақиятлар эшигини очди.

## «ҲОТАМТОЙ»НИНГ ТАМАЛ ТОШИ

*Қисқача Ҳотамтой массивининг тарихи ҳақида.*  
Ўтган замонларда Ҳотамтой деган бойнинг чорва моллари ниҳоятда кўп бўлган экан. У мусофирлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида хайр-саховати билан шуҳрат қозонган. Фақир-мискин ва бева-бечораларга доимий равишда ёрдам кўрсатган. Ҳотамтой билан бир қишлоқда яшайдиган ҳасадгўй бир бой сахийлигини синаб кўриш учун эллик кишидан иборат отлиқлар билан унинг уйига келади. Ҳотамтой йўловчиларни кутиб олиб, бир пиёла чой ичиб кетишларини сўрайди. Бироқ ўта сахийлиги ва қўли очиқлиги сабабли барча қўй-эчки ва молларини муҳтожларга тарқатиб берган, уйда миниб юрган отидан бошқа ҳеч вақоси қолмаган эди. Ана шу отини сўйиб, меҳмонларга таом тартади. Бунга ишонмаган хасис бой одамларини Ҳотамтойнинг кўрасини текшириб кўриш учун юборади. Улар бориб қараса, ҳақиқатан, кўрада ҳеч вақо қолмаган. Шунда бой Ҳотамтойнинг саховатига қойил қолиб, унга тан беради. Хасис бойнинг кўнгли юмшаб, шунча давлати бўла туриб одамларга фойдаси тегмасдан зулм

ўтказиб келаётганидан уялади ва қарамоғидаги чорва молларидан бир қисмини Ҳотамтойга туҳфа қилади. Унинг Ҳотамтойга «Мен сизга ҳавас қиламан. Сиздай одамлар кўпайишини Оллоҳдан сўраб қоламан» деган сўзлари ҳозиргача халқ орасида юради.

Сурхондарёнинг Шўрчи туманига қарашли Ҳотамтой массиви ана шу саховатли инсон шарафига шундай номланган. Энди ана шу массивнинг обод қилиниши ва бунда замонамиз Ҳотамтойининг ҳиссаси қандай бўлгани хусусида тўхталиб ўтсак.

Раҳмон Йўлдошев 1977 йилнинг 16 февralида сайлов йўли билан колхоз бошқаруви раиси лавозимига сайланди. Бу кун унинг учун чинакам тарихий сана бўлди. Негаки шу куни қизи Гулжаҳон туғилган, бир қувончи икки бўлган эди. Унинг олдида колхозни барча жабҳаларда юксалтириш вазифаси турарди. Табиийки, етук кадрларсиз бу вазифани бажариш имконсиз эди. Узоқни кўра билган раис ишни колхознинг етакчи мутахассисларини ёшартиришдан бошлади. Ундан олдин колхозни Мамашукур Усмонов бошқарган, ўша йиллари колхоз қолоқлик гирдобига тушиб, режалар муттасил равишда бажарилмай келаётган эди. Колхоз раисининг ишдан олиниши ҳам шу билан боғлиқ эди. Қолоқликнинг асосий сабаби колхозда сув таъминотининг ёмонлиги, фаолларнинг ўз ишига нисбатан совуққонлиги бўлган. Шунинг учун ишбилармон раис ташаббуси билан биринчи кундан эски фаоллар ўрнига серғайрат, юрагида ўти бор ёшлар ишга қўйилди. Сув

танқислигининг олдини олиш учун колхоздан ўтадиган Далварзин – Дайтулак каналидан участкаларнинг шимолий қисмига насос орқали сув чиқариш режалаштирилди. Бунинг учун Ҳотамтойга беш километр, Можир участкасига олти километр узунликда қувур ётқизиб, ўша трубалар орқали сув олиб чиқиш юзасидан аниқ режа ишлаб чиқилди. Қилинажак ишлар режаси ҳақида район партия қўмитасининг биринчи секретари Қарши Умаровга маълумот берилганида, у киши бу ташаббусни тўлиқ маъқуллади. Район раҳбарининг ёрдами билан каналлар насослаштирилиб, сув таъминоти яхшиланди. Кейинчалик бу насосларнинг ишлашини ҳисобга олиб электр энергияси кўп сарфлангани учун аҳолини оқова сув билан таъминлаш бўйича ҳам аниқ режа тузилди. Лекин бунга бажариш осон эмас эди.

Қаҳрамонимиз олдида Далварзин – Дайтулак каналидан насос орқали колхознинг Ҳотамтой, Далварзин-1 ва Гала участкасигача Тошкент – Термиз – Душанбе темирўли ва халқаро Тошкент – Термиз – Душанбе автомобиль йўли остидан каналнинг олти жойида ер остидан ўтувчи диаметри бир, узунлиги ўн икки метрли беш километр узунликдаги қувур ётқизиш вазифаси турарди. Бу ишни амалга ошириш учун райкомнинг биринчи секретари Қарши Умаров ва обкомнинг биринчи секретари Абдуҳолиқ Каримовнинг розилиги керак бўларди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети раиси Худойбер-

диев ва Ўзбекистон темирйўллари министри Қодиров билан келишиб, уларнинг рухсатини олиш талаб этиларди. Вазифа қанчалик мураккаб бўлмасин, уни амалга ошириш нечоғлик қийин туюлмасин, ғайрат билан ишга киришилди. «Тўртовлон тугал бўлса, унмаганни ундирар» деганларидек, яхши ниятдаги интилиш бекор кетмади, дастлабки натижалар кўрина бошлади. Худойбердиев ва Қодировга ёзилган хатга ижобий жавоб олинди. Раҳмон Йўлдошев Ўзбекистон темирйўллари министри Қодиров билан учрашиб, темирйўл тагидан ўтадиган қувур ва юқоридан кучли сел келиб қолганда сув ўтиши зарур бўлган жой масаласида келишиб олди. Қодиров темирйўл билан боғлиқ барча масалаларни шахсан ўзи бирма-бир текшириб чиқди, ўзаро муҳокама қилинди. Ўша куннинг ўзидаёқ Қодиров Тожикистон Республикаси темирйўл министри билан боғланиб, икки кунга Тошкент – Термиз – Душанбе йўналиши бўйича қатновни тўхтатиб туришга келишди. Кўрсатилган жойга қувур ётқизилишига кўрсатма берилди ва иш қизғин бошланиб кетди. Ушбу ишни амалга оширишда маҳаллий ишчи-қурувчилардан ташқари Душанбедан келган темирйўл ходимлари ҳам ёрдам беришди. Жадал суръатда олиб борилган ишлар аъло даражада бажарилди. Азалдан сув танқислиги боис азоб чекиб келган Далварзин маҳалласининг аҳолиси обиҳаётдан баҳра оладиган бўлди. Ҳотамтой кенгликларига беш километр узунликдаги қувурлар ўтказилди.

Катта кўламдаги бу ишлар ҳатто собиқ Иттифоқ миқёсида ҳам шуҳрат қозонди. Москвада «Время» ахборот дастури орқали бизнинг фаолиятимиз кенг ёритилди. Дамба қурилиши борасидаги ишлар жадаллашиб кетди. 1977 йили бошланган бу иш 1979 йили ниҳоясига етказилди. Уч йил давомида уч ярим куб сув кетадиган дамба бетонлаштирилиб, тўрт юз эллик гектар ерга сув етказиб берадиган Ҳотамтой канали ишга туширилди. Олтинсой районига қарашли Дегрез сув омборидан ўн беш километр масофада канал бетонлаштирилиб, Ҳотамтой массивига сув олиб келинди.

Таниқли раис Раҳмон Йўлдошев хўжаликка раислик қилган кезлари юқори ташкилот раҳбарларини ҳам жалб этиб, 1977 йилдан эътиборан уч йил давомида Ҳотамтой каналини қуриб битказди. Ушбу канал қурилиши жараёнида Раҳмон Йўлдошев билан елкама-елка туриб мардонавор меҳнат қилган Абдусаттор Абдурахмонов бу ҳақда мақола ёзган бўлиб, ушбу воқеа тафсилотларини ёритишда унинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланилди.

Ўша кезлари Раҳмон Йўлдошев олдида навбатдаги вазифани ҳал этиш, Тошкент – Термиз – Душанбе халқаро автомагистрали тагидан қувур ўтказиш учун йўл ўртасидан экскаватор билан ковлаш ишларини олиб бориш масаласи кун тартибида турарди. Бу ишларни бажаришда инженер Алимардон Абдурахмонов, экскаваторчи Холёр ака жонбозлик кўрсатишди. Иш қизғин

кетаётган бир паллада раисни вилоят марказига, обком секретари Абдухолиқ Каримов хузурига чақириб қолишди. Олдига кириши билан обком секретари унга сиёсат қила кетди:

– Эй раис, автомагистрални нимага буздинг? Эртага бу йўлдан Шароф Рашидов Сариосиёга, кейин қўшни Тожикистон Республикасига ўтиши керак. Тезроқ ҳаракатингни қил, ишчиларни кечаю кундуз тиндирмасдан ишлат. Агар йўл битмай қолса, мен сен билан бошқача гаплашаман. Ўзинг ўйла, у кишининг олдида нима деган одам бўламан?

Бу гап нечоғлик сиёсат билан айтилган бўлмасин, Раҳмон Йўлдошев ишонч ва қатъият билан:

– Биз қилган ишимизга жавоб берамиз. Ҳеч хавотир олманг, эрталабгача ҳаммаси жойида бўлади. Бу иш учун сиз ҳам, биз ҳам хижолат чекмаймиз, аксинча, раҳмат эштамиз, – деди.

Раис шу сўзларни айтиб обком секретари қабулидан чиқди. Вилоятнинг биринчи раҳбари Абдухолиқ Каримов эрталаб тонготар чоғида унга ишонмасдан, хабар олиш учун ўз вакилини жўнатади. Агар йўл битмай қоладиган бўлса, вилоят раҳбари Шароф Рашидовни вертолётда олиб ўтишни режалаштирган экан. Вакил янги асфальтланган трассани кўриб ҳайратини шундай изҳор этди:

– Қандай қилиб оз фурсатда шунчалик катта ҳажмдаги ишни бажариб, ер остидан қувур ўтказдингиз? Офарин, барчангизга раҳмат!



Бу хабарни эшитган Абдухолиқ Каримовнинг кайфияти кўтарилиб: «Қанийди, вилоятимизда шундай раислардан ўн-ўн бештаси бўлса. Вилоят барча соҳада олдинги ўринларда борарди», – дебди.

Катта кўламдаги бу ишдан эл бениҳоя шод бўлди. Негаки улар энди ҳеч қачон селдан зиён кўрмайди. Яна бир муҳим жиҳати, кўриқ ерларга сув чиқарилиб, обод қилинади. Бу эса кўп йиллар мобайнида ишлатилмаётган ерларга экин экиш ва ҳосилдорликни ошириш имконини ҳам беради.

Эртаси кунни чамаси соат ўнларда обком секретари Абдухолиқ Каримов ва республиканинг биринчи раҳбари Шароф Рашидов Тошкент – Термиз – Душанбе халқаро автомагистралидан Сариосиё томонга ўтишди. У ерда «Коммунизм» колхозини раиси Бобомурод Омонов билан учрашиб суҳбат қуришган. Шароф Рашидов Иккинчи жаҳон урушида Бобомурод Омонов билан қуролдош бўлгани сабабли уруш йилларини хотирлаб, колхозда олиб борилаётган ишлар билан танишади. Шароф Рашидов дўсти Бобомурод Омоновдан сўрайди:

– Амалга ошмай қолган қандай режаларинг бор?

Шунда Бобомурод Омонов жавоб беради:

– Дўстим, мен ҳам нафақа ёшига яқинлашиб қолдим. Энг катта орзуим: Сангардақдан Самарқандга туннел орқали йўл ўтказиб берсангиз, нур устига нур бўларди. Агар шу иш амалга ошса, бизнинг Тошкентга қатнайдингани йўлимиз икки юз километрга қисқарган бўларди.

Бу таклифни ён дафтарига ёзиб қўйган Шароф Рашидов албатта режага киритишга ваъда берган экан. Афсуски, баъзи сабабларга кўра бу режа амалга ошмай қолиб кетди.

Раҳмон Йўлдошев раис бўлиб ишлаган кезлари Бобомурод Омонов билан «Коммунизм» колхози меҳмонхонасида кўп учрашиб, ҳамсуҳбат бўлган. У киши ҳалол яшашнинг фазилати ҳақида жуда таъсирли сўзларни айтган. Ҳалоллик ва тўғрилиқнинг тимсоли бўлган бу олийжаноб инсоннинг сўзларини Раҳмон ҳожи ҳамон эслайди:

«Раҳмон, ҳамма одамлар, аслида, бир хил, уларнинг дунёга келишида деярли тафовут йўқ. Лекин бир нарса ни ёдингда тут, фақат табиатан ҳалол одамнинггина номи юксак бўлади. Агар бир умр бахтли бўлишни истасанг ҳалол яша. Ҳалол одам учун энг оғир ҳақорат уни ноҳақликда гумон қилишдир».

Раҳмон ҳожи айтади:

– Мен бу насиҳатларни қулоғимга қуйиб олдим ва ҳаётим давомида унга қатъий амал қилдим. Бахтимнинг калитини ана шу ҳалолликда деб биламан.

«Ҳотамтой» массивида сув таъминотини яхшилаш, сув кўтариб берувчи электр насослардан фойдаланишни камайтириш мақсадида хўжаликлараро ва ички ариқларни бетонлаш масаласи «Сурхонсувқурилиш» трестига қарашли Шўрчи механизациялашган кўчма жамланмасининг ташкилий ишлар режасига киритилди. Илгари лойиҳа ишлари амалга оширилмас, умумий

ички ариқларни бетонлаш тарзида режага киритилиб, ишлар асосан Сув хўжалиги бошқармаси ва ташкилот инженер-техник ходимлари томонидан хомаки лойиҳа асосида босқичма-босқич олиб бориларди.

Иш жадал суръатда бошланиб кетди. Энг қийини, канал ўтказиш учун тупроқдан қарийб беш метрлик баланд кўтарма қилиниши керак эди. Бунинг учун 40 – 50 сантиметр қалинликда тупроқ тўкиш, кейин эса сув сепиб зичлаш талаб этиларди. Боз устига, ташкилий режада бошқа қурилиш ишлари навбат кутиб тургани, барча техникани бу ишга жалб қилишнинг иложи йўқлиги каби сабабларга кўра бундай технологияда иш бажариш имкондан ташқари эди. Ташаббускор хўжалик раҳбари район партия комитетига, район сув хўжалиги бошқармасига учрашиб елиб-югурар, шу раҳбарларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ишни олға силжитишга эришарди. Чунки режага киритилган ишнинг аниқ манзили кўрсатилмас, ички ариқларни бетонлаш деган умумий банд асосида бажариларди.

Раҳмон Йўлдошевнинг ташаббуси билан бошланган бу иш 1978 йилнинг аввалида, ташкилотга Абдусаттор Абдураҳмонов бошлиқ этиб тайинлангач, 1978 йил октябридан янада жадаллашди. Иш асосан 1978 йил кузи, 1979 йил қиш ва баҳор ойларида амалга оширилгани учун қор-ёмғир сувларидан тўйинган тупроқлардан босқичма-босқич дамбалаш ишларини скрейпер, бульдозерларда бажарилди. Зарур ҳолларда эса экскаваторлардан фойдаланилди. Тупроқ ишларини бажа-

ришда скрейперчилар бригадаси бошлиқлари Сирожиддин Мусаев, Расул Эрнийёзов, бульдозерчилардан Бурҳон Менгбоев, Ўктам Тошқувватов, экскаваторчилардан Хуррам Исмадиёров, Петр Кукушкин каби ўз касбининг фидойилари, айниқса, жонбозлик кўрсатишди. Иш жараёнига Абдумурод Бўронов раҳбарлик қилди. Ишнинг яна бир қийин тарафи, дамбанинг пастки қисми йигирма метрни ташкил этар эди. Дамбани нам тупроқдан кўтариш талаб қилинарди. Мабо-до дамба қуруқ тупроқдан кўтарилса, сув ҳайдагандан кейин дамбада ўпирилиш кузатилиши хавфи катта бўлиши муқаррар эди. Қор ва ёмғир сувига тўйинган тупроқдан кўтарилгани учун дамба пишиқ-пухта, мустаҳкам қурилди.

Яна бир муаммо, канал «Ленинбод» ва «Ленинизм» колхозлари ерларидан ўтиши керак эди. Бунга рухсат олиш учун район раҳбарияти аралашишига тўғри келди. Район партия комитетининг биринчи котиби Карим Умаров ва иккинчи котиби Геннатулин Вениамин Ҳикматуллаевич аралашгач, масала ҳал бўлди. Ишнинг жадал кетишида колхоз раиси Раҳмон Йўлдошев катта ҳиммат ва ғайрат кўрсатди. Хўжалик томонидан нимаики талаб этилса, бажарди. Ишчи-хизматчиларга бепул иссиқ овқат ташкил этилди, маънавий рағбат кўрсатилди. Натижада ишчилар айрича шижоат билан меҳнат қилишди. Ўн соатлаб ишлашса-да, чарчоқ билилмади. Тажрибали, фидойи, элпарвар раиснинг тадбиркорлиги канал қурили-

шининг унумдорлиги ошишига сабаб бўлди. Қурбон Нормуродов ва Абдурахмон Маҳмудов бошчилик қилган бетончилар бригадаси ҳам ишни ўз вақтида, аъло даражада уддалади. Қум ва шағалларни ташишда 2530-сонли автобазанинг ҳамда Шўрчи механизациялашган колоннасига қарашли автоколоннанинг хизматлари катта бўлди. «Умид билан экилган таёқ бир кун берар меваю япроқ» деганлари рост экан. Катта ниятлар билан бошланган канал қурилиши муваффақиятли яқунланди. Бу эса эл турмушининг ободлиги йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Бетонлаш ишлари учун катта миқдорда цемент керак бўлди. Цемент Россиядан келтирилар, режада белгиланганидан ортиқ олиш имконсиз эди. У даврларда Ўзбекистонда цемент заводи йўқ, Россияда қиш ойларида иш сусайиши оқибатида режа бўйича олинадиган цементнинг 30 – 40 фоизи етиб келар эди, холос. Цементнинг қолган қисмини олиб келиш учун ташкилотдан бирор вакил борар, «катта оға»лар эса цементни хоҳласа жўнатар, хоҳламаса баҳонаси тайёр эди. 1980 йилдан бошлаб қурилиш майдонларида аниқ лойиҳа асосида иш олиб бориладиган бўлди. Атоқли раис Раҳмон Йўлдошев «Ички ариқларни бетонлаш» деган умумий режадан қаловини топиб ўзи бошқариб турган хўжалик ривожу учун фойдаланишга муваффақ бўлди. Натижада хўжалик ишлари тараққий эта борди. Фидойи раиснинг жасорати ва халқ фаровонлиги йўлидаги хизматлари ҳозирги кунгача эл эътирофини қозониб

келаётгани сабаби шунда. Унинг эл-юрт тарихида мангу қоладиган энг катта хизмати Сурхондарёда ҳам худди Катта Фарғона каналидек улкан сув иншоотини барпо этиш ишига раҳнамолик қилгани бўлди. «Ҳотамтой» канали бугунги кунгача эл фаровонлигининг беқиёс омили бўлиб келмоқда.

Биз янги XXI асрнинг ўн еттинчи йилини ҳам якунлаш арафасидамиз. Мустақил тараққиётнинг йигирма олти йиллик тажрибасига эгамиз. Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий қурилиш материаллари, жумладан, цемент ишлаб чиқариш кенг кўламда йўлга қўйилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташриф буюрганида Шерободда йирик цемент заводи қуриш ташаббусини билдирди. Бу борада катта миқёсда иш олиб борилаётир. Ушбу завод халқимизнинг цементга бўлган эҳтиёжини қондиришда, шубҳасиз, катта ўрин тутади. Техника-технология юксак даражада ривожланган бугунги кунда шўролар замонида «Ҳотамтой» сингари каналларни барпо этиш осон бўлмаганини, бунинг учун катта меҳнат ва заҳмат талаб қилинганини янада яққолроқ ҳис этамиз. Шунинг ўзиёқ катта машаққат эвазига «Ҳотамтой» каналини қурган Раҳмон Йўлдошев каби ватандошларимизни қадрлашимиз кераклигини кўрсатади. Феъли-сажияси, элпарварлиги, Ватан ва халқ равнақи йўлида молини ҳам, жонини ҳам аямаслиги уни замонамиз Ҳотамтойи дейиш учун тўла асос берди деб ўйлаймиз.

Муборак ҳадисларда шундай зикр этилади: «Одамларнинг яхшиси бошқаларга кўпроқ фойда келтирадиганидир». Ҳазрат Алишер Навоий ушбу ҳадисни назмда шарҳлар экан, мана шундай ёзадилар:

*Халқ аро яхшироқ дединг кимдур?  
Эшитиб айла шубҳа рафъ андин.  
Яхшироқ бил ани улус ароким,  
Улусқа етса кўпроқ нафъ андин.*

Раҳмон ҳожи ана шундай инсонлардан. Бинобарин, уни одамларнинг яхшиси дейиш учун етарли асослар бор.

## ЭЛ НАЗАРИНИ ТОПИШ – БАХТ

Ҳаётга теран назар билан қарайдиган одамларнинг ўзига хос яшаш мезонлари бўлади. Қийинчилик онларида ҳам, бахтиёрликка ошно лаҳзаларида ҳам улар ана шу мезонларга қатъий амал қилишади. Чинакам саботли, иродали инсонлар ўз маслакларига номувофиқ бўлган ишдан сақланишади. Раҳмон Йўлдошевнинг ҳаётий мезони икки асосга таянади. Уларнинг биринчиси ва айтиш мумкинки, энг муҳими – ҳалоллик. Иккинчиси – эл манфаатини устун билиш. Халқнинг назаридан қолиш, унингча, Ҳақнинг назаридан қолишга олиб келади. Шоир Чустийнинг мана бу мисраларида ана шундай юксак инсоний сифатларни асраш назарда тутилган:

*Қўнса гар иқбол қуши ҳатто чивиннинг бошига,  
Кўргали Семурғ келгай дейдилар-ку қошига,  
Бахту омад таъзим айлар меҳнату бардошига,  
Бесабаб тушмас эмиш ҳеч кимнинг оғу ошига.  
Одамийда нафси баддек дардисардан қолмасин,  
Айтинг-айтинг, эл аро ҳеч ким назардан қолмасин.*



Дарҳақиқат, Раҳмон ҳожи ҳаётий тажрибасида нафси бадга гирифтор бўлган кимсаларнинг не кўйга тушганини неча бор кўрди. Шу боис уларнинг эл назаридан қолганига гувоҳ бўлди. Ўзи эса луқма ҳалоллигини яшашнинг маъноси деб билди. Фарзандларини ҳалол едириб, ҳалол кийдирди.

Ёшлик чоғларида – ўтган асрнинг 50-йилларида Раҳмон ҳожи Ҳотамтой адирлигида қўй боққан. Ўша кезлари отаси Йўлдош ҳожи унга Ҳотамтой ҳақидаги ривоятни кўп айтиб берган. Шунинг учун ҳам у улғайиб раис бўлгач меҳр қўйгани она заминга сув келтириб обод қилишни ҳаётий аъмоли деб билди. Ҳотамтой бобонинг руҳини шод этишни мақсад қилди. Хўжалик раиси бўлган кезлари у пахта режасини республикада биринчи бўлиб бажарди. Раҳмон Йўлдошев билан мусобақа олиб бораётган Тошкент вилояти Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозни раиси Сергей Савичев режани бир кун кейин уддалади ва унинг ишбилармонлигига, раҳбарлик салоҳиятига тан берди. Республика раҳбарияти Раҳмон Йўлдошевни «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирлади. Колхозчиларни рағбатлантириш учун ўнта «Жигули» машинаси ажратилди. Пахтакорларга бағишлаб чоп этилган китобда унинг фаолияти ёритилди.

«Дунёда тугамас экан армонлар...» Давримизнинг буюк шоири Абдулла Орипов шеърларидан бирида шундай сатр бор. Ҳақиқатан, одамзоднинг ҳаёти армондан холи бўлмайди. Раҳмон Йўлдошев ҳаёти ҳам

бундан мустасно эмас. 1975 йилдан онаси Қизларгул момонинг кўзи ожиз бўлиб қолди. Меҳрибон ва муштипар она кўзлари ожиз бўлса ҳам, ўғлининг ишдан келганини оёқ товушиданми ё оналик туйғуси биланми сезиб: «Раҳмонжон ўғлим, келдингми болам, ишларинг яхшими?» – деб сўрарди. У эса: «Онажон, алламаҳалда ухлмасдан нима қилиб ўтирибсиз, ётиб ухласангиз бўлмайдими?» – дерди. Қизларгул момо: «Болажоним, сиз келдингиз, энди кўнглим тўқ, тинч ухлайман», – дерди. Онаизорига раҳми келган ўғил: «Онажон, ёш бола бўлмасам, кап-катта одам, бунинг устига, бутун бошли хўжаликнинг раисиман, мендан хавотир олмай ётиб ухлайверинг», – деб неча бор айтса ҳам, бу ҳолат ҳар куни такрорланарди. Муштипар она унинг ишдан келишини интизор бўлиб кутиб ўтирар, у келгандан кейингина ётиб ухларди. Кўпинча у ишдан келгач, турмуш ўртоғи Норгул ая, алламаҳал бўлганига қарамай, бу мунис она ва турмуш ўртоғи олдига дастурхон ёзар, самимий суҳбатлашиб, бирга чой ичиб овқатланишарди. Раҳмон Йўлдошев қиш кунлари онасига олма, анор, лимон, мандарин, нок, узум, хурмо, ёнғоқ каби ноз-неъматлардан олиб келиб кўнглини олишга ҳаракат қиларди. «Онажон, витаминларга бой мевалардан тановул қилинг, соғлигингизга фойдаси катта», – деб меҳр кўрсатарди. Аёли меваларни ювиб, чиройли ҳолатда волиданинг олдига қўярди. Ўзини эмас, фарзандларию невараларини ўйлаган онаизор эса ўғлига: «Болам, бу ноз-неъматларни болаларингга

бер, невараларим еса, мен егандек бўламан», – дерди. Бунга жавобон ўғил: «Онажон, бу мевалар танингизга мадор бўлади. Болаларим эса ҳали кўп ейди. Буни фақат сиз учун олиб келганман, емасангиз бўлмайди», – деб туриб оларди.

Қизларгул момо ёшлари саксондан ошганда кўзлари ожиз бўлиб қолгани учун куннинг кўп қисмини ётган ҳолда ўтказар, бошқа болалариникига деярли бормас эди. Раҳмон раиснинг хотирасида ушбу манзара муҳрланиб қолган: ёз кунлари ҳовлидаги акасининг уйига томон бориладиган йўлак ўртасида Йўлдош ҳожи бобо ўтқазган тол бўлиб, онаси шу дарахт тагида ўтириб дам олишни хуш кўрарди. Қизларгул момо чоли Йўлдош бобони эслаб, тушлик ва пешин вақтларини асосан шу дарахт соясида ўтказарди. Раҳмон Йўлдошев онасига ҳар томонлама қулай бўлсин ва ёз кунлари қийналмасин деган мақсадда колхоздан ссуда олиб, икки хона ва бир айвонли кенг уй солиб, олд қисмига узум кўчатларини ўтқазди. Кейинчалик Қизларгул момо шу уйда яшаб, ёзнинг жазирама кунларини салқин айвонда ўтказишни одат қилди. Онасининг бу жойда мароқли дам олаётганини кўрган ўғил хурсанд бўларди.

Ўша даврларни Раҳмон раис кўзларига ёш олиб мана бундай эслайди:

– Эҳ, отам Йўлдош ҳожи бу ёруғ дунёдан ёшлик чоғимда ўтиб кетди. Энди ўзимни тутиб, отамни боқадиган пайтимда у киши йўқ. Отамга: «Ҳали катта бўлсам

колхозга раис бўламан, элнинг, сизнинг хизматларингизни қиламан», – деб кўп марта айтганман. Ана шу яхши ниятларим амалга ошганини отам кўрмай кетгани мен учун армон бўлиб қолди». Айниқса, раис бўламан деган гапим учун ўша даврдаги колхоз раиси Сафар Ражабов колхоздан чиқариб юбормоқчи бўлгани, бугун эса мен раис эканимни отамга айтгиларим келарди. Аммо энди бунинг ҳеч иложи йўқ. Шу сабаб бор куч-ғайратимни онамнинг дуосини олишга қаратдим. Отамга кўрсата олмаган ҳурматимни энди онамга кўрсатишим, бор имкониятимни шу муштипаримнинг хизматини қилишга сафарбар этишим мен учун ҳам фарз, ҳам қарз эди. Шунинг учун ҳар куни ишдан келгач биринчи навбатда, онажоним ҳузурига ошиқардим. Бирга чой ичиб, юзларидан ўпиб кўярдим. Онам эса йиғлаб: «Бошинг тошдан бўлсин, болам, Худойим сени ёмон кўзлардан асрасин», – деб дуо қиларди. Яна бир оздан сўнг менга: «Умринг узун ва мазмунли бўлсин! Илоё, болаларингга бош бўл, уларнинг ҳузур-ҳаловатини кўргин! Халқ хизматидан ҳеч ҳам чарчама! Менга қилган яхшиликларинг болаларингдан қайтсин», – деб дуо қиларди.

1980 йили колхознинг йиллик режаси муддатидан олдин аъло даражада бажарилди. Ишнинг кўзини биладиган серғайрат раис Раҳмон Йўлдошев ўша йилнинг февраль ойида раҳбариятдан Сочига дам олиб келиш учун рухсат сўради. Розилик олиниб, энди фақат жўнаб кетиш қолди. Уйга келиб онаси

Қизларгул момога: «Онажон, дуо беринг, Сочига дам олишга кетмоқчиман,» – деди. Онасидан «Раҳмонжон болам, бир оз шошмай туринг, дам олишга кейинроқ борарсиз» деган жавобни эшитди. У эса: «Онажон, ахир чипталар олинган, дам олишимга раҳбарият рухсат берган», – деди. Онаизор мушфиқ овоз билан: «Ўғлим, неча кунлик умрим қолди, билмайман, ҳозирча кетмай туринг», – дея такрорлади. Раҳмон раиснинг «Онажон, атиги бир ойда қайтиб келаман, акамлар шу ерда бўлса, сизга қарашиб туради» деган сўзига жавобан онаси кетмай туришини сўраб кўзига ёш олди. Бундан хавотирланган ўғил Сочи сафарини қолдирди. Қизларгул момо орадан олти кун ўтгач, 1980 йил 16 февралда саксон уч ёшида оламдан ўтди.

1980 йил Раҳмон Йўлдошев учун жуда оғир йил бўлди. Ёшлигида отадан айрилиб, унинг меҳрига тўймагани камдек, ҳар куни унинг ишдан келишини интизор кутадиган, ишларига муваффақият тилаб дуо қиладиган меҳрибон онажонини бошқа кўра олмаслигини эсласа, юраклари увишарди. Унинг мунис овозини яна эшитгиси, жонбахш суҳбатидан баҳра олгиси келар, бироқ бунинг имкони йўқ эди. Онасининг «Одамлар ҳақида ёмон сўз айтма, ростгўй, меҳнаткаш бўл. Ёмонга ҳам яхшилик қилиб, ўзингга дўст қилиб ол» деган насиҳатлари қулоғи тагида доимо жаранглаб турарди. Фақат бир нарса унга таскин берарди, у она дуосини олди. Она дуосини олган инсон эса ҳеч қачон кам бўлмайди.

Катта тажрибаси, раҳбарлик салоҳияти эътиборга олиниб Раҳмон Йўлдошев 1981 йилнинг май ойида барча кўрсаткичлар бўйича орқада қолиб келаётган «Охунбобоев» колхозига раис этиб сайланди. Бу колхоздаги қолоқликнинг асосий сабаблари сув таъминотининг яхши эмаслиги, мактаб ва болалар боғчалари таъмирталаб бўлиб қолгани ҳолда қаровсизлиги, чорва молларини кўпайтиришдаги муаммолар, сут ва сут маҳсулотларини етиштириш тўғри йўлга қўйилмагани, боғдорчилик билан етарлича шуғулланилмагани, энг ёмони, колхоз фаолларида ҳамжиҳатликнинг йўқлиги эди. Янги раис Раҳмон Йўлдошев колхозда иш бошлаган илк кунларданоқ ёшлигида ўзи ўқиган жонажон ва қадрдон Михаил Ломоносов номидаги ўинчи ўрта мактабни таъмирлатишга киришди. Чунки бу мактаб узоқ йиллардан буён таъмирланмаган, ўзи ўқиган кезлардаги ҳолатидан ҳеч ҳам фарқ қилмас, ачинарли аҳволда эди. Раис Шўрчи қурилиш трести бошлиғи Маматраим Жўраевга учрашиб: «Мен ўзим ўқиган мактабни таъмирлатмоқчиман», – деб у киши билан келишган ҳолда ишни бошлаб юборди. Мактабнинг томи қайтадан ёпилиб, ички сувоқ ишлари бекамму кўст бажарилди. Ўқув жараёни учун зарур бўлган парта, стол, стул, лаборатория жиҳозлари замон талаблари даражасида тўлиқ янгиланди.

Табийки, мактабнинг таъмирланишидан аҳоли бениҳоя мамнун бўлди. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ишбилармон ва талабчан Раҳмон Йўлдошев-

нинг раис бўлиб келганини ёқтирмаган айрим колхоз фаоллари: «Раис келган кундан дарров мактабни ремонт қилишни бошлади. Бунинг ортидан у каттагина маблағ ишлаб олмоқчи», – деб район ва вилоят тафтиш комиссиясига шикоят ёзишди. Вилоят тафтиш комиссиясидан вакил келиб, мактабга сарфланган ва бажарилган иш ҳажмини, олиб келинган мактаб жиҳозларини бирма-бир текширувдан ўтказди. Бирон-бир камчилик топилмади. Шундан сўнг тафтишчи ҳамма маблағлар жой-жойида ишлатилгани, камчиликка йўл қўйилмагани тўғрисида далолатнома тузиб, бир нусхасини раисга топширди, бир нусхасини ўзи билан олиб кетди. Тирноқ орасидан кир ахтарилиб, ёмон ниятда ёзилган бу арзномадан хафа бўлган раис колхоз бошқаруви ходимлари ва фаолларини чақириб, сўзга чиқиб: «Мен ёшликда ўқиган давримдан бери Ломоносов номидаги ўнинчи ўрта мактаб таъмирланмагани, ўқув жиҳозлари ва мебель билан етарли даражада таъминламагани учун халқнинг дуосини олай, савоб иш қилай деб шу мактабни «Охунбобоев» колхозини ёшлари учун таъмирлатдим. Ўртоқ фаоллар, айнан сизнинг фарзандларингизга замонавий шароит яратиш бериш мақсадида, уларнинг яхши ўқишлари учун ҳаракат қилдим. Бу эзгу ишни қўллаб-қувватлаш ўрнига баъзи бирларингиз юқори ташкилотларга менинг устимдан юмалоқ хат ёзиб, туҳмат қилдингиз. Шу инсофданми? Жон куйдириб қилинган меҳнатнинг жавоби туҳматми?» – деганида бутун зал сув қуйгандек жим бўлиб

қолади. Ўз қилмишидан уялган «ёзғувчи»ларнинг бошлари эгилади.

«Эй тухматчи фаоллар, – деб гапини давом эттиради раис, – ёзганларингиз тасдиғини топмади. Мен мактабни ўз манфаатимни кўзлаб эмас, балки ҳамма қатори менга ҳам бағрини очган, таълим берган жонажон мактабимнинг олдида ўзимни қарздор деб билганим учун таъмирлатдим. Шуни билиб қўйинглар, биродарлар, одам ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаши керак. Ҳеч қачон ғаразгўй бўлмаслиги зарур. Чунки ҳасад қалбимизни емирувчи заҳардир. Бошқаларнинг ютуғини кўролмасдан ҳар нарсадан кир қидиргани учун ҳасадгўйнинг қалби қорайиб кетади. Бунинг ўрнига ишлаш керак. Кимки эл манфаати учун берилиб ишласа, кўнглида ҳасадга ўрин ҳам қолмайди. Бундан кейин ҳамма билиб-билиб ўз ишини қилсин, келишдикми?»

Шундан кейин колхоз ишларида ўнгланиш кузатилди. Моҳир раис ҳаммани умумий мақсад сари сафарбар эта билди. Раҳмон Йўлдошев асосий эътиборни қаратган яна бир муаммо колхоз кўп йиллардан бери давлат олдидаги гўшт ва сут маҳсулотлари режасини бажармай келаётгани эди. Бу муаммонинг ечимини топиш учун у колхоз ревизия комиссияси раиси Нуриддин Тўраевни қўшни Тожикистон Республикасининг Регар районидан бир юз йигирма бош зотдор қорамолни колхозга сотиб олиб, колхоз ҳисобига қонуний крим қилиш ишларига масъул этиб белгилади. Бунинг учун у ўз ҳисобидан Нуриддин Тўраевга беш минг сўм



берди. Пулларни йўл харажати, у билан бирга борган одамларнинг овқатланиши ҳамда Регардаги мол бераётган мижозларнинг алдамаслиги учун ишлатишни тайинлади. Нуриддин Тўраев раиснинг топшириқларини бекаму кўст бажариб келди.

Бундан ташқари, раис олдида колхоздаги қўйлар сонини кўпайтириш вазифаси ҳам турар эди. «Охунбобоев» колхозига тегишли бўлган яйловларда қўйлар учун олтита катта қўра қурдириш учун Тожикистон Республикасидан усталар таклиф қилинди. Катта қўламдаги бу иш ҳам ўз вақтида уддаланди. Раис ўша кезлари ферма мудирини бўлиб ишлаган Ғани Ботировни бажарилган ишларни текшириб келиш ва сифатини баҳолаш учун юборади. Ғани Ботиров бажарилган ишлар ҳажмини кўпайтириб кўрсатади. Эшик ва дераза ўрнатилган жойларни ҳам девор ҳисобига ёзиб, иш ҳажмини ошириб далолатнома тузади. Унинг ҳисоботидан қониқмаган раис колхоз ревизия комиссияси раиси Нуриддин Тўраевни қайта ўлчаш учун жўнатади. Қайта ўлчанганидан сўнг ҳақиқий аҳвол маълум бўлиб, нотўғри ахборот бергани учун қўшиб ёзган ферма мудирини Ғани Ботиров далолатномаси тасдиқланмайди. Қинғир ишлари учун у ферма мудирини лавозимидан озод этилади.

Охунбобоев колхозида сув таъминоти яхши бўлмагани сабабли баъзи участкалардан яхши ҳосил олиш имконияти йўқ эди. Давлат олдидаги мажбуриятлар мунтазам равишда бажарилмай келишининг бош са-

баби ҳам шу эди. Табиийки, аҳолига тегишли бўлган ер участкаларида ҳам ҳосил олиш имконсиз эди. Колхознинг аввалги раислари бу масалани ечиш учун Денов районидан келадиган зовурларни бирлаштириб сув ҳажмини кўпайтиришга ва колхозга олиб келишга ҳаракат қилишган. Лекин бу ишни бажариш учун қўшни район, қўшни колхозлар раҳбарлари билан маслаҳатлашиш, вазиятни тўғри тушунтириш, келишиш талаб этиларди. Ана шу масалада шижоат ва талабчанлик етишмагани боис муаммо узоқ йиллар ечилмай келган. Раҳмон Йўлдошевдан олдин Шўрчи район партия комитетининг биринчи секретари Эшниёз Рустамов ва область партия комитетининг иккинчи секретари Михайлов Денов райони тоғларидан келадиган зовурларни бирлаштириб, унинг сувини Дайтўлак каналига олиб келиш учун Денов район «Охунбобоев» колхозининг раиси Усмон Қодировнинг олдига боришган. Усмон Қодиров сув қувурларини ётқишишга рухсат бермаган. Шу боис колхозда сув етишмаслиги ечилмас муаммо бўлиб келган. Бунинг айрим бошқа сабаблари ҳам бор эди.

Қай йўл билан бўлмасин колхозга сув олиб келишни қатъий мақсад қилган раис Раҳмон Йўлдошев Шўрчи район партия комитетининг биринчи секретари Эшниёз Рустамовнинг олдига кириб, колхозда сув таъминоти яхшиланмаса, давлат олдигаги режаларни бажара олмаслигини айтади. Район раҳбари: «Бу ишни бажариш учун катта куч керак. Қандай режанг

бор?» – деб сўрайди. Шунда раис: «Денов райони тоғларидан оқиб келадиган жилғалар зовурларга тушиб, унинг суви ҳеч қандай фойда бермасдан Сурхон дарёсига қўйилади. Ана шу сувларни бирлаштириб, Денов районига қарашли «Охунбобоев» колхози товуқхонасининг пастки қисмидан баландлиги бир метр, узунлиги ўн икки метрли қувур ўрнатиб, бир ярим куб сувни Дайтулак каналига ўтказилса, сув мўл-кўл бўлади», – деб жавоб беради. Ўзаро суҳбат натижасида Эшниёз Рустамовни ишонтиради. У раиснинг бу олийжаноб фикрини маъқуллайди. Унга омад тилаб хайрлашар экан, район раҳбари: «Аммо билиб қўйгин, Денов райони «Охунбобоев» колхози раиси Усмон Қодиров бунга кўнмаса керак», – дейди. Раҳмон Йўлдошев эса: «Сиз рухсат берсангиз бўлди, Усмон Қодировни кўндириш биздан», – деб жавоб беради. Қатъиятли ва бир сўзли Раҳмон Йўлдошев ўша заҳотиёқ ишга киришади ва масалани ҳал қилиш мақсадида Денов райони «Охунбобоев» колхоз раисининг идорасига боради.

Раис Усмон Қодиров колхоз идораси олдидаги шийпонда чой ичиб ўтирган экан. Раҳмон Йўлдошев ўзини таништириб, режасини унга тушунтирди. Катта тажрибага эга бўлган раис ҳамкасбига қараб:

– Ёш йигит экансан, ростдан ҳам колхоз раисимисан? – деб сўрайди. У:

– Ҳа, Шўрчи район «Охунбобоев» колхоз раисиман, – деб жавоб бергач, аниқ мақсадга ўтади: – Албатта,

сиз катта тажрибага эгасиз, бизнинг аҳволимизни тўғри тушунасиз деб ўйлайман. Ўртоқ раис, бизда сув танқислиги учун биронта ҳам режани бажара олмаяпмиз.

Шундан кейин келажак режалари ҳақида гапиради. Ўзининг ғайрати, билимдонлиги, фикрларининг тиниқлиги, узоқни кўзлаб иш тутиши билан уддабурон раис тажрибали колхоз раҳбарини ҳайратлантиради.

– Биласанми, раис, – деб гап бошлайди Усмон Қодиров, – ўзимнинг колхозимга ҳам сув керак. Мен Шўрчи район партия комитетининг биринчи секретари Эшнӣз Рустамов ва вилоят партия комитетининг иккинчи секретари Михайловга ҳам бу масалада рад жавобини берган эдим. Сенга ҳам гапим шу.

Шундан сўнг ёш раис тажрибали ҳамкасбига қарата мана бундай сўзларни айтади:

– Тоғлардан келадиган жилғалар зовурларга оқиб кетяпти. Уларни бирлаштирсак, сув ҳажми кўпаяди. Колхозимга бу сувнинг бир қисмини олиб кетаман. Шунда сув сизнинг колхозингизга ҳам, бизникига ҳам етади. Биз бир-биримизни қўлламасак бўлмайди. Ахир орқамизда бутун бошли эл турибди. Унга фойда келтирмасак, эртага ўзимиздан яхши ном қолдирмасак, эл биздан рози бўлмайди.

Тажрибали раисга унинг фикрлари ёқиб тушади ва сув олишга рухсат беради. Бу ишларни амалга ошириш учун рози бўлгани камдек, ўз колхозининг гидротехнигини ҳам ёрдам учун қўшиб беради. Эртаси куниёқ жадал суръатлар билан иш бошланиб кетади.

Шўрчи район қурилиш бошқармаси бошлиғи Жайма-новдан бир диаметрли ва узунлиги ўн икки метрли қувур олиб, бош гидротехник Шафоат билан биргалликда Денов район Охунбобоев колхози товуқхонасининг пастки қисмидан қувур ўтказилади. Усмон Қодировнинг гидротехниги Раҳмон Йўлдошевга иш битгунга қадар уч кечаю уч кундуз экскаваторларини бериб, бир ярим куб сувни чиқариб, Дайтулак каналига ўтказишда ёрдамлашди. Бу юмушни тезликда амалга ошириш керак эди. Негаки колхоз экинлари ҳосилдорлиги учун сув жуда зарур эди. Колхознинг ривожига ва эл ҳаётининг фаровонлиги учун курашган, кўриқ ерларга сув чиқаришда жонбозлик кўрсатган раис Раҳмон Йўлдошев ҳафталаб уйига келмасдан астойдил хизмат қилди. Соқоллари ўсиқ ҳолда уйига келса, район партия комитетининг биринчи секретари Эшнӣёз Рустамовнинг шофёри Мирзали унинг келишини пойлаб турган экан. У уйга келиши биланоқ: «Ҳа, қўлга тушдингми, ана сени ушладик. Халойиқ, кўрдиларингми, мана бу Душанбедан қамоқхонадан қочиб келяпти?» – деб раисполкомнинг маъмурият биносига олиб борди. Кўз очиб юмгунча содир бўлган бу воқеага Раҳмон Йўлдошев тушунмай қолди. Уни ичкарига олиб киргач Мирзали: «Ўртоқлар, мана, қочоқни ушладик. Бир неча кундан буён энди топдик», – дейди. Унинг бу гапини эшитган залда йиғилган одамлар «гурр» этиб кулиб юборади. Навқирон ва шижоатли раис эса район партия комитетининг биринчи

секретари Эшнӣёз Рустамовга: «Сиз билан маслаҳатлашилган ишни қилиш учун Денов район «Охунбобоев» колхози раиси Усмон Қодиров билан биргаликда бир ҳафтадан бери колхозга сув олиб келиш учун юрувдим. Сиз эса мени ҳақорат қиляпсиз!» – деб хафа бўлиб чиқиб кетаётганида район сув хўжалигининг бошлиғи Датчук: «Тўхтанглар, бу қанақа бедодлик, у менинг топшириғимни бажариб келяпти. Шу ёш раисимиз Раҳмонга қойил қолиш керак. У Денов районига қарашли «Охунбобоев» колхози товуқхонасининг пастки қисмидан қувур ўтказиб, бир ярим куб сувни Дайтулак каналига олиб келяпти. Энди у ердаги сувга муҳтож халқ ва қақроқ далалар ундан миннатдор бўлади. Буни фақат олқишлаш керак. Дайтулак канали мўл-кўл сувга эга бўлди, бу чинакам тарихий воқеа!» – дегач, залдагилар сув сепгандек жимиб қолди.

Ёш Раҳмон Йўлдошев бу катта ишни амалга ошириш орқали, биринчидан, кўриқ ерларга обиҳаёт олиб келиб улкан савобга эга бўлди, иккинчидан, элнинг ҳурматини қозониб, унинг қалбидан жой олди. Муслмон халқимиз таъбири билан айтганда, садақан жорияни амалга оширди. Бу ишларнинг гувоҳи бўлганлар тафсилотларни болаларига, улар ҳам ўз давомчиларига айтади. Қарабсизки, Раҳмон Йўлдошевнинг савоб ишлари келажак авлодларни ҳам эзгуликка чорлайди. Бунинг аҳамиятини англаган келажак насллар ҳам эл хизматини қилиш одамни Ҳақ ва халқ назарига мушарраф қилишидан огоҳ бўлади.

– Тарихимизга қайта қуриш номи билан кирган йилларда колхоз фаоллари билан биринчи йиғилишни ўтказаман деб турган вақтимда, – деб эслайди моҳир раис Раҳмон Йўлдошев, – тоғам Қобул Эшматов йигирматача мўйсафидни эргаштириб хонамга кириб келди. Саломлашгач улар мен кўрсатган жойга ўтиришди. «Отахонлар, аввало, хуш келибсизлар. Бизга нима хизмат? Агар оғирингизни енгил қилолсам ўзимни бахтиёр ҳис этардим» – деб ҳол-аҳвол сўрадим. Шунда отахонлардан бири туриб: «Ўртоқ раис, сиз олдинги ишлаган колхозингизда аҳолини сув билан таъминлаб, халқни хурсанд қилганлигингизни эшитиб жуда севиндик. Биз ҳам сиздан Қумқўрғон каналидан Дайтулакка қувур ётқизиб, насос орқали аҳолига сув чиқариб беришингизни илтимос қиламиз», – деди. Бунга жавобан айтдим: «Менга ишонч билдирганингиз учун ташаккур. Бу ишнинг амалга ошишида Аллоҳдан мадад сўраб дуо қилиб турсангизлар, Худо хоҳласа, албатта ҳаракат қиламиз. Агар иш ўйлаганимиздек кетса, узоғи билан йигирма кунда яқунлашимиз мумкин бўлади».

Отахонлар колхоз идорасидан чиқиб кетгач, шу жойнинг ўзида «Темирни қизиғида бос» деган нақлга риоя қилиб ўринбосарим Эломон Эгамбердиевни насосларни зудлик билан ўрнатиб ишлатиш мақсадида трансформатор олиб келиш учун Душанбега жўнатдим. Техника соҳасида таниш-билишлари кўп бўлгани сабабли у киши Душанбедан трансформатор олиб кел-

ди ва Қумқўрғон канали бўйига ўрнатди. Ундан Дайтулак каналига қувур улаб, Дайтулак, Тўла участкаларига сув олиб бордик. Шу ердаги сувга эҳтиёжманд, сувсизликдан қийналган аҳоли, айниқса, кам таъминланган оилалар мўл-кўл сувга эга бўлишди. Навбатдаги амалга ошириладиган режа эса колхоз меҳмонхонаси олдидаги йигирма гектар ер майдонида боғ яратишдан иборат эди.

Тўла қишлоғи «Охунбобоев» колхозининг катта қисмини ташкил этиб, мазкур қишлоқда беш юздан ортиқ оила яшарди. Пахта йиғим-терими вақтида мен ўзим Тўла қишлоғи фаоллари билан учрашиб, одамларни пахта йиғим-теримига жалб этиш учун учрашув ўтказаятганимда саксон ёшдан ошган бир оқсоқол менга қараб:

– Ўртоқ раис, бизнинг қишлоқда ҳам ичимлик суви бўладими? – деб савол берди. У кишидан сўрадим:

– Ҳозир ичимлик сувини қаердан олиб келиб ичяпсизлар?

Оқсоқол шундай жавоб берди:

– Беш километр узоқликдаги Усмон Дониёров раиснинг колхозидан ташиб келиб ичяпмиз.

Мен у кишига айтдим:

– Худо хоҳласа, бир ойдан кейин, пахта йиғим-терими тугагач, ичимлик суви чиқазиб бераман.

Шунда оқсоқол:

– Раис бобо, сиз олдинги раис Норқобиловдан кейинги ваъда берган бешинчи раис бўласиз. Сиздан



олдингилар ҳам қишлоққа ичимлик суви олиб келиб бераман деб бизга қоп-қоп ваъдаларни бериб, алдаб кетишган, – деди.

Чолнинг бу гапидан залдаги фаоллар бараварига гуриллаб кулиб юборди. Бундан жаҳлим чиқиб, у билан бирга юрган фаолларга: «Сизлар далани айланиб ишдан хабар олинглар», – дедиму ўзим колхоз идорасига қараб юрдим. Хонага келибоқ ўша вақтлар вилоят раҳбари бўлган Нормўмин Туроповга телефон орқали бўлган воқеани ва Тўла қишлоғида ичимлик суви йўқлиги сабабли аҳоли сувни беш километр узоқликдаги Усмон Дониёров бошқараётган колхоздан ташиб ичаётганини айтдим. Ўша йиллари Сурхондарё вилоят советининг депутати бўлганим учун вилоят раҳбарига ушбу муаммони кўтаришга ҳақли эдим. Муаммонинг ечимини топиш учун халқ номидан сўзлаётганимни алоҳида таъкидладим.

Бу муаммо кеча-кундуз хаёлимни банд этган, қандай бўлмасин уни ҳал этишни мақсад қилган эдим. Пахта йиғим-теримининг тугашини ҳам кутиб ўтирмасдан вилоят сув хўжалигига қарашли иккита қудуқ кавлайдиган бурғулаш машинасини асбоб-анжомлари билан бирга Тўла қишлоғига юбордим. Бир ҳафта ичида қишлоққа тоза ичимлик суви чиқаришга эришдик. Бу воқеадан йигирма кунлар ўтгач шу залда фаолларни йиғиб, пахта йиғим-теримининг боришини муҳокама қилиш учун мажлис ўтказилаётганда залга ўша оқсоқол кириб келиб:

– Сизга катта раҳмат, раис, бизнинг қишлоқда шу вақтгача умуман ичимлик суви бўлмаган. Қишлоғимизга тоза ичимлик сувини чиқазиб берганингиз учун бутун тўлаликлар сиздан хурсанд. Ҳақингизга дуолар қилишяпти. Мартабангиз бундан ҳам улур бўлсин! Болаларингизнинг ҳузурини кўринг! Энди йўқ демайсиз, сиздан илтимос, биз бениҳоя шодлигимиздан бир қўйни оёғингиз тагига сўйиш учун олиб келдик», – деб кўзларида қувонч ёшлари билан дуо қилди.

Шунда мен отахонга ва залга қарата дилимдагиларни айтдим:

– Отахон, сизга ваъда бериб бажармайдиган олдинги раислардан фарқим бор. Мен айтдимми, уни бажаришга ҳаракат қиламан. Ўша куни менга ишонмасдан устимдан кулдингиз. Мана, сув келди. Тўлаликлар хурсанд бўлиб, тоза ичимлик сувидан фойдаланяптими, мен ҳам хурсандман. Энди эса, отахон, сиз билан бир иш қиламиз. Ўша менга олиб келган қўйингизни пахта йиғим-теримидаги ҳашарчиларга сўйиб беринг. Шунда иккаламиз ҳам катта савоб олган бўламиз.

Раҳмон Йўлдошев «Охунбобоев» колхозида раисликни бошлаган кезлари у ерда мевали боғлар деярли яратилмаган, борлари ҳам эътибордан четда қолган, қаровсиз аҳволда эди. Буни кўрган оқкўнгил раиснинг юраги увишди. У қайтадан боғ яратишга киришиб, Мингжар массивида қирқ гектарлик мевали боғ яратди. Мингжар массиви анча баландликда бўлиб, суғо-

риш учун сув йўқ эди. Шунинг учун Тентаксой дарёсидан Мингжар массивига насос орқали сув олиб чиқилди ва сув танқислиги муаммоси узил-кесил ҳал этилди.

Раис, бундан ташқари, колхозда беш минг бош товуққа мўлжалланган товуқхона барпо этириб, давлат олдидаги товуқ гўшти ва тухум топшириш режасини доимий равишда биринчилар қаторида бажаришга эришди.

Кунларнинг бирида яна бир воқеа рўй берди. «Охунбобоев» колхози фаолларидан айримлари раисга нисбатан ғараз ниятда колхозда эришилаётган ютуқларни кўролмай, ишдан камчилик топиш мақсадида тафтиш ўтказишга қарор қилишди. Улар ички текширув ўтказиб, давлат режалари кўрсаткичларидан ҳеч қандай камчилик тополмагач ўша йиллари ферма мудирини бўлиб ишлаган Жаҳонгировга: «Битта мол сўйиб, раиснинг уйига олиб борасан, уни пора устида қўлга оламин», – деб икки милиционер гувоҳлигида юборишади. Фитначилар раисни қўлга олиб, райкомнинг биринчи секретари олдида олиб бориш ва бюро чақиртириб, раисни ишдан бўшатиш режасини тузишади. Ғаламисларнинг нияти таниқли ва ишбилармон раис сифатида хурмат қозонган Раҳмон Йўлдошевни бадном қилиш эди. Аммо раиснинг узоқни кўра билиши ва сергаклиги туфайли фитначилар режаси барбод бўлди. Раис уйда ўтирган пайтида ферма мудирини Жаҳонгиров элик килограмм атрофидаги ёш молни сўйиб, эришган катта муваффақиятлари учун миннатдорлик

рамзи сифатида олиб келганини айтади. Уларнинг бу ҳийласини англаб етган раис ферма мудирига қатъий оҳангда айтади:

– Бу молни сўйишга ким сенга рухсат берди? Ахир уйимга гўшт олиб келиш ҳақида сенга топшириқ берганим йўқ-ку. Менинг рухсатимсиз шу ишни қилибсанми, аввало, сўйилган молни ўз ҳисобингдан жойига қўясан. Иккинчидан, мен гўштга муҳтож эмасман. Худога шукр, уйимда боқаётган қўйим ва товуқларим бор. Модомики молни сўйибсанми, бўлар иш бўпти. Сенга топшириқ: гўштни болалар боғчасига топшириб, менга бу ҳақда маълумотнома олиб келасан.

Раисдан бундай қатъий буйруқни эшитган ферма мудирини Жаҳонгиров гўштни болалар боғчасига топширади ва зудлик билан район партия комитети биринчи котибининг хонасида йиғилиб турган колхоз фаолларининг олдида бориб, бўлган воқеани оқизмай-томизмай гапириб беради. Шунда район партия комитетининг биринчи секретари: «Кўрдиларингми, мен у раисни яхши биламан. Раҳмон Йўлдошевнинг тоза, покиза одамлигига яна бир карра ишондим. Сизлар эса порахўр деб арз қилиб, унинг устидан мағзава ағдармоқчи бўлиб юрибсизлар. Қани, ичиқора ғаламислар, бу ердан туёқларингни шиқиллатинглар-чи», – деб хонасидан қувиб чиқаради.

Бундай тухматларни қўп бора бошидан ўтказган тажрибали раис Раҳмон Йўлдошев ўзи раҳбарлик қилаётган колхоз идораси чекка бир худудда, эски бино-

да жойлашганини ҳисобга олиб аҳолига қулай бўлиши учун ўрталикда Тошкент – Термиз – Душанбе халқаро автомобиль йўли яқинидан замонавий иншоот қуришга киришди. Энг эътиборли жиҳати, қишлоқ шароити бўлишига қарамай, идорани қиш мавсумида ҳам узлуксиз иссиқлик тизими билан таъминлаш кўзда тутилди. Колхознинг айрим ҳасадгўй фаоллари кейинчалик шу идорада маза қилиб ишлаган бўлишса-да, янги колхоз идораси қурилиши муносабати билан яна раиснинг устидан юқори ташкилотларга ёзиб, колхоз идораси қурилишини текширтиришди. Лекин ҳеч қандай камчилик топилмади, улар аламда қоврилиб қолаверишди. Ҳалол, пок инсон бўлгани учун Раҳмон Йўлдошевни Аллоҳнинг ўзи ҳар қандай бало-қазолардан, турли ноҳақликлардан асради. Бамисоли тоғдек мустаҳкам иродага, собит эътиқодга эга бу одам ҳар доим элнинг назарида бўлди. Ҳаёт йўлларида учраган ҳар қандай қийинчиликларга бардош берди. Ғанимларнинг турли туҳмату бўҳтонларига, етказган озорларию ножоиз ғийбатларига парво қилмади. Ҳақиқатгўйликни, элпарварликни ҳаётининг мазмуни деб билди. Ўзига нисбатан бўлган адоқсиз адовату фитналарга сабр ва ирода билан жавоб берди. Натижада колхознинг айрим ичиқора фаоллари уюштирган турли ҳийла-найранглардан устун тура олди. Бой-бадавлат бўлиши учун етарли мулки ва имконияти бўлса-да, нафс қутқусига учмади. Халқ ва Ҳақнинг назарида бўлишни афзал билди. Раҳмон Йўлдошев ана шундай олийжаноб

феъл-атвори билан тоғдек виқорли, чўққилардан-да ҳайбатли раис даражасига кўтарилди десак асло мубо-лаға бўлмайди.

Раҳмон Йўлдошев тунни кунга улаб, эл манфаати йўлида хизмат қилаётган бир даврда номақбул бир кампания сабаб халқимиз ҳаётидаги осойишталик-ка раҳна солинди. Собиқ Иттифоқ марказидан келган гдлянчилар «пахта иши», «ўзбек иши» деган тавқи лаъ-нат билан халқимиз шаънини ерга урмоқчи бўлишди. Ноҳақлик, разолат авжга чиқди. Бу мудҳиш кампания боис кўплаб ҳалол ва собитқадам юртдошларимиз қато-ри меҳнаткаш, тўғрисўз ва ҳақиқатгўй раис Раҳмон Йўлдошев ҳам жабр чекди. 1986 йили у ҳам Термизга прокуратурага қатнаб, тергов беришига тўғри келди. Ишлаб турган лавозимидан четлаштирилди. Термиз шаҳрида ташкил этилган «Союз-35» деб номланган штабга чақирилиб, марказдан келган прокурор Тка-ченко томонидан сўроқ қилинди. Унга пахтани қўшиб ёзиш деган айблов қўйилди. «Тўғрига тўп ўтмас» де-ганларидек, сўроқ давомида унга қўйилган айблов ис-ботланмади. Гдлянчиларнинг қамоққа олиш режаси амалга ошмади.

1984 йили у Шўрчи район Шароф Рашидов номида-ги комбинатнинг цех бошлиғи лавозимига ишга ўтди ва у ерда етти йил ишлади. 1991 йили Шўрчи район тайёрлов идораси раиси лавозимига сайланди. Бу ерда ҳам эл манфаати йўлида хизмат қилди, 100 волт қувва-тига эга катта совутгич қурилишини ташкил этди. На-

тижада маҳсулот сақлаш сифати ошди, уни аҳолига арзон нархда етказиб бериш имконияти туғилди. Бундан ташқари, 500 тонна ҳажмидаги маҳсулотни тузлайдиган ўра қурилиб ишга туширилиши натижасида бозорлар бошқа жойларга нисбатан анча арзон маҳсулотлар билан таъминланди. Қўшни районларнинг баъзиларига маҳсулот олиб бориб сотиш йўлга қўйилди.

Асрлар синовидан ўтган бир ҳақиқат бор: ҳалол хизматлари боис эл назарига тушган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Раҳмон Йўлдошев ҳаёти бунинг ёрқин исботидир. 1995 йилдан «Далварзин» жамоа хўжалиги (олдинги «Октябрь 30 йиллиги»)да тафтиш комиссиясини бошқарган бу фидойи инсон 1998 йилдан яна жамоа хўжалиги раиси лавозимига сайланди. 2001 йилдан республикада энг йирик тўрт юз эллик гектарлик «Ҳотамтой» фермер хўжалигига раис бўлди. Бироқ табаррук 63 ёшга кирган Раҳмон Йўлдошев фермер хўжалигини бошқаришни фарзандларига топширди. Фермер хўжалигини юритишда фарзандларига қимматли маслаҳатлар бериб, ўзи бўш вақтларини ибодат ва маърифатга бағишлади.

## **ХОТИРА БУРЧ ЭРУР, ХОТИРА – САБОҚ**

– 1970 йил 12 августида содир бўлган воқеа ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди, – дейди Раҳмон Йўлдошев. – Ўша куни колхознинг бир вагон тарвузини Россияга жўнатиб, Можир участкасидан уйга қайтар эканмиз, Шайдулло Намозовнинг биз минган «Запорож»ига катта «ГАЗ-53» машинаси келиб урилди. Худо асраб, машинанинг ичида қолиб кетдим. Ортимиздан келаётган Денов туман шифохонаси бош врачлари мени машинадан чиқариб олиб, Шўрчи марказий шифохонасига олиб борди. Шеригим Шайдулла Намозов ҳодиса жойида вафот этган экан. Мактабда, кейинчалик Самарқандда бирга ўқиган дўстим хирург Холмирза Хуррамов шу куни марказий шифохонада ишда экан. У шифохона бош врачлари Ҳайитов билан биргаликда мени дарҳол операция столига олиб, ўнг оёқ ва чов соҳасини операция қилишди. Операциядан сўнг тўққиз кун туз тотмадим. Ўнг оёғим қирқ кун гипсда бўлди. Шундан сўнггина уйга жавоб беришди. Йигирма кун уйда гипсда ётиб, яна икки ойча қўлтиқтаёқда юришга тўғри келди. Бу жароҳатнинг асорати умр бўйи қолди: ўнг оёғим



чапига нисбатан тўрт сантиметр калтароқ. Аллоҳга минг шукрларки, таним соғ, руҳим тетик. Касал ётган вақтларимда: «Агар соғайиб кетсам халқ учун, яқинларим учун, маҳалладошларим учун астойдил меҳнат қиламан. Уларнинг ишончини оқлайман», – деб ўзимга ўзим сўз бердим.

1976 йил апрелида сел келиши оқибатида колхознинг анча юқори қисмидан ўтадиган Хайробод канали суви тошиб, «Октябрь 30 йиллиги» ҳамда қўшни «Ленинобод» ва «Ленинизм» колхозларига қарашли уйлар ҳамда далалардаги экинларнинг кўп қисми сув остида қолиб кетди. Бу ҳам етмагандек, сел колхознинг пастки қисмидан ўтадиган Тошкент – Термиз – Душанбе халқаро темирўлининг бешолти жойини бузиб оқизиб кетгани маълум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети раиси Худойбердиев ҳукумат вакиллари билан биргаликда келиб, аҳолига яқиндан ёрдам кўрсатди. Темирўл тикланди.

Шу воқеа сабаб хаёлимдан бир ўй кетмай қолди. Сел яна қачондир такрорланиши эҳтимолдан холи эмас. Мабодо сел келадиган бўлса, унинг йўналишини колхознинг пастки қисмидаги каналга ва дарёга буриш чорасини кўриш керак. Агар шундай қилсак, биринчидан, аҳоли хавфсизлигини таъминлаган бўламиз, иккинчидан, экин майдонлари хатардан холи бўлади. 1977 йили колхоз раиси этиб сайланганимдан сўнг, биринчи навбатда, ана шу ишни амалга оширдим.

Ўтган аср 70-йиллари ўрталарида деҳқонларнинг аҳволи бир оз яхшиланди. Улар иш ҳақи ва йил якунидаги мукофот пулларини ўз вақтида оладиган бўлди. Деҳқонларнинг руҳи кўтарилди, меҳнат унумдорлиги ошди. Лекин бу бошқа муаммони келтириб чиқарди. Собиқ Марказнинг пахта хомашёсига бўлган эҳтиёжи тобора орта борди. Натижада 1977 йили Сурхондарё вилоятида 483 минг тонна пахта етиштирилиб, шундан 160 минг тоннаси ингичка толали пахтани ташкил этди. Ҳар гектар ердан 34,5 центнердан ҳосил олинди. Шўрчи тумани пахтакорлари вилоятда юқори кўрсаткичга эга бўлиб, ўша йили 95 минг тонна пахта топширишди. Албатта, бунда бизнинг колхозимиз ҳиссаси алоҳида эди. Пахта режасини биринчилардан бўлиб ортиғи билан бажардик. Табиийки, бу осон бўлган эмас. Уйқусиз тунлар, муттасил меҳнат ва заҳмат эвазига эришганмиз бу натижага.

Колхоз раиси бўлиб ишлаган кезларим Далварзин тепалигида археологик қазишма ишларини олиб бориш учун келган япониялик профессор Кюдзо Като, мамлакатимизнинг машҳур археолог олимлари, профессорлар Галина Пугаченкова ва Баҳодир Турғунов билан кўп учрашдим. Уларга барча зарур шароитларни яратишга интилдим. Меҳмонхонадан жой ажратиб, қўлимдан келганича қарашиб турдим. Далварзин тепалиги жуда қадимий тарихга эга бўлиб, Кушон империясининг пойтахти бўлган. Тарихчилар Кушон империясининг ривожланган даврида Далварзин те-

палигининг атрофи узунлиги икки ярим километр, қалинлиги ўн метрли қудратли мудрофаа девори билан ўралгани ҳақида ёзадилар. Тепалиқда олиб борилган қазишма ишлари натижасида олимлар ноёб археологик топилмаларни аниқлашиб, бу ҳақда бир қанча монография ва рисолалар чоп эттиришди. У ердан топилган тарихий ашёлар Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи музейи ва Термиздаги археология музейидан жой олган. Шуниси қизиқки, Далварзин тепалигидаги қазишма ишлари жараёнида будда ҳайкаллари топилиб, профессор Като японияликларнинг илк келиб чиқиши айна шу гўша билан боғлиқ деган хулосага келган.

Ишларим қанчалик кўп бўлмасин, вақт топишим биланоқ Далварзин тепалигига кўп борар ва археологларга яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилардим. Кунлардан бирида Баҳодир Турғунов колхоз идорасига телефон қилиб: «Раҳмон ака, иложи бўлса, тезликда Далварзинтепага етиб келсангиз», – деб қолди. Ҳамма ишларини бир четга суриб, тинчликмикан деган хавотир билан тезликда Далварзин тепалигига етиб келдим. Бутун археологлар тўпланишиб, хурсанд бўлиб туришар, бир-бирларини қутлашар эди. Бунинг сабабини билолмай ҳайрон бўлганимни кўриб, археолог Баҳодир Турғунов менинг олдимга югуриб келди. «Раҳмон ака, қазишма ишларини олиб бораётганда йигирма килограммли соф олтиндан ишланган Далли исмли қизнинг ҳайкалига дуч келдик, – деди. – Энди буни Тошкентга жўнатишимиз керак!»

Ушбу қимматли ва ноёб топилмани археолог Баҳодир Турғунов ва шофёр Хуррам Тўраев 06-86 СДО рақамли машинада ДАН ходимлари назорати остида Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрига олиб бориб, аэропортдан Тошкентга жўнатиб юборишди. Қазншма ишларини олиб борган археолог олимлар ва мен биргаликда академик Саъди Сирожиддинов билан учрашиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидов қабулига кирдик. Далли исмли қизнинг олтин ҳайкалини ана шу комиссия иштирокида Ўзбекистон давлат тарих музейига топширдик.

Бу воқеадан кейин республиканинг биринчи раҳбари Шароф Рашидов топшириғи билан колхозимизда япониялик археологлар учун меҳмонхона қуришга кўрсатма олдик. Бу қурилиш ишлари учун колхоздаги Кўштегирмон участкасидан қирқ беш сотих ер ажратилди. Қурилиш ишлари зудлик билан бошлаб юборилди. Тез фурсатда барча қулайликларга эга бўлган икки қаватли меҳмонхона биносини қуриб битказдик.

Табиатан илмга қизиқишим катта бўлгани учун таржимон орқали профессор Като билан кўп марта суҳбат қурганман. Ҳозирги кунгача Япония ва Ўзбекистон археологлари Далварзин тепалигида қазилма ишларини олиб боришда шу меҳмонхонадан фойдаланиб келади. Қарийб ўттиз йил давомида Далварзин тепалигини ўрганган профессор Като бу заминни жуда яхши кўради. У бу тепаликни ўз аждодлари японияликларнинг

асл келиб чиқиши билан боғлиқ беқиёс тарихий гўша деб қабул қилди. Бу заҳматкаш олим археолог ҳам-касбларига: «Агар ўлсам, мени шу тепаликка кўминглар», – деб васият қилган экан. Профессор Като 2016 йил 14 сентябрда оғир касалликдан кейин тўқсон тўрт ёшида Термиз марказий шифохонасида вафот этди. Аммо унинг вафотидан кейин Япония ҳукумати Ўзбекистон ҳукуматига ёзма равишда мурожаат қилиб, марҳумнинг жасадини ўз ватанига жўнатишларини ва у Японияда дафн қилиниши лозимлигини билдирган. Шу тариқа бу машҳур олим Японияга олиб кетилиб, ўз ватанида дафн қилинди.

Республиканинг ўша кездеги биринчи раҳбари Шароф Рашидов 1981 йили Сурхондарё вилояти бўйича йиғилишни Шўрчи районида ўтказди. Йиғилиш районнинг ям-яшил ва кўркам, анвойи гулларга бурканган, жуда чиройли безатилган истироҳат боғида ташкил этиладиган бўлди. Шароф ота Шўрчи районидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлар экан, «Охунбобоев» колхозининг охириги йиллардаги ютуқларини алоҳида мамнуният билан эътироф этиб мени мақтов ёрлиғи билан тақдирлади. Мақтов ёрлиғини топширар экан: «Отанга раҳмат!» – деб мени алқади. Ўша йиғилишда Шўрчи район партия комитетининг идеология ишлари бўйича раҳбари, акам Ҳайдар Йўлдошевга ҳам ташаккурнома билдирилди.

**ИЗОҲ:** *Раҳмон ҳожи бошидан ўтган аччиқ-чучук кунларни хотирлар экан, оғир хўрсиниб, кўзига ёш олади. Ҳо-*

тамтой участкасига сув келтириш, сув таъминотини яхшилаш, аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш болаликдан орзуси бўлганини эслайди. Отаси Йўлдош ҳожидан эшитган Ҳотамтой ҳақидаги ривоятларни ёдга олади. Шу ишни амалга ошириш учун елиб-югурганлари, райком секретари ва обком секретари идорасига чақирилиб, эшитган танбеҳлари тўғрисида сўзлайди. Кунлардан бирида райком секретари: «Нимага бизнинг рухсатимизсиз Министрлар Совети раиси Худойбердиев ва темирйўллар министри Қодиров билан келишиб иш қиласан?» – деб уришганлари, натижалар зўр бўла бошлагач эса: «Журъатингга, шижоатингга қойилман, қани, энди бу ишларни тезда амалга ошириш керак», – деганлари кўз олдидан кино лентасидек ўтади. Яна хотиралар оғушига чўмиб, сўзлай бошлайди:

– 1977 йили Далварзин – Дайтулак каналдан насос орқали сув олиб борилгани натижасида Далварзин, Гала ва бошқа барча участкаларда пахта, ғалла ва сабзавотлардан энг юқори ҳосилдорликка эришилди. Олтинсой районига қарашли Дегриз сувомборидан узунлиги ўн беш километрли масофадаги канал бетонлаштирилиб, Ҳотамтой каналига оқова сув олиб келинди. Шундан сўнг колхоз ерлари ўзлаштирилиб, пахта ҳосилдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсата бошлади. 80-йилларнинг бошларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришда бир қатор муаммолар кўзга ташланди. Кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш ҳолатлари кучая борди. Аҳвол шу даражага борган эдики, қаерда

раис ва бригадир иш учун қайғурса, ўша ерда тўкинлик, тартиб бўларди. Қаерда раҳбар ношуд, ялқов бўлса, ўша ерда сансалорлик, қолоқлик, қашшоқлик ҳукм сурарди. Ташаббускор хўжалик раҳбари ишдан кетса, бир-икки йил давомида иш юришмасдан хўжалик чўкиб қолганини кўриш мумкин эди.

Бу гаплар айни ҳақиқат, воҳада аграр соҳа ривожигадаги айрим муваффақиятлар тўғрисида гапирганда қишлоқ хўжалигини кескин суръатда юксалтиришдан иборат стратегик вазифани бажаришга тўлиқ эришиш имкони бўлмаган. 80-йилларда қишлоқ хўжалигида салбий жараёнлар кучайиб, турғунлик, таназзул ҳолатлари кузатилди. Мустақиллик арафасида қишлоқ хўжалигини оғир иқтисодий ҳолатдан олиб чиқиш, ҳосилдорликни кўтариш мақсадида вилоят туманларида муҳим ишлар қилина бошлади. 1990 йилга келиб 149,4 минг гектар ерга пахта, 63,5 минг гектар ерга озуқабоп экинлар, 3 минг гектар ерга полиз экинлари, 52,7 минг гектар ерга ғалла, 3,8 минг гектар ерга сабзавот экинлари экилди. 1990 йили вилоятда 485,2 минг пахта етиштирилиб, ҳосилдорлик гектарига 32,46 центнерга етказилди. Бу улкан хирмоннинг 38900 тоннасини Шўрчи тумани тайёрлаб берди. Албатта, бунда бизнинг колхознинг ҳам муносиб улуши бўлган. Колхоз ерларининг серҳосил экани, суғориш тизими яхшилангани, энг муҳими, ҳалоллик ҳар бир ишда асосий мезонга айлангани бу ютуқларнинг асоси эди.

Умуман, ҳаётий тажрибам давомида шунга амин бўлдимки, ҳалоллик барча яхшиликлар, ютуқларнинг гаровидир. Ҳалоллик бўлмаган жойда барака бўлмайди. Қаердаки одамлар бу фазилатни бой берса, кўп нарсани йўқотади. Кимки ҳаётини ҳалоллик асосига қурса, у Яратганнинг паноҳида бўлади. Бундай одам, эҳтимол, турли тўсиқларга, қийинчиликларга учраши мумкин. Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, оқибати хайрли бўлади. Эл-юрт ичида обрў-эътибор топади. Ўйлаган орзу-ниятларига эришади.



## ТЎҒРИГА ТЎП ЎТМАС

Халқимизнинг ҳаёт синовларидан ўтган теран ҳикматлари кўп. Улардан бирида Аллоҳ таолога илтижо қилиниб, уч балодан сақлаш сўралади: ўт балоси, сув балоси, туҳмат балоси. Улардан иккитаси моддий офат бўлса, учинчиси қабоҳатда аввалгиларидан заррача ҳам қолишмайди, ҳатто ўтиб тушади. Туҳмат балоси инсоннинг ори, номуси, шаъни, шарафини поймол этишга қаратилади. Мабодо туҳмат тоши бутун бошли халққа, миллатга отилса-чи? Миллатнинг шаънини, обрўсини оёқости қилиш мақсади кўзланса-чи? Афсуски, шундай замонлар ҳам бўлди. Тарихимизга советлар даври номи билан кирган машъум йиллар ана шу жиҳати билан халқимиз кечмишидаги энг оғир ва мураккаб бир давр бўлгани рост.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида собиқ Иттифоқда порахўрлик, қўшиб ёзиш каби иллатлар авжига чиққан, қизил империя ич-ичидан емирилиб борар эди. Лекин буни бартараф қилишда ишни қаердан ва қай тарзда бошлашни собиқ Иттифоқ раҳбари Юрий Андроповнинг ўзи ҳам билмас, калаванинг учи йўқотилган эди. Аслида, муаммонинг илдизи Иттифоқ

маркази Москва билан боғлиқ бўлса-да, ишни пойтахтдан бошлаш биринчи раҳбар учун ҳам хатарли эди. Шунинг учун Юрий Андропов раҳбарлигининг учинчи ойида, 1983 йилнинг феввалида КПСС марказий комитетида «Ўзбекистон пахтачилигида мансабини суиистеъмол қилган амалдорларни тергов қилиш» тўғрисида қарор қабул қилинади. Ўша куни бош прокуратурага порахўрларга қарши курашадиган махсус тергов комиссияси тузиш ҳақида кўрсатма берилади. Бир ой ичида махсус комиссия тузилиб, унга Телман Гдлян ва Николай Иванов етакчи, собиқ Иттифоқ бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи Герман Каракозов назоратчи этиб тайинланади. Порахўрликка қарши курашиш учун айнан Ўзбекистон танланишининг бош сабаби, биринчидан, бу ерда аҳолининг тез суръатлар билан ўсиб бораётгани бўлса, иккинчидан, уларнинг фикрича, Ўзбекистон гўё ҳақ-ҳуқуқини талаб қила олмайдиган чекка бир мустамлака худуд эди. Шунинг учун бу ерга келган тергов комиссияси истаганча уйдирмалар тўқиши, хоҳлаганча туҳматлар ёғдириши, энг қабиҳ сценарийларни саҳналантириши мумкин эди. Қолаверса, ўша даврда Ўзбекистон аҳолиси ўртасида миллий ўзликни англаш, буюк тарихдан ибратланиш руҳи бўй кўрсата бошлаган, бу эса марказнинг шовинистик сиёсати учун хатарли туюларди. Юрий Андропов бошқараётган «қатағон машинаси» шу йўл билан ўзбекларни қўрқитиб қўйишни ҳам режалаштирди.

Ўзбек миллати шаънини ерга уриш, унга лой чаплаб, обрўсини тўкиш гдлянчи ва ивановчиларнинг асосий мақсади эди. Алдов, қўрқитиш йўли билан миллатимизнинг илғор қатламини йўқ айбга иқроор қилдириб, сохта ҳужжатларга қўл қўйдирилгани, айниқса, қабохатнинг мисли кўрилмаган намунаси бўлди. Бутун Ўзбекистон таҳликада, ҳамма қўрқув исканжасида, одамлар ишга юрак ҳовучлаб бориб, юрак ҳовучлаб қайтар эди. Табиийки, одамлар ўртасида бир-бировига ишонч йўқолди. Ҳамма тинчини ўйлаб ўзини четга олиб қочар, барчанинг оғзида пичир-пичир гап: «Москвадан терговчилар гуруҳи келган эмиш, айби борни ҳам, айби йўқни ҳам қамоққа олаётган эмиш. Гдлян ва Ивановнинг қўлига тушган одамга кун йўқ эмиш. Марказдан келган терговчилар кимга қанча пора бергансан, кимдан қанча пора олгансан дея одамларни сиқувга олаётган эмиш». Шу каби «мишмиш»лар одамлар кўнглига таҳлика солиб, жамиятни алғов-далғов қилиб ташлади.

«Пахта иши» номи билан амалга оширилган кампания инсоният тарихидаги энг мудҳиш жиноятлардан бири бўлди. Ҳақиқат ва адолат оёқости қилинди. Зулм ва зўравонлик ҳаддан ошди. Ҳақ-хуқуқ поймол этилди. Ўзбекистонлик эллик мингдан ортиқ оила ғурбат ва кулфат гирдобида қолди. Пахта иши бўйича 4500 нафар кишига оғирдан-оғир айблар қўйилиб, 800 та жиноят иши қўзғатилгани бунинг исботидир. Қамалганлар орасида 430 нафар колхоз раиси ва совхоз дирек-

торлари, 84 нафар пахта заводи директори ва 60 нафар партия ташкилоти ходимлари, прокурорлар бор эди. Табиийки, бу воқеа атоқли раис Раҳмон Йўлдошевни ҳам четлаб ўтмади.

– Терговнинг ғайриқонуний, ғайриинсоний усуллари, сўроқ-савол ўтказилган жойлар, «Тергов гуруҳининг шарқий fronti» каби сўзлар ҳанузгача ёдимизда турибди, – деб эслайди Раҳмон Йўлдошев. – Шундай воқеаларни кўрдикки, жиноятчилар ҳам, гуноҳсизлар ҳам бирдай қамоқда сақланди. Ҳақсизлик ва зулм авжга чиқди. Бегуноҳ одамларнинг уйлари тинтув қилиниб, оила аъзоларига тазйиқ ўтказилди. Ҳатто норасида болаларга қўл ниқтаб: «Ватан хоини, порахўрнинг фарзандлари», – дея камситилди. Оталари айбсиз, бироқ буни исботлашнинг имкони йўқ эди. Гдлянчиларнинг ноҳақ туҳмати сабабидан болалар маҳалла-қўйда, мактабда бош кўтариб юра олмай қолди. Одамзод яралганидан буён бундай қабоҳатни кўрмаган бўлса керак. Адолатсизлик бундан ортиқ бўлмас.

1983 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон компартияси марказий комитетининг биринчи котиби Шароф Рашидов Қорақалпоғистон Автоном Республикасида хизмат сафарида юрган вақтида туҳмату иғволар гирдобида тўсатдан вафот этди. Шундан сўнг собиқ Иттифоқ раҳбари Юрий Андропов бир умр эл-юрт ғамида яшаган, фидойи инсон ва адолатли раҳбар Шароф Рашидовни ёмонотлиқ қилиш мақсадида «пахта

иши», «ўзбек иши» деган уйдирмани ўйлаб топди. Аввалдан тўқилган айбнома асосида текшириш ишлари олиб борилди. 1984 йили Гдлян ва Иванов бошчилигида собиқ Иттифоқ прокуратура ходимларидан иборат махсус комиссия тузилиб, Ўзбекистонда «пахта иши»ни текшириш учун юборилди. Биринчи навбатда, Шароф Рашидов билан яқин муносабатда бўлган раҳбарлар фаолияти тафтиш қилинди. Сурхондарёда Шароф Рашидовнинг энг яқин дўстларидан, Сариосиё тумани «Коммунизм» колхози раиси, меҳнат қаҳрамони Бобомурод Омонов шу мақсадда терговга чақирилди. Гдлян ва Иванов бош махсус комиссиянинг Сурхондарё бўйича бошлиғи Ткаченко Шўрчи райони прокурорини чақириб, Бобомурод Омоновнинг уйини тинтув қилиш ва унинг айбини топиб, жавобгарликка тортиш, зудлик билан қамоққа олиш тўғрисида кўрсатма берди. Прокурор раиснинг уйдан уч минг сўм пулдан бошқа ҳеч нарса топа олмаган. Бобомурод Омоновга тергов жараёнида унинг уйдан уч минг сўм топилгани айтилиб, уни нима мақсадда сақлаб қўйгани ҳақида сўралганда у: «Ёшим улуғ, қариб қолдим. Бу уч минг сўм пулни ўлимлигим учун асраб қўйганман», – деб жавоб беради. Ткаченко эса: «Сен Шароф Рашидов билан дўст бўлгансан. Давлат мулкени талон-торож қилгансан», – дея пўписа қилади. Бобомурод Омонов: «Шароф Рашидов ҳам, мен ҳам ҳеч нарса олмаганмиз. Бир умр совет Иттифоқи учун ҳалол меҳнат қилдик. Қариган чоғимда шундай ҳолга

тушаман деб ҳеч ўйламагандим», – деб ноҳақ туҳмат ва қийноқлардан кейин қамоқхонада юрак хуружидан вафот этган.

Ткаченко топшириғи билан Шўрчи туман прокурори ишбилармон ва тажрибали раис Раҳмон Йўлдошевнинг «Охунбобоев» колхозидаги иш фаолияти ус-тидан текширув олиб боради. Шўрчи район прокурори ва бир гуруҳ тергов аъзолари раиснинг уйига келиб, тинтув ва текширув жараёнида битта бузоқли сигир, битта «Жигули» автомашинаси ва битта гиламни рўйхатга олади, холос. Тергов чоғида: «Пул қаерда?» – деб раисни роса сиқувга олишади. У уйида тўплаб қўйган пули йўқлигини айтади. Буни эшитиб жаҳли чиққан Ткаченко унинг ишини Термиз шаҳар «Союз-35»да жойлашган вилоят прокуратурасига оширади. Ткаченко раисни ҳар куни эрталаб соат тўққизга чақиртириб, кечқурун соат ўнларгача олиб ўтирса-да, атиги бир ёки икки соат тергов қиларди, холос. У раисга: «Тўғриси-ни айт, қанча пахта қўшиб ёзгансан?» – деб бақирарди. Раис: «Ҳеч қачон қўшиб ёзиш билан шуғулланмаганман. Истаганча текширишингиз мумкин», – деса ҳам, Ткаченко: «Сендан олдин «Охунбобоев» колхози пахта планини умуман бажара олмаган. Сен раис бўлгандан кейин давлатга топшириладиган пахта плани ҳар йили биринчилар қаторида ортиғи билан бажарилган. Қўшиб ёзмаган бўлсанг бунга қандай эришгансан?» – деб дўқ-пўписа қиларди. Ткаченко яна сўзида давом этиб: «Сендан юқорида турувчи раҳбарларинг билан кели-

шиб, планни қўшиб ёзиб тўлдиргансан, мени алдама», – дея ўшқирарди. Раис: «Нега ишонмайсиз, ахир? Бунинг ҳаммасига тинимсиз меҳнат, уйқусиз тунлар, сув ва минерал ўғитларни ўз вақтида бериш, парвариш қилиш эвазига эришганмиз. Шу туфайли давлатимиз олдидаги пахта планини доим районда олдинги ўринларда бажариб келганман», – деб жавоб беради. «Агар айбинг бўлмаса, «Жигули»ни қайси пулингга сотиб олгансан, жавоб бер-чи», – бўкиради прокурор. Шунда довюрак ва қўрқмас раис Раҳмон Йўлдошевнинг жаҳли чиқиб: «Ўртоқ терговчи, Москвада ҳатто бева хотинларнинг ҳам ҳар биттасининг тагида машинаси ва данғиллама уйи бор. Шунча меҳнат қилиб битта машина ҳам ололмаслигимиз керакми? Машина олиш нега уларга мумкин-у бизга мумкин эмас? Мен йиллар давомида қора терга ботиб, оилам билан тинимсиз меҳнат қилиб олган битта «Жигули» учун шунча азоб бера-сизми?» – дейди. Марказдан келган терговчи Ткаченко кутилмаган бундай жавобдан дарҳол сергак тортади ва темир панжара олдида турган зобитга: «Олиб чиқиб кетинг раисни. У билан кейин ўзим гаплашаман», – деб буйруқ беради. Хайрулла Арслонов деган терговчи раиснинг тергов ишини Ткаченко билан бирга олиб борарди. Ҳар қалай, инсофли, диёнатли бу одам юртдошлик туйғуси сабабми раисга: «Ака, буларга ҳеч нарсани исботлашга ҳаракат қилманг, барибир, фойдаси йўқ. Чунки булар марказдан ўзбекларга қирғин келтириш, халқимизни бадном қилиш учун келган. Буларга

фарқи йўқ, ҳар битта раҳбар одамни халқ душманидай қабул қилишяпти. Мен сизнинг ишингизни кўриб чиқдим. Сизда ҳеч қандай жиноят аломатлари, пахта планини қўшиб ёзишлар бўлмаган. Уйингизда тинтув вақтида ҳеч қандай ортиқча пул ва қимматбаҳо буюмлар топилмаган. Мен Ткаченкога: «Раҳмон Йўлдошевнинг уйини тинтув қилиш жараёнида ва тергов қилиш мобайнида ҳеч қандай қонунга хилоф ҳолат аниқланмади», – десам, у: «Бўлмаган гап, қўявер, у билан ўзим шуғулланаман. Ҳали шошмай тур, сен ландовурлик қилгансан. «Охунбобоев» колхозининг одамлари орасида раисни ёмонлаб кўрсатма берадиганларини топаман. Ўшанда менинг ишларимга қойил қоласан. Яна прокурор эмиш, ўргилдим сендақанги ландовурдан», – деб жавоб берди. Булар: «Одам топилса бўлди, жиноят моддаси топилади», – дейдиганлар хилидан. Ака, эҳтиёт бўлинг».

Терговчи Хайрулло Арслонов раисни олдига чақириб:

– Раҳмон ака, сизга яхши бир маслаҳат бераман. Лекин ҳеч кимга оғиз оча кўрманг, – дейди.

Раис айтади:

– Қулоғим сизда, ўртоқ прокурор.

Шунда у:

– Катта фарзандларингиз борми? – деб сўрайди.

Раис:

– Ҳа бор, нимаиди, катта ўғлим Шерали Тошкентда политехника институтида ўқийди, – дейди.



Шунда Хайрулло Арслонов раисга қарата:

– Ўзингизга маълум, бу газанда гдлянчилар одамларни айби бўлса ҳам, бўлмаса ҳам кимўзарга қамоққа олишяпти. Шунинг учун, Раҳмон ака, мен сизга уйингиздан тинтув пайти олинган «Жигули»нинг ҳужжатларини ва калитини қайтариб бераман. Сиз эса тезликда уни сотиб, катта ўғлингиз Шералини уйлантиринг. Бу мендан сизга яхшилик бўлади, – дейди.

Бу диёнатли терговчи гдлянчи Ткаченкога: «Ҳали нима иш қилишни охиригача ўйлаб кўрмадим, терговни давом эттирамиз, шекилли», – деб айтади. Раис машинасини зудлик билан сотиб, бир ой ичида катта ўғли Шералини уйлантиради. Ткаченко айб топиш мақсадида Хайрулло Арслоновга: «Барча колхоз бригадирларини, табелчиларини чақиртириб, Раҳмон Йўлдошевга қарши кўрсатма оласан. Раис пахтани қўшиб ёзиш учун уларни мажбурлаганми, пахта планини бажариш учун биргадирлар раисга пул йиғиб берганми деб сўроқ қиласан. Уларга шу ҳақда ёлғондан бўлса ҳам кўрсатма беринглар деб дўқ-пўписа қиласан», – дея буйруқ беради. Аммо ҳалол ишлаган раисга қарши ҳеч ким бундай кўрсатма бермади. Ткаченко кунларнинг бирида Хайрулло Арслоновга ишонмасдан колхознинг бош ҳисобчиси, бош агрономи, бош зоотехниги ва чорва мудирларини биттама-битта ўзи қабул қилиб, терговда: «Наҳотки, раис фақат ойликка яшаган бўлса? Агар сизлар раис Раҳмон Йўлдошевга қарши кўрсатма бермасаларинг, ўзларингнинг устиларингдан ҳам

жиной иш очаман», – деб дағдаға қилибди. Шунда фақат бош агроном ўрнидан туриб: «Ўртоқ терговчи, биласизми, бу ерда пахта планини қўшиб ёзиш бўлмаган. Фақат бир марта йигирманчи ноябрь куни Шўрчи пахта тозалаш заводи пахтамизни қабул қилиб олмасдан, йигирма биринчи ноябрь куни икки кунликни бир кунда олган ва йигирманчи ноябрга қўшиб ёзган», – деб айтади. Бу гапдан ўзида йўқ хурсанд бўлган Ткаченко: «Мана, қўшиб ёзгани йўқ деб ёлғон гапирасизлар. Қўшиб ёзган экан-ку», деб бош агрономдан айтганларини қоғозга тушириб беришини талаб қилади. У: «Раҳмон Йўлдошевни қамоққа олиш керак. Уни Термизга олиб боринглар, ўша ерда тергов ишларини қайта олиб борамиз», – деб буйруқ беради. Шундан сўнг Ткаченко уни Термиз шаҳри «Союз-35»га чақиртириб, шахсан ўзи тергов қила бошлайди ва унга: «Сен йигирманчи ноябрь куни етмиш тонна пахта сотиб олгансан. Шу ишингдан тонасанми?» – дейди. Ўзининг ҳалоллигига ишонган раис: «Ишонмасангиз, Шўрчи тумани пахта тозалаш заводи бош инженери Абдураҳмоновни чақиртириб сўрашингиз мумкин. Ҳеч қанақа пахта сотиб олмаганман», – деб жавоб беради. Ткаченко Шўрчи пахта тозалаш заводи бош инженери Абдураҳмоновни чақиртириб: «Раис Раҳмон Йўлдошев билан биргаликда давлат олдидаги пахта планини ошириб кўрсатиш мақсадида 20 ноябрь куни етмиш тонна пахта қўшиб ёзгансизлар, шуни бўйнингга оласанми?» – деб бақиради, дағдаға қилади. Абдураҳмонов 20 ноябрь куни

Шўрчи районидаги бирорта колхознинг пахтасини қабул қилмаганлиги, ҳаммасини 21 ноябрь куни қабул қилиб олиб, 20 ноябрга ёзганини айтади. Боши қотиб қолган Ткаченко барча колхозларнинг 20 – 21 ноябрь кунлари пахта топшириши билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқиб, бу ишда қонунга хилоф ҳаракат йўқлигига иқрор бўлса ҳам: «Сенга нисбатан шу масалада барибир жиноий иш очаман», – деб пўписа қилади. Шунда қонундан яхшигина хабардор ва рус тилини мукамал билган раис Раҳмон Йўлдошев унга: «Ўртоқ терговчи, район бўйича 15 та колхоз бор. У ҳолда раисларнинг барчасини чақириб, сўроқ қилишингизга тўғри келади», – деб айтади. Ткаченко эса: «Эй раис, сенинг бошқалар билан ишинг бўлмасин, ўзингни бил», – деб уни тергов хонасидан чиқариб юборишга мажбур бўлади. Хайрулло Арслоновга эса ишни давом эттириш ҳақида буйруқ беради. Арслонов: «Раҳмон ака, саволларга яхши жавоб бердингиз. Рус тилида бийрон сўзлар экансиз, чакки эмас. Агар билсангиз, эрталабдан Ткаченко бугун сизни қамоққа олишни режалаштирган эди. Ҳозир сиз билан мулоқот қилганидан сўнг айб топмаганидан мажбуран қўйиб юборди. Лекин хушёр бўлинг, ҳали иш тугамади», – деб уни огоҳлантирди.

Ўша даврда унга ўхшаган юзлаб раислар, ҳеч қандай айби бўлмаса ҳам, қамалиб кетган, хотинию бола-чақаси куйиб қолаверган. Раҳмон Йўлдошев ҳар доим халқни рози қилди, сувсиз ерларга сув чиқарди, қийналганга ёрдам берди. «Кўпнинг дуоси кўл» де-

ганларидек, ана шу дуоларми, ота розилигимми, меҳрибон онасининг Худога қилган илтижоларими ё буларнинг барчасими сабаб бўлиб золимлар зулмидан омон қолди.

– Бирор халқнинг толеи кулса, Тангри таоло унга муносиб йўлбошчини ато этади, – дейди Раҳмон Йўлдошев. – Йўлбошчи эса бу халқни улуғ мақсадлар сари бошлайди. Натижада халқ ўзлигини англаб етади, турли таҳдидлардан ўзини ҳимоя қилиш салоҳиятига эришади, йўлбошчи раҳнамолигида тараққиётнинг юксак поғоналарига кўтарилади. Ўзбек халқига, Ўзбекистонга Аллоҳ таоло 1989 йили ана шундай йўлбошчини – Ислом Каримовни насиб этди. Раҳбарлигининг биринчи кунидан бошлаб у ўз олдига «ўзбек иши», «пахта иши» деган иғволар ва унинг асоратларига барҳам бериш мақсадини қўйди. Халқнинг тақдирини аллақандай Иванов ва Гдлян қўлига топшириб қўймаслигини маълум қилди.

Ислом Каримов «пахта иши», «ўзбек иши» номи билан тарихга кирган кампания халққа нисбатан зулм, унинг шаънига тажовуз ва зўравонликдан бошқа нарса эмас дея қатъий баҳо берди. Натижада қирқ мингдан ортиқ одамга қўйилган айблов қайта кўриб чиқилиб, тезда бир неча ўн минг киши қамоқдан чиқарилди. Уч минг киши батамом оқланди. 1990 йил 20 июль куни собиқ Ўзбекистон ССР Олий суди пленумида «Ўзбекистон судлари томонидан кўриб чиқилган баъзи масалалар, пахта хомашёси ҳамда бошқа қиш-

лоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш, шунингдек, бошқа манфаатлар йўлида фойдаланилганлиги» тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорнинг учинчи бандида: «Шахс мансаби ўзидан юқори бўлган одамнинг тазйиқи остида ёки ўзининг ва яқинларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига хавф туғилганда, вазиятдан чиқиш учун бошқа йўл қолмаганда, хавфни бартараф этиш мақсадида жиноятга қўл урган бўлса, мазкур ишда жиноят аломатлари мавжуд бўлса ҳам, охириги зарурат туфайли содир этилди деб баҳолансин», – дея ҳуқуқий кўрсатма берилди. Адолат тантанаси учун хизмат қиладиган бу қарор Москванинг манфаатига зид эди. Ўзбекистон учун эса тарихий қарор бўлди.

Биринчи марта ўзбекистонлик ҳуқуқ посбонлари Москванинг чизган чизиғидан чиқишга журъат қилишган эди. Шубҳасиз, бу мустақиллик, озодлик ва истиқлол учун ташланган дадил қадамлардан бири бўлди. Эндиликда ҳеч кимнинг халқимизни хўрлашига, ҳуқуқ ва эркинликларини оёқости қилишига йўл қўйилмаслиги ўзига хос тарзда намойиш этилган эди. Ўзбеклар ҳам ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган миллат эканини кўрсата олганди. Шундан сўнг кўп ўтмай адолат бутунлай тантана қилди. Ҳақ-ҳуқуқимиз, эркимиз, мустақиллигимиз ўз қўлимизга ўтди. 1991 йилнинг 25 декабрида Президентимиз Ислом Каримов томонидан «пахта иши» бўйича қа-

малган барча юртдошларимизнинг оқланиши халқимизнинг руҳини кўтарди, эртанги кунга ишончини орттирди. Халқимизнинг топталган ғурури, поймол этилган шаъни, ор-номуси тикланди. Ўша давр матбуотида бу ҳақда кўплаб мақолалар эълон қилинган. Газетада бундай мақолаларни ўқиб юрагим ҳаприққани, кўзларимга ёш қалқигани бугунгидек ёдимда. Бизга шундай йўлбошчини ато этган Худойимга кўп шукрлар айтдим.

Раҳмон Йўлдошев 1984 йилдан 1991 йилгача Шўрчи районидаги Шароф Рашидов номидаги комбинатнинг цех бошлиғи лавозимида ишлади. 1991 йил Ўзбекистон Республикаси раҳбари Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг Иванов ва Гдлян олиб борган «пахта иши» кампаниясида айбсиз деб топилганларни терговдан олдин ишлаган лавозимига тиклаш ҳақидаги фармони матбуотда эълон қилинганидан кейин Шўрчи район партия комитетининг биринчи секретари Эшболта Шерматов чақириб: «Раҳмон ака, авваламбор, текширишлардан қутулганингиз билан табриклайман. Менга сизни олдин ўзингиз ишлаган «Охунбобоев» колхозига раис ёки Шўрчи тайёрлов идорасига бошқарув раиси этиб тайинлаш топширилган. Қайси бирига ўтишни хоҳлайсиз?» – деди.

У Шўрчи район тайёрлов идорасига раҳбар лавозимига ўтди. Бу ерда биринчи иш кунидан эътиборан бозорларни тартибга олишга ҳаракат қилди. Маҳсулотларни жойлаштиришда қатъий интизом ўрнатиш-

га интилди. Ҳар ерда ёйилиб ётган гўшт дўконларини бир жойга жамлаб, музлатгичлар билан таъминлади. Сут ва қатиқлар учун ҳам махсус жой ажратилди. Тай-ёрлов идорасининг ичида юз тонна маҳсулот сиғадиган совутгич ўрнатилди. Беш юз тонналик маҳсулотларни тузлайдиган махсус лойиҳалаштирилган ертўла қурилди. Бозор ичида маҳсулотлар сақланадиган омбор ташкил қилинди. Шижоатли раҳбарнинг интилишлари қисқа муддатда натижа берди. Район бозоридаги маҳсулотлар кўшни районлардагига қараганда сезиларли даражада арзонлашди. Ҳатто Шўрчининг маҳсулотлари кўшни Денов, Олтинсой, Қумқўрғон районларига олиб бориб сотилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Россиянинг Москва шаҳрига узум, пиёз, карам, анор, олма, мева-сабзавотлар экспорт қилиш плани ортиғи билан бажарилди. Шўрчи район тайёрлов идорасида бошқарув раиси бўлиб ишлаб юрганида, 1994 йил 11 август куни Раҳмон Йўлдошев ўғиллари Нурали ва Абдурасулни уйлантирди.

Сабр – барча яхшиликларнинг калити. Кимда ана шу фазилат бўлса, шубҳасиз, у ҳаётдаги ҳар қандай қийинчиликни енга олади. «Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир», – дейилади муқаддас Қуръони каримда. Раҳмон Йўлдошев ҳаётда бунинг исботини кўп кўрди. Сабр ва матонати, ниятининг поклиги, ғайрату шижоати туфайли эл ичида чинакам ҳурматга сазовор бўлди. Ана шу фазилатлар фарзандларига ҳам кўчгани

учун бу нуруний инсон ададсиз шукрлар айтади. Эзгу хислатларнинг авлодларда давом этиши, ўз эли, юрти олдида ҳар доим юзи ёруғ бўлиши – ҳақиқий бахт шу эмасми?!



## ҲАЖ ЗИЁРАТИ – ҲАҚ ИБОДАТИ

Муқаддас Байтуллоҳ зиёратини ким ҳам орзу қилмайди дейсиз. Шўролар замонида бу ҳақдаги орзуингни бировга айтиш ҳам маҳол бўлгани рост-ку ахир. Мустақиллик, энг аввало, иймон ва эътиқод эркинлигимизни қайтариб бергани жиҳатидан қадрлидир. Аллоҳ қодир қилган ҳар бир мусулмоннинг зиммасидаги фарз бўлган ҳаж ибодатини адо этиш менга ҳам насиб қилгани учун ҳар қанча шукрона айтсам оз. Ҳаж – бу шундай бир улуғ ибодатки, унинг сир-асрорларини, ҳикмату фазилатларини қалби пок, иймони бақувват одамгина ҳис этиши мумкин. Ҳаж ҳам жисмонан, ҳам руҳан покланиш ибодатидир. Зеро, ҳожилар бу муқаддас зиёратни адо этмоқ учун қанча йироқ йўлларни босиб, маълум қийинчиликларни, машаққатларни енгишига тўғри келади. Бу йўлга мол-дунёсини тикиш, сахро куёшининг тафтига бардош бериш, тоат-ибодатда сабот кўрсатиш иймонни қувватлантиради. Фақир-мискинларга хайру эҳсон қилиш, Аллоҳ йўлига қурбонлик сўйиш ҳаж ибодатига ўзига хос руҳ бағишлайди. Ҳаждаги мўмин ўзини Аллоҳ ва унинг расули учун қўлларини дуога очиб, Каъбатуллоҳ ичида

илтижо қилаётган диндошлари билан руҳан яқин ҳис қилади. Раҳмон ҳожи Йўлдошевнинг таърифига кўра, ҳаж нафақат ибодат, балки у бутун дунё мусулмонларининг йилда бир марта мулоқот қиладиган буюк бир анжумани ҳамдир. Чунки у ерга борган ҳожилар, тили, жинси ва ирқидан қатъи назар, тўла маънода тенг бўлиб, буюк Раббисининг олдида тазарру билан туради. Каъбатуллоҳ... Қуръони каримда номи зикр этилган икки маъбадлардан<sup>1</sup> бири, мусулмон оламининг қибласи. Унинг ичида Иброҳим халилуллоҳнинг мақомлари бор. Каъбатуллоҳни «Байт ул-ҳаром» деб ҳам атайдилар. Зеро, унинг ичида қон тўкиш ҳаром. У тинчлик ва осудалик маскани. Ана шу муқаддас маъвога ҳаж зиёратига боришга муяссар бўлган Раҳмон ҳожи Йўлдошев ва турмуш ўртоғи Норгул ҳожи ая мудом шукр айтадилар.

Ҳаж Каъбатуллоҳни тавоф қилмоқ, Сафо ва Марва тоғлари орасида саъй этмоқ, Арафот тоғида бўлмоқ ва маносидларни адо этмоқ учун маълум вақтда Макка шаҳрига зиёратга бориш демакдир. Аллоҳ қодир қилган инсонлар учун фарз амалларидан бири, Исломнинг бешинчи рукнидир.

Маълумки, муборак ҳаж мавсуми қурбон ҳайитидан қирқ кун илгари бошланиб, қурбон ҳайити билан якунланади. Бундан бошқа пайтдаги зиёратлар ҳаж ўрнига ўтмайди. Раҳмон ҳожи Йўлдошев ва унинг рафиқаси Норгул ҳожи онага ана шу муқаддас ибодатни

---

<sup>1</sup> **Маъбад** – ибодат қилинадиган жой.

адо этиш насиб бўлди. Уларнинг кундалик дафтарида муқаддас ҳаж сафари таассуротлари иймон ва меҳр билан ёзилган. Бу табаррук жуфтлик пойтахт халқаро аэропортидан 2005 йилнинг 5 январидан 757-рейс «Боинг» самолётида Тошкент вақти билан соат 10<sup>45</sup> да ҳавога кўтарилди. Тошкент халқаро аэропортидан Мадина халқаро аэропортигача учиб масофаси 3563 километр, самолётнинг тезлиги соатига 780 километрни ташкил этади. Самолёт 10600 метр баландликда жами 5 соат ҳавода парвоз қилади. Дарвоқе, Мадина вақти Тошкент вақтидан икки соат орқада юради. Шу боис Тошкент вақти билан 4<sup>05</sup>, Мадина вақти билан 2<sup>05</sup> да самолёт Мадинаи мунаввара халқаро аэропортига келиб қўнди. Шу куни ҳожилар бу муборак шаҳардаги тўрт қаватли меҳмонхонага келиб жойлашишди. Маккаи мукаррамага эҳромсиз кириш мумкин бўлмагани учун ҳожилар эҳромга кирди. Аслида, ҳажга йўл олган зиёратчилар уйларида чиқиш олдида ноқ эҳром кийиб олсалар ҳам бўлади. Эҳром кийишдан олдин тирноқлар олиниши, соч-соқоллар тартибга келтирилиши, қўлтиқ ва авратдаги туклар тозаланиши, сўнгра таҳорат олиниши ёки ғусл қилиниши, баданга хушбўй нарсалар суриш ва икки рақъат намоз ўқиш мустаҳабдир. Намоздан кейин «талбия» ўқилиши ва уни ёд олиш шартлиги муқаддас китобларимизда келтирилган. Чунки талбияни эркаклар баланд овозда ва аёллар паст овозда эҳром кийганларидан сўнг то қурбонлик кунигача ҳар бир намоздан кейин машинага чиққанда

ёки тушганда, баландликка кўтарилганда ёки паст-ликка тушишда айтиб туришлари лозим. Ҳаж арконларини рисоладагидек билган Раҳмон ҳожи ва Норгул ҳожи она бу шартларни бекам-қўст бажардилар.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг ўша кездеги раҳбари, муфтий Абдурашид Баҳромов, ҳажга мингбоши бўлиб борган Бобур Йўлдошев ва элликбоши Эрданбой бевосита уларнинг ҳаж сафарига раҳбарлик қилишди. Шу куни бошқа ҳожилар билан бирга аср ва хуфтон намозларини Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Мадинаи мунавварадаги муборак масжидида ўқишди.

**6 январь** куни тонгда бомдодни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидида ўқиб, кейин икки рақъат нафл намозини адо этишди. Шундан сўнг Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак равзаларини, ҳазрат Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анхумоларнинг қабрларини зиёрат қилишди. Қуръони карим тиловатидан сўнг дуога қўл очиб, Аллоҳ таолодан кўнгилларидаги барча эзгу ниятлари рўёбга чиқшини сўрашди. Раҳмон ҳожи: «Аллоҳим, ўзинг бизлардан рози бўл! Эй яратган Эгам, сендан илтижо қилиб сўрайман – отам Йўлдош Ҳасан ўғли, онам Қизларгул Эшмирза қизи ва отамнинг шаҳид кетган укаси Жума акамни жаннатда пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам билан қўшни қилгин! Охиратдаги мақомлари сарбаланд бўлишини насиби рўз эт!» – деб дуо қилди. Сўнг яна Яратганга муножот

қилиб, ака-ука, опа-сингиллари ҳамда фарзандлари номидан ўтинди: «Эй Аллоҳим, ҳабибинг Муҳаммад алайҳиссаломга опамлар Бибисора ва Бўригул, акамлар Маҳмуд ва Ҳайдар, сингилларим Нурхол ва Ўрозхон номидан дуруд ва саломлар бўлсин! Ё Раббий, ўғлим Шерали ва унинг оила аъзолари Майрам Шафоат қизи, Феруза Шерали қизи, Тожимурод Шерали ўғлининг Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламга саломларини қабул эт! Илоҳо, ўғлим Нурали, унинг оила аъзолари Раъно Қаям қизи, Саидахорр Нурали ўғли, Мадина Нурали қизи, Саидақбар Нурали ўғли ва Фотима Нурали қизининг оламлар сарварига салом, саловат ва дурудларини келтириш бахтини муяссар этганинг учун беҳисоб шукрлар айтаман! Парвардигорим, Абдурасул ўғлимнинг оила аъзолари: Шарафот Дона қизи, Асомиддин Абдурасул ўғли, Аслиддин Абдурасул ўғли, Сирожиддин Абдурасул ўғли номидан хотам ул-анбиёга саловатлар айтаман! Ё Раҳмон, ё Раҳим, қизим Гулжаҳон ва унинг оила аъзолари: Абдусалом Эргаш ўғли, Аброр Абдусалом ўғли, Дилшода Абдусалом қизи, Дилноза Абдусалом қизининг Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга оқ кўнгил, пок ният билан йўллаган саломларини қабул эт! Эй ҳар бир ишга қодир бўлган улуғ Тангрим, ўғлим Усмон ва унинг оила аъзолари: Нилуфар Тўлқин қизи, Амина Усмон қизи, Салоҳиддин Усмон ўғли, Умар Усмон ўғлининг оламларга раҳмат қилиб юборганинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломга саловату дурудларини қабул айла! Эй бандаларининг

кўнгилларида яширин сирларини ҳам билгувчи буюк Раббим, қизим Гулбаҳор ва оила унинг аъзолари: Тўлқин Сафар ўғли, Сарвиноз Тўлқин қизи, Азизбек Тўлқин ўғли, Орзигул Тўлқин қизи ва ўғилларим Имомали ва Абдумуроднинг ҳабибинг Муҳаммад алайҳиссаломга саломларини етказ!»

«Роббана, атина фид-дуња ҳасанатан ва фил-ахирути ҳасанатан ва қина азобан-нар» дуосидан сўнг Раҳмон ҳожи юртимизга тинчлик, хотиржамлик, элимизга фаровонлик тилади. Ҳаж зиёрати учун барча шароитларни ҳозирлаган Юртбошимиз ва бошқа раҳбарларимиз ҳақларига хайрли дуолар қилди.

**7 январь** куни бомдод намози Масжид ун-Набавийда ўқилди. Шундан кейин ҳожилар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак равзаларини яна бир карра зиёрат қилишди. Дуолардан кўнгиллар мумдайд эриди. Ҳожилар автобусда меҳмонхонага қайтиб, нонушта қилишди. Пешин намози ҳам Масжид ун-Набавийда адо этилди. Ислом тарихидаги машҳур ғазот бўлган Уҳуд тоғини зиёрат қилишди. Маълумки, Уҳуд жангида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак икки тишлари синган ва етмиш икки саҳоба шаҳид кетган. Улар орасида пайғамбаримизнинг амакилари Ҳамза ҳам бор эди. Бу муборак масканни зиёрат қилар экан, Раҳмон ҳожи қаттиқ таъсирланди.

Кейин Пайғамбаримиз қурдирган Қиблатайн масжидига борилди. Икки ракъат нафл намозидан кейин аср намози ўқилди. Бу масжиднинг икки қиблали деб

номланиши тарихи шундай: Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам жамоа билан намоз ўқиб турган пайтида Аллоҳ таолодан «(Эй Муҳаммад) юзингни Масжиди Ҳаром (Каъба) томонга бур!»<sup>2</sup> деган ваҳий келади. Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам ибодат асносида Байтуллоҳга юзланиб, намозни яқунлайди.

Навбатдаги зиёрат учун Қубо масжидига боришди. Раҳмон ҳожи ўзининг ва отаси Йўлдош Ҳасан ўғлининг номидан ҳам нафл намозини ўқиди. Отасининг номидан ҳажжи бадал учун ният қилди. Шом ва хуфтон намозлари ҳам Масжид ун-Набавийда ўқилди.

**8 январь** куни бомдодни ҳам Масжид ун-Набавийда адо этгач Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг амаллари Ҳамза розияллоху анҳунинг қабрини зиёрат қилди. Кундузи соат 11<sup>00</sup> да автобусда Мадинаи мунаварадан Маккаи мукаррамага боришди. Ҳожилар учун белгиланган мийқот – Зулхулайфо номли масжидда сочларини қисқартириб, тирноқларини олдиришди. Одатдаги либосларини чамадонга жойлаштириб, ғусл қилгач эҳромга киришди. Икки рақъат нафл намозидан сўнг: «Аллоҳумма, инний урид ул-ҳажжа фаяссирху ва тақаббалху минний», – деб ҳаж амалларини бажаришга ният қилишди. Сўнг: «Лаббайка, Аллоҳумма лаббайк! Лаббайка лаа шарийка лака лаббайк. Инналҳамда ван-неъмата лака вал-мулка. Лаа шарийка лака лаббайк» калимасини ўқиб Каъбатуллоҳни зиёрат

---

<sup>2</sup> Бақара сураси, 144 оят.

қилишди. Етти маротоба айланиб Байтуллоҳни тавоф қилишди. Ундан кейин икки рақъат нафл намозини ўқишди.

Раҳмон ҳожи ният билан Зам-зам сувини ичиб, юзларини ювгач ушбу дуони ўқиди: «Аллоҳумма инний асъалука ризқан васиъан ва илман нафиъан ва шифаан мин кулли даин». Кейин масжиддан чиқиб Сафо ва Марва тоғида юриб етти марта саъй қилди. Ҳаж зиёратидан сўнг бомдодни Байтуллоҳда ўқиб, эрталаб меҳмонхонага келди. Нонуштадан сўнг отаси Йўлдош Ҳасан ўғли номидан ҳаж амалларини бажариш учун умра ниятини қилди. Ғуслдан сўнг янгидан эҳромга кирди ва автобус билан Байтуллоҳга бориб, пешин намозини ўқиди. Байтуллоҳни етти маротоба айланиб тавоф қилганидан кейин икки рақъат нафл намозини ўқиди. Зам-зам сувини ичиб бўлгач юзларини ювди. Сафо ва Марвани етти маротоба айланди ҳамда сочини қисқартирди.

**9 январь куни** эрталаб автобусда Байтуллоҳга бориб, бомдод намозини ўқиди. Шу куни пешин намозини ҳам ушбу муборак масканда адо этиб, автобус билан меҳмонхонага келди. Тушликдан сўнг Раҳмон ҳожи Ойша онамиз розияллоҳу анҳонинг масжидларига борди ва ғусл қилиб, эҳромга киргач, икки рақъат нафл намозини ўқиди. Онаси Қизларгул Эшмирза қизи номига таматтуъ умрасини ният қилди ва аср намозини Ойша онамиз масжидида ўқиди. Таксида Каъбатуллоҳга келиб, шом намозини адо этди. Онаси учун умра



тавофини ният қилиб, Байтуллоҳни етти марта айланиб тавоф этди. Икки ракъат нафл намозини ўқиб, тик ҳолда Зам-зам сувидан икки финжон ичиб, юзини ювди. Хуфтон намозини ҳам ушбу муборак жойда ўқиди. Сафо ва Марвани етти марта тавоф қилиб, онаси Қизларгул Эшмирза қизи номидан умра амалларини адо этди. Шундан сўнг «Илоҳо, ота-онам ва уларнинг барча зурриёдларидан Ўзинг рози бўл! Улар номидан бажарганим умра амалларини даргоҳингда қабул эт!» дея дуо қилди. Сафо ва Марванинг ҳайбатидан ҳайрат туйғусини туйди. Етти минора, тўқсон олти дарвозадан иборат уч қаватли Каъбатуллоҳ биноси унинг наздида мўъжизанинг ўзгинаси, қалби эса шукрона ҳиссидан масрур эди.

**10 январь куни** Раҳмон ҳожи ва Норгул ҳожи она беш вақт намозни Каъбатуллоҳда ўқишди. Зам-зам сувидан ичар экан, улар дардманд одамларга шифо сўраб дуо қилишди. Уларнинг бу тилаклари бежиз эмас эди, албатта. Маълумки, Пайғамбаримиз алай-ҳиссалом туғилмасларидан илгари боболари Абдулмутталиб бин Ҳошимнинг тушида Зам-зам булоғининг аниқ ўрни намоён бўлади ва уйқудан уйғонганидан кейин тушида кўрган жойни бориб қазса, ёпилган булоқнинг кўзи очилади. Шундан бери Зам-зам суви одамларнинг дардларига даво бўлиб келмоқда. Бу сувнинг фазилати ҳақида муборак ҳадисларда: «Ер юзидаги сувларнинг энг яхшиси Зам-зам сувидир. Зам-зам суви саломат кишилар учун таом ва ҳар бир

касалманд учун шифодир», – дея таъриф берилгани ҳам бунинг исботидир.

**11 январь куни** Каъбатуллоҳда бомдодни адо этгач меҳмонхонада нонушта қилишди. Автобусда яна Каъбатуллоҳга бориб, пешин намозини ўқишди. Ният билан Каъбани айланиб, муборак тошга жойнамозини, кўйлагини ва пул соладиган халтасини суркаб тавоф қилди. Икки ракъат нафл намозини ва бошқа фарз намозларини ҳам Байтуллоҳда адо этиш шарафига муяссар бўлди.

**12 январь куни** бомдодни Каъбатуллоҳда ўқиди. Меҳмонхонага қайтиб, нонушта қилгач турмуш ўртоғи Норгул ҳожи она билан яна Масжид ул-Ҳаромга бориб, пешин намозини адо этишди. Ҳажар ул-асвадни тавоф қилиб, муборак тошни ўпиб, мақоми Иброҳимда Каъбатуллоҳга қараб икки ракъат намоз ўқишди ва кийимларини ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг излари тушган муборак тошга суркаб олишди. Ўша куни аср, шом ва хуфтон намозларини ҳам Байтуллоҳда жамоат билан адо қилишди.

**13 – 15 январь кунлари** ҳам беш вақт намозни Масжид ул-Ҳаромда ўқиш шарафига эришдилар.

**16 январь** кунги барча фарз намозларини «Ўзбекистон-3» меҳмонхонаси ичидаги масжидда ҳожилар билан бирга жамоат бўлиб ўқишди.

**17 январь** куни шом намозини адо этгач автобусларда Мино водийсига йўл олишди. Маккадан етти чақирим масофадаги бу водийда Абдулазиз кўпригининг

олдидаги 2002-рақамли чодирга жойлашдилар ва соат 19<sup>00</sup> да хуфтон намозини Мино майдонидаги чодир ичида ҳожилар билан бирга жамоат бўлиб ўқишди.

**18 январда** Мино майдонидаги чодирда беш вақт намозни элликбоши Эрданбой имомлигида бирга адо этишди.

**19 январь куни** бомдод намозини ўқиб, нонуштадан сўнг автобусларда Арафотга жўнашди. Чодирларга жойлашиб, пешин вақти кириши билан азон айтилгач, намозни адо этишди. Аср намози ҳам шу ерда ўқилди. Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил забиҳуллоҳ учун жаннатдан юборилган қўчқорни ана шу Мино водийсидаги тоғда қурбонликка келтиргани ривоят қилинади. Шунинг учун бўлса керак, Минода Қўчқор номли масжид бор. Бу ерда, шунингдек, Байъат номли масжид бўлиб, Мадина халқи шу жойда Пайғамбаримизга байъат қилгани зикр этилади. У ердан чиқиб, ҳожилар Арафот тоғига йўл олишди.

Арафот тоғи Макканинг жануби-шарқида, ундан йигирма беш чақирим узоқликда жойлашган. Айни шу ерда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга «Бугун сизлар учун динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим» маъносидаги сўнгги оят нозил бўлган. Бу сўзларнинг маъзини чаққан Раҳмон ҳожи руҳан теткилашди. Ғусл қилгач Арафот тоғининг ўртасида туриб талбия айтди. Қуёш ботиши билан Муздалифага бориб, шом ва хуфтон намозларини бирга адо этишди.

Кўпчилик муфассирлар Қуръони каримда зикр этилган «ал-Машъар ул-ҳаром»дан мурод Муздалифадир, дейишади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом қуёш ботганидан кейин туяларини оҳишта юргизиб келганликлари, издиҳом бўлмаган жойни танлаб, у ерда талбия айтганликлари, дуою зикрлар қилганликлари ва Қуръони каримдан оятлар ўқиганлари ривоят қилинган. Ҳожилар талбия айтиб, кечаси билан дуода бўлишди. Улар Арафот ва Муздалифада турганида барча намозларни Ўзбекистон диний идораси бошлиғи, муфтий Абдурашид қори Баҳромов имомлигида ўқишди. Хатми Қуръон қилган Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори Турсунов дуосидан кўнгиллар эриди.

Абдурашид қори Баҳромов ҳожиларга Президенти-миз Ислоҳ Каримовнинг муборак қурбон ҳайити муносабати билан йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

**20 январь** соат 03<sup>00</sup> да ҳожилар Муздалифадан автобусда Минога, ўз чодирларига келиб, бомдод намозини адо этишди. Ҳожилар Минога етиб келганларидан кейин қуёш чиқиши билан тепаликка чиқиб, катта шайтонга етти дона тош отдилар. Яна уч кун давомида шайтонга тош отишди. «Ҳар куни уч марта ва ҳар гал етти донадан тош отилди. Шундай қилиб, барча отилган тошларнинг сони етмиштага етди» дейди Раҳмон ҳожи.

Қурбонлик маросими тугагач, ҳожилар соч олдиришди. Соат 16<sup>30</sup> да аср намозини ўқигач автобусда Маккаи мукаррамага бориб, тавофи вадо амалини ба-

жаришди ва Зам-зам сувидан ичиб, юзларини ювишди. Шундан сўнг хонаи Каъбага юзланган ҳолда оҳиста орқага юриб, ҳаж амалини бекаму кўст қабул қилишини Аллоҳ таолодан сўраб, кўзларида ёш билан Каъбадан қайтишди. Мазкур амалларни бажаришда Раҳмон ҳожи ва Норгул ҳожи она ёнида қўқонлик Аҳмаджон ҳожи ва яна саккиз нафар ҳожилар бор эди. Уларнинг вадо тавофини бажарган кунлари шу тарзда ўтди.

**21 январь** Раҳмон ҳожи ва Норгул ҳожи она беш вақт намозда ҳам дуода бўлишди. «Аллоҳим, ҳаж зиёратимни қабул айлаганинг рост бўлсин! Отажоним Йўлдош ҳожи Ҳасан ўғли номидан ҳажжи бадал қилдим. Онам Қизларгул Эшмирза қизи номига Ойша онамизнинг масжидларида эҳромга кириб, умра амалини бажардим. Қилган амалларимни Ўзинг даргоҳингда қабул эт! Фарзандларим, невараларим, оиламизнинг ҳамма аъзоларига, элимизга тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр, ишларининг ривожини бер!» дея илтижо қилди.

Раҳмон ҳожи Йўлдошев рафиқаси билан муқаддас ҳаж сафарини адо этиш жараёнида кўплаб ака-ука ва дўстлар орттиришди. Жумладан, зангиоталик Ғайрат Каримов, шайхонтохурлик Турсунбой Ғаффоров, андижонлик уста пичоқчи Хайрулло Худойқулов, фарғоналик Аҳмаджон Юсупов, олмазорлик Ақромжон Абдурахимов, Рихсибой Пўлатов, Анвар Раҳимов, Тўхтасин Усмонхўжаев, юнусободлик Собир ҳожи, Маҳмуд Мўминов, марғилонлик Лутфулло қори Мўминов,

чилонзорлик Қобилжон Нишонов ва Нормул ҳожи ая билан ҳаж сафариди ҳамроҳлик қилган мирободлик Марҳаматхон ая, Мукаррамхон ая сингари олийжаноб инсонлар билан ҳозирги кунгача борди-келдини узмай келишади.

**23 январь куни эрталаб** «Боинг» самолётида Жидда халқаро аэропортидан ўз она ватани жонажон Ўзбекистонимизнинг пойтахти Тошкент шаҳрига Нормул ҳожи она ҳамроҳлигида ва ҳожилар жамоаси билан биргаликда эсон-омон етиб келишди.

Тошкент халқаро аэропортида Раҳмон ҳожи ва Нормул ҳожи онани фарзандлари ва яқинлари олам-олам қувонч билан кутиб олишди. Улар машиналарга ўтириб, бош фарзанди Шералининг уйига боришди. Муқаддас сафардан кейинги дийдорлашув, дуолар – бир умр эсдан чиқмайди ўша ҳаяжонли лаҳзалар...

Эртаси куни катта ўғли Шералининг машинасида Сурхондарёга уйга қараб йўл олишди. 24 январь куни кечки соат 7 – 8 ларда қишлоққа кириб боришди. Қишлоқдошлар, қариндошлар ҳаммалари бир-бир ярим километр йўлга пойандоз солиб кутиб олишди. Самимият ва меҳр билан кутиб турган бир ярим – икки минг аҳолини кўриб хурсанд бўлиб кетган Раҳмон ҳожи ва Нормул ҳожи она Аллоҳга шукроналар айтишди. Эртасига 25 январь куни муборак ҳаж зиёрати ва Раҳмон ҳожининг 63 га – Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ёшларига кириши муносабати билан халққа шукрона оши берилди.

Раҳмон ҳожи дилида зикр, тилида шукр билан так-  
рорлайди: «Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Берган  
неъматларимга шукр қилсангиз, бу неъматларни яна-  
да зиёда қилиб бераман», – деб марҳамат қилади. Минг  
шукр, миллион шукрлар бўлсин, Худойимнинг суйган  
бандаларидан эканман, мени улуғ неъматлар билан  
сийлади. Садоқатли, вафодор, меҳрибон жуфт берди.  
Бири-бирдан солих, одобли, оқибатли фарзандлар  
ато этди. Каъбатуллоҳ зиёратига етказди. Кўнглимга  
эл-юрт муҳаббатини солди, элнинг хизматини қил-  
дим, назарига тушдим, дуосини олдим.

2005 йили июнь ойида Раҳмон ҳожи ўзлари яшай-  
диган Далварзин қишлоғидаги масжиднинг эски бино-  
сини таъмирлаш ишига бош-қош бўлди. Буюк тарихга  
эга бўлган давлатимиз дунё билан бўйлашаётган бир  
замонда Ватанимиз шаънига дуо қилинадиган табар-  
рук маскан ҳам шунга мувофиқ бўлиши керак ахир...

Раҳмон ҳожи табиатан ғайратли, шижоатли, орти-  
дан элни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштира олади-  
ган одам. Унинг эл-юртга фойдали бирор юмуш билан  
шуғулланмаган куни бўлмаган дейилса асло муболаға  
эмас. Табиийки, эл бундай фидойиликни унутмайди,  
муносиб қадрлайди. Раҳмон ҳожи Йўлдошевнинг бу-  
гунгача ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб келаётгани  
сабаби шунда.

## **ЁКИ АЗИМ ШАҲАРДА, ЁКИ ЮКСАК ТОҒЛАРДА ЯША...**

Ота-боболаримиз ризқ-насиба ҳақида айтган ҳикматлар бежиз эмас. Насиба экан, Раҳмон ҳожи ота ва Нормул ҳожи она 2008 йилдан Ватанимизнинг бошкенти Тошкент шаҳрида яшай бошлади. Ўша кезлари фарзандларидан Шерали, Нурали ва Абдурасул пойтахтда истиқомат қилишар эди. Ўғиллари Имомали бошкентга улар билан бирга кўчиб келган бўлса, кейинчалик Усмон ва Гулбаҳор ҳам оиласи билан пойтахтда яшай бошлади.

Катта ўғли Шерали «Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятининг бош директори. Айни кезде олти юз нафар ишчи-хизматчилари бўлган ушбу завод шифер ва труба ишлаб чиқариш бўйича республикамиздаги энг йирик корхона ҳисобланади. 2018 йили ташкил этилганига 55 йил тўладиган бу корхонанинг эллик тўрт фоиз акцияси давлат улушига тўғри келади. Халқимизда «Қадами қутлуғ келди» деган теран ҳикматга йўғрилган нақл бор. Ушбу йирик корхонага Шерали Йўлдошевнинг қадами ҳақиқатан қутлуғ келди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шахсан эъти-



бори туфайли шу йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг 850-сонли қарори билан «Оҳангароншифер» акциядорлик жамияти негизида иккита йирик лойиҳа амалга ошириладиган бўлди. Биринчиси бир миллион тонна цемент маҳсулоти ишлаб чиқарадиган 100 миллион долларлик, иккинчиси 200 минг куб газобетон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 19 миллион долларлик лойиҳалардир. Бундан ташқари, Навоий шаҳридаги шифер ишлаб чиқарадиган 200 ишчи ўрнига эга «Мўлжалшифер» заводи ҳам ушбу акциядорлик жамиятининг филиалидир.

Яна бир муҳим янгилик: муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёвнинг Бекобод шаҳрига ташрифидан кейин «Оҳангароншифер» таркибида яна бир корхона – «Бекободшифер» заводи жорий йил охиригача ишга туширилиши мўлжалланган. Натижада, биринчидан, халқимизнинг шифер маҳсулотига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имкони туғилса, иккинчидан, ҳамюртларимиздан яна 160 нафари учун ишчи ўрни яратилди. Мамлакатимиздаги ана шундай йирик корхона раҳбарлиги бош фарзандига ишониб топширилгани учун Раҳмон ҳожи Яратганга кўп шукрлар айтади. Ўғли Шералига бу ишончни оқлаш йўлида кунни тунга, тунни кунга улаб хизмат қилиши кераклигини таъкидлайди. Ҳалоллик ва шижоатни ҳаётининг мазмунига айлантириши зарурлигини қайта-қайта уқтиради.

Фарзандларининг камолида нуроний ота насиҳатларининг, дуоларининг, энг муҳими, ҳаётда кўрсатган

шахсий намунасининг таъсири катта бўлгани шубҳасиз. Шукрона келтириш Аллоҳ таоло ато этган неъматларнинг янада зиёда бўлишининг асоси эканини Раҳмон ҳожи ота яхши билади. Ахир нима учун ҳам шукр қилмасин, яна бир ўғли Нурали – ўз соҳасида салмоқли ютуқларга эришган олим, тиббиёт фанлари номзоди. Болалар уронефрологияси бўйича дунёда эътироф этилган атоқли жарроҳ, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаровнинг шогирди. Ҳозирги кунда кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатувчи «Товоқсой» санаторийси раҳбари. Унинг раҳбарлик даврида ушбу санаторий таниб бўлмас даражада ўзгарди. Дам олувчилар учун барча шароитларга эга янги бинолар бунёд этилди. Энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган янги муолажа маркази қуриб битказилгани, айниқса, эътиборга лойиқ.

Нурали Йўлдошевнинг таҳсинга лойиқ фазилатлари кўп. Биринчиси ва энг муҳими, бирор ходим ёки бирор дам олувчи нуруний унинг эътиборидан четда қолмайди. Ўзининг илиқ ва самимий муомаласи билан кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг кўнглидан чуқур жой ола билади. Шу боис уларнинг ҳурматини қозониб келади. Дам олувчилар санаторий раҳбаридан мингдан-миг рози, унинг ҳақиға хайрли дуолар қилишади. Бунга эришиш осон эмаслиги ҳар бир фикрловчи одамга аён.

Ота-онасининг бебаҳо ўғитларига амал қилиш, улар розилигига эришиш Нурали Йўлдошев учун ҳаётидаги

энг муҳим иш. Шу боис ҳам ҳар куни ишга борар экан, эрта тонгдан ота-онаси олдига шошилади. Уларни зиёрат қилиб, дуолашиб, кейин ишга отланади. Ота-онанинг розилиги инсон тақдирида қанчалик муҳим ўрин тутишини улуғ мутасаввиф шоиримиз шоҳ Машраб бир шеърида қуйидагича ифодалаган эди:

*Кечаю кундуз агар Қуръон тиловат айласанг,  
Шабни рӯз айлаб, мудом тақвою тоат айласанг,  
Мисли Ҳотамдек бўлуб хайру саховат айласанг,  
Каъбаи мақсудни минг бор зиёрат айласанг,  
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.*

*Дину иймонинг билан урсанг бу йўлда дасту по,  
Зўри бозунг бирлан этсанг ўттуз уч минг хонақо,  
Осмондин тушса Исо – қилса ҳаққингга дуо,  
Муршидинг Хизри замон бўлса бўлолмас раҳнамо,  
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.*

Нақадар таъсирчан ва ҳеч бир замонда аҳамиятини йўқотмайдиган сўзлар. Раҳмон ҳожи ота ва Норгул ҳожи онанинг бахти шундаки, улар фарзандларидан рози бўлиб яшашяпти. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи ўғиллари Абдурасул, қишлоқ хўжалиги институти битирган, иқтисодчи Имомали, касби жиҳатидан акаси Шералининг шогирди бўлган Усмон, қизлари Гулбаҳор – барчаси ҳар доим ота-она хизматига шай, уларнинг хурматини сақлашни бурч деб билишади.

– Иймонли, эътиқодли фарзандлар берган Худойимга кўп шукр, эъзоз-икромда, хурмат-эҳтиромда умр кечиряпмиз, – дейишади нуроний ота ва она. – Барчаси мўмин-қобил, эл-юрт хизматига ҳар доим тайёр. Бир ота-она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Чиндан ҳам, фарзандларининг бахтини, камолини кўриш – ўзбек халқи учун ҳаётдаги энг улуғ орзу. Ўзбек отаси, ўзбек онаси кўлини дуога очар экан, Аллоҳ таолодан шуни сўрайди. Агар шунга эришса, ўзини ҳамма нарсага эришган ҳисоблайди.

Нурали Йўлдошев валинеъматини Раҳмон ҳожи отанинг яна бир ушалган орзуси ҳақида қизиқ бир тарихни сўзлайди:

– 1985 йил баҳор ойлари эди. «Пахта иши» бўйича тергов бериб юрган отамнинг ҳолидан хабар олиш учун Мамасоат тоғаси келиб қолди. Ўша кезде ўн тўрт ёшли ўспирин эдим. Чилопчин олиб кириб меҳмоннинг кўлини чайдириш, дастурхон, чой, ош-нон олиб кириш, хуллас, хизмат қилиш менинг зиммамга тушди.

Тоға-жияннинг суҳбати қизигандан-қизиди. Отамнинг ўша гурунгда тоғасига айтган мана бу сўзлари ҳануз қалбимда акс садо беради:

– Тоғажон, хабарингиз бор, ёшлигимдан раҳбар бўлдим. Ана шу давлат учун, халқ учун кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилдим. Бу қандай гапки, раҳмат эшитиш ўрнига тергов бериб юрибман. Москвадан бошқариладиган бу давлатчиликдан жуда ҳам кўнглим қолиб кетди. Ундан кўра Сурхондарё бўйида

Озод тепалиги томонда 30 – 40 қўй қилиб тирикчилик ўтказсам, болаларимни ўқитсам, куним ўтмасмиди?!

Бу сўзларни айтар экан, отажонимнинг товушларида аллақандай ўкинчми, титроқми аралаш бир ҳолатни пайқадим. Кўзлари ёшланди. Уларга чой қуйиб ўтирган эдим, жуда ҳам таъсирланиб кетдим, томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Тезликда чиқиб, ўзимнинг хонамга кирар эканман, ўкириб йиғладим, ўксиниб йиғладим. Бу ҳолат қанча давом этганини билмайман. Лекин дилимга бир ниятни тугиб қўйдим: «Насиб этса, албатта ўқиб, катта одам бўламан. Отажоним орзу қилгандай дарё бўйидан баланд тепаликда уй қураман. Атрофида 30 – 40 қўй боқадиган ери ҳам бўлади. Бу уйда отажоним билан бирга эмин-эркин яшаймиз!»

2007 йили кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатувчи «Товоқсой» санаторийсига раҳбар бўлган кезларим эди. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Паргос маҳалласидаги Олмаузум боғи деган жойдан уй қурдим. Бундан йигирма икки йил олдин отам Мамасоат тоғасига айтган гаплари ҳануз қулоқларим остида жаранглаб турарди. Дилимга қаттиқ тугганим ўша ниятни амалга оширадиган пайт келган эди, назаримда. Зеро, шунча йил ўтган бўлишига қарамай, ўша манзара қалбимда муҳрланиб қолган, кўз ўнгимдан сира кетган эмас эди. Чирчиқ дарёси бўйидан отажоним орзу қилгандай жойни сотиб олдим. 2009 йили ёз ойларида ўша ерга отажоним ва

онажоним билан бирга келдим. Уларга ўша воқеани эслатдим ва таъсирланиб гапирдим:

– Дуо берингизлар, отажон, ўша армонингизни рўёбга чиқариш мақсадида мана шу уйни қурдим. Бу ерда сиз ўша пайтда айтган ҳамма шароит бор.

Отам:

– Болажоним, у гаплар менинг эсимда йўқ. Сен ҳали ҳам шуни ўйлаб юрибсанми? – деди.

Мен айтдим:

– Отажон, шу йигирма тўрт йил ичида сизнинг ўша таъсирчан гапларингиз бир лаҳза ҳам ёдимдан чиққани йўқ. Ўша вақтда дилимга тугган ниятим амалга ошганидан жуда-жуда хурсандман.

Отам, онам ва Имомали укам оиласи билан ўша уйда икки йилдан кўпроқ яшади. Улар бу ерга келганида сув чиқмаган, дарахт йўқ, қақроқ адирлик жой эди. Борган жойини обод қилган, қадамидан барака ёғиладиган отажоним икки йилда у ерни бамисоли жаннатга айлантирди. Сув чиқариб, икки юз тупдан ортиқ мевали дарахтлар экиб боғ қилди.

Муборак бир ҳадисда ота-онага таъриф берилиб: «Сизнинг жаннатингиз ҳам, дўзахингиз ҳам ота-онангиздир», – дейилади. Дарҳақиқат, ота-онани рози қилиш, уларнинг фарзанд зиммасидаги ҳақларини муносиб адо этиш жаннати бўлишнинг асосий шарти бўлса, бунинг акси, Аллоҳ асрасин, жаҳаннам ўтига дучор этиши тайин. Отажоним ва онажонимни ўзимга яқинроқ жойга олиб келиш, яхшироқ хизмат қилиш, рози-

ликларини топиш мақсадида 2011 йили «Товоқсой» санаторийси яқинидан уй сотиб олиб, уларни кўчиртириб келдим. Бу ерда ҳам дарахт йўқ эди. Отажоним бош бўлиб Юқори қозоқ каналидан 300 метр жойга 100 диаметрли труба ётқиздириб, оқова сув келтирди. Ҳовлидаги 35 сотих ерга 250 тупдан кўпроқ мевали дарахтлар, 100 тупдан кўпроқ узум, 20 тупдан кўпроқ анор кўчатлари ўтқазтириб, бу ерни ҳам Эрам боғига айлантириб берди. Отажоним, онажоним ва Имомали укам оиласи билан беш йил – 2016 йилгача шу уйда яшади. Агар шу пайтгача ҳаётда бирор яхшиликка эришган бўлсам, энг аввало, икки улуғ сиймо – отажоним ва онажонимнинг дуолари сабабидан деб биларман.

2016 йил кузида отам Паргос қишлоғининг олдинги гаражи жойлашган ердан укам Имомалига айтиб уй қурдирди. Айни кезде отажоним бу ерни ҳам обод қилиш ҳаракатида. Ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси фарзандлар учун ибрат мактаби бўлган ана шундай табаррук инсоннинг зурриёди эканимиздан беҳад бахтиёрмиз. Отажонимнинг сўзларидан дур ёғилади. Ҳар бир насиҳати бамисоли бир хазина. Бу ўғитларга амал қилиш бахтли яшашнинг, икки дунёда саодатманд бўлишнинг калитидир.

## УММОНЛАР ЎЛКАСИ МАЛАЙЗИЯДА

Раҳмон хожи Йўлдошев афсонавий Малайзия билан дунё мамлакатлари ҳақидаги китоб ва рисолалар орқали маълум даражада таниш эди. Жануби-Шарқий Осиёдаги бу давлат ҳудудини Хитой денгизи иккига ажратиб туришини, Ғарбий Малайзия Малакка яриморилининг жанубида, Шарқий Малайзия Калимантан оролининг шимолий қисмида жойлашганини биларди. Бу мамлакатнинг умумий ер майдони 332,8 минг квадрат километр, аҳолиси 22,2 миллион, пойтахти Куала-Лумпур шаҳри эканлигидан хабардор эди. Тақдирнинг тақозосини қарангки, ўғли Шералининг бир эмас, икки фарзанди Феруза ва Тожимурод Малайзияда ўқиб, ўша ерда ишлай бошлади. Набиралари Ўзбекистонга ҳар келганида бобоси ва момосини мўъжизалар мамлакати Малайзияга таклиф этишар, уларни ҳоли-жонига қўйишмас эди. Ана шу эзгу ниятни амалга ошириш мақсадида Шерали отаси ва онасининг Малайзияга бирга-ликдаги сафарини уюштириш режасини маълум қилди. Сафарга бориш учун арзигулик сабаб ҳам бор эди. Набиралари Феруза фарзанд кутаётган ва шундай қувончли



кунларда унинг ёнида бўлишлари керак эди. Бунинг устига, бобо ва момо набираларини соғингани учун бўлса керак, ўғлининг бу таклифидан бениҳоя хурсанд бўлдилар.

Раҳмон ҳожи фарзандларию невараларининг камолини кўраётгани, уларнинг меҳр-оқибатли бўлиб вояга етгани учун Аллоҳга беҳисоб шукрлар айтади. Неваралари ўз истеъдодлари билан чет элларда ҳам хурмат қозонса, ўша юртларга бобо-момоларини саёҳатга таклиф этса, ким қувонмайди ахир?!

– Малайзияга борамиз!

Бу сўзлар гўё тушдаги каби жаранглар эди. У ширин хаёллар оғушига чўмди. Ўғли Шерали бу сўзларни ишонч билан айтаётган эди:

– Ота, апрель ойида Малайзияга кетамиз.

– Раҳмат, Шералижон ўғлим, миннатдорман.

Қувончдан Раҳмон ҳожининг юраги ҳаприқиб кетди. Ўғилларига тикилиб турар экан, улардан мамнунлик ҳисси қалбини чулғаб олди.

– Барака топинглар, болаларим, ишончимни оқладиларинг.

Ҳожи ота ва ҳожи она олис сафарга биргаликда пухта тараддуд кўра бошлади. Ахир у ёқда – узоқ мамлакатда набиралари таҳсил олишаётир. Уларни жуда-жуда соғиниб қолишган. Ферузанинг ширин муомаласи, ёқимли сўзлаши, куёви Зикрилланинг одоби, уларга бўлган чуқур ҳурмати қалбига қувонч бағишлайди.

Кудратли ҳаво лайнери осмонга кўтарилгач, кўнглини шукрона ҳислари чулғади. Булутсиз, тиниқ осмон кўзига янада гўзал ва фараҳбахш кўринди. Севинчдан кўзларида ёш ҳалқаланганди:

– Аллоҳим, ўзингга беадад шукр!

2012 йилнинг баҳори. Айни гуллар қийғос очилган, анвойи чечакларнинг хушбўй ҳиди бутун борлиқни қоплаган кезде хориж сафарига йўл олган Раҳмон ҳожи ота ва Норгул ҳожи она қувончининг чеки йўқ эди. Кўкда етти соат парвоз қилган улкан ҳаво лайнери уларни толиқтирмади. Ўғли Шерали ва келини билан қизғин гурунг қилиб кетишди.

«Малайзия қандай юрт экан? У жойларда намозларим чала қолиб кетмасмикан? Ҳавосига кўникиб кетармиканмиз?» деган хаёллар оғушидаги Раҳмон ҳожи ҳаяжонда эди. Самолёт Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрига кўнганида севинчи ичига сиғмади:

– Шундай бахтни кўрсатган кунингга шукр, Худо-йим!

Ҳожи бобо ва унинг ҳамроҳларини куёви Зикрилло қори қучоқ очиб кутиб олди. Улар ажойиб ўлка – Малайзия пойтахти кўчаларида кетиб боришар эди. Кўнгилда ҳаяжон, гўзал манзаралар, нотаниш ва қувноқ одамлар гурунги, шаҳар кўрки – ҳаммаси ажойиб эди.

Табиатини айтмайсизми, бу юртнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами бениҳоя жозибали эди. Бананзорлар, папая дарактларини кўриб ҳайратингиз ошади. Таъми

ширин ичимликлар сизга хуш кайфият бағишлайди. Мило деб номланган ширин ичимлик, айниқса, ажралиб туради.

Шаҳар архитектураси бошқа мамлакатлардагига умуман ўхшамайди, ўзига хос ва гўзал. Одамларнинг миллий кийими, ўзаро муносабатлардаги самимияти меҳмонларни қизиқтириб қўйди. Улар Стар штатидаги Имом Бухорий масжидига борганларида Раҳмон ҳожи, Шерали, Зикрилло қори ва унинг ҳамроҳлари қувончдан энтикиб қўйишди. Ахир шундай олис юртларда мутафаккир аждодларимиз шаънига ўзбек миллатига мансуб усталар томонидан муҳташам бинолар бунёд этилганидан фахрланмай бўладими? Ҳинд океанининг бир қирғоғида Куала-Перлис деган жойда ҳам ўзбек уста хунармандлари қурган масжидларни кўриб севиниб кетишди. Улар Куала-Перлистан пароход орқали Ланкавер деган жойга қирқ беш дақиқа йўл юришди. Денгиз соҳилидаги бу жой саёҳатчиларнинг сеvimли гўшаси экан. Улар уч-тўрт кун давомида бу сўлим жойларни томоша қилиб бир олам завқ олишди. Бундан ташқари, денгиз қирғоқларида ҳузур қилиб чўмилишди. Моторли қайиқ орқали Ланкавер ороллари бўйлаб саёҳат қилишди.

Саёҳатчилар гоҳ осмонда учиб, гоҳ ерга қўниб юрган қушларга егуликлар беришди. У ердаги аквариумга киришганида чинакам сувости салтанатини кўрдилар. Шундан кейин «Жаннат» номли қушлар боғини томоша қилишди. Улар кафтларига дон солиб олишган эди. Қушлар учиб келиб, одамлардан сира қўрқмасдан дон-

ни еб кетди. Тавба, бу ернинг қушлари инсонлардан заррача хавфсирамас экан. Улар бемалол одамларнинг елкаларига ҳам қўнар эди. Ҳожи ота ва ҳожи она қушлар билан суратга тушдилар.

Кейин эса Малайзиянинг миллий таомларидан тановул қилишди.

Пароход орқали яна изларига қайтиб, набиралари Феруза ва куёвлари Зикрилло таълим олаётган ўқув масканига боришди. У ерда ёшлар билан гурунглашдилар. Талабаларнинг билимга, китобга ҳаддан зиёд чанқоқлигини кўриб ҳайратландилар. Чунки ҳар бир талабанинг қўлида китоб, улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб мутолаа қилишар, қизғин баҳслашишар эди. Лекин сўзларида ҳам, хатти-ҳаракатларида ҳам юксак одоб сезилиб турарди. Қанийди, бизнинг ёшларимиз ҳам малайзияликлар сингари китобга янада чуқурроқ меҳр қўйсалар деб орзу қилишди саёҳатчилар.

Улар набиралари яшайдиган маҳаллада ҳам бўлишди. Бу ерда ироқлик, яманлик, покистонлик одамлар билан танишдилар. Айниқса, набираларининг ироқлик қўшниси Умму Юсуф олис Ўзбекистондан келган меҳмонларга тансиқ таомларни пишириб берганида хурсанд бўлиб кетишди. «Биряна» деган таом уларда яхши таассурот қолдирди.

Бир неча кундан сўнг дуолари ижобат бўлиб, Раҳмон ҳожининг чевараси дунёга келди. Раҳмон ҳожидан қудаси Муродулло қори: «Ҳожи ака, бу сизнинг биринчи чеварангиз, чиройли бир исм қўйиб берсангиз», –

деб таклиф қилди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббати ниҳоятда чексиз бўлган Раҳмон хожи чеварасига пайғамбаримиз алайҳиссалом оналарининг муборак исми билан Омина деб от қўйишни таклиф қилди. Ушбу исм қудаси Муродулло қорига ҳам бениҳоя маъқул келди. Чақалоққа Оминахон деб исм қўйдилар. Ҳожи ота янги дунёга келган чевараси Оминахон ҳақиға кўп дуолар қилди.

Суннатга мувофиқ ҳар бир мусулмон фарзанди дунёга келганидан сўнг қулоғига азон айтилиб, сочи олинади ва ақиқа маросими ўтказилади. Раҳмон хожи ота ўғли Шерали ва неvara куёви Зикрилло қорига Малайзияда қўшни бўлиб яшайдиган арабистонлик, покстонлик, эронлик ва ўзбекистонлик талаба ёшларни чақириб, чеварасига ақиқа қилиб бериш нияти борлигини айтди. Неvara куёви Зикрилло қори хожи отанинг олдиға келиб, Куала-Перлис штатидан қўй излаб тополмаганини, фақат эчки борлигини айтди. Шунда Ҳожи ота урф-одатға кўра фақат қўй сўйилиши ва уни Малайзиянинг пойтахтидан бўлса ҳам топиб келишни, қўй сўйиб ақиқа қилиши зарурлигини уқтирди. Қўй топиб келиниб, олтмишдан ортиқ қўшни ва талаба ёшлар билан биргаликда ақиқа тўйи ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, ўтган аждодлар руҳиға бағишланди. Аллоҳға ҳамдлар айтиб, Оминахоннинг келажаги учун хайрли дуолар қилинди.

Ҳожи ота ва хожи она набиралари ва мусофир ўзбек талабаларини Аллоҳға омонат топшириб, Куала-Пер-

лидан Куала-Лумпурга қараб йўлга чиқишди. Улар Малайзия пайтахтига қайтгач диққатга сазовор осмонўпар биноларни, музей ва тарихий обидаларни томоша қилишди. Малайзия давлатида бир ярим ойлик саёҳатдан сўнг Зикрилло қори уларни халқаро аэропортга «Боинг-767» самолётига кузатиб қўйди.

– Беш соатлик парвоздан сўнг, – дейди Раҳмон ҳожи ота, – жонажон Ўзбекистонимиз пойтахти Тошкент шаҳрига бир олам таассуротлар билан етиб келганимизда ўғлим Нурали, Абдурасул ва Имомали кутиб олишди.

Ҳозирги кунда ҳожи отанинг неваралари Ферузахон ва Зикрилло қори Малайзия университетини аъло баҳоларга битириб, Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган халқаро «Аэроосиё» ҳаво йўллари компаниясининг Австралия бўлимида менежер бўлиб фаолият кўрсатишмоқда. Шуниси қувонарлики, ҳожи отанинг набираси Ферузахон ва куёви Зикрилло қори 2015 йилда ўғил фарзандли бўлишди. Қудаси Муродулло қори Раҳмон ҳожи отани иккинчи маротаба чеварали бўлгани билан қутлаб, қандай исм қўйиш ҳақида маслаҳатлашди. Шунда ҳожи бобо у кишига: «Ўғил бола учун энг яхши исм Абдуллоҳдир. Чунки бу исм охириги замон пайғамбари Муҳаммад Мустафо саллоллоху алайҳи васаллам оталарининг муборак исмлари», – деб айтди. Муродулло қори: «Тўғри айтасиз, ҳожи ака, Пайғамбаримизнинг ота ва оналарининг исмларидан буюк ва гўзалроқ исм йўқдир», – деб ҳожи отанинг гапини маъқуллади.

Саудия Арабистони, Малайзия каби мамлакатларни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга Раҳмон ҳожи мана бундай дейди: «Худога шукр, чет мамлакатларни ҳам кўрдик. Бугун фарзандларимиз, невараларимиз Хитой, Корея каби давлатларга бориб ўқишяпти. Мен ўзим қачон, қаерга бормай, бир неча кун ўтмай Ватанимизни соғиниб қоламан. Сафарлардан чиқарган хулосам шуки, Ўзбекистондай жаннатмонанд юрт, она халқимиздай меҳридарё эл бу ёруғ оламнинг бошқа ҳеч бир заминида топилмайди. Ватанимизни қадрлашимиз зарур».

Кўпни кўрган оқсоқолнинг бу насиҳатлари бугунги ёшлар учун ўрнак. Ахир улуғларимиз ҳам танпарвар эмас, ватанпарвар бўлиш зарурлигини, одамийлик шунини тақозо этишини таъкидлаб кетганлар. Зеро, ёшларимизнинг чинакам ватанпарвар, элпарвар бўлиб ўсиши она Ўзбекистонимиз тараққиётининг асосий шартидир. Эртанги кунимиз қандай бўлиши, Ватанимизнинг истиқболи бугунги навқирон авлоднинг нечоғлик салоҳиятли ва билимли бўлишига боғлиқ. Улар эл-юрт тақдири учун куйиниш, унинг келажаги учун масъулият ҳиссини Раҳмон ҳожи сингари нуроний зотлардан ўрганишлари керак.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Баъзида кексалар биздан: «Ўғлим, кимнинг фарзандисиз, кимлардансиз?» – деб сўраб қолишади. Биз отамизнинг, нари борса бобомизнинг исмини айтамыз, холос. Шунда муйсафид: «Ҳа, унда сиз чопағонлардан экансиз-да» ёки «Демак, косиблар авлодидансиз», – деганларини эштамыз. Табиийки, биз бундан ҳайрон бўламыз. Чунки оилада чопағонлик ёки косибчилик билан ҳеч ким шуғулланмаган. Уйдагилардан асл ҳақиқатни эшитгачгина гапнинг маъзини чақиб оласиз. Дарҳақиқат, бобонгиз ёки бобонгизнинг оталари ушбу касбнинг бири билан шуғулланган, сиз ҳам шу сулоланинг давомчиси, авлодларидан бўлиб чиқасиз. Аждодларимиз ўз шажараларини: қайси уруғдан, қай сулоладан эканини, боболарининг кечмишини яхши билишган.

Етти пуштини билиш зарурлиги ҳақидаги гаплар бежиз эмас. Зеро, халқимиз барча замонларда ҳам насл-насаб масаласига алоҳида эътибор берган. Бизнинг халқимиз ҳақида «Тўқсон икки бовли ўзбек» деган нақл юради. Кўпчиликка аён, ўзбеклар юзга яқин уруғлардан таркиб топган. Улар минг йиллар давомида бир-бирига аралашиб, қуда-анда бўлиб, бугунги за-



монамизгача етиб келган. Бинобарин, туркий халқларда ҳозирги кунгача уруғни, демак, насл-насабни сўраш одати сақланиб қолган.

Тарихий маълумотларга қараганда, биз дунёнинг энг қадимий тарихга ва энг азалий маданиятга эга миллатлариданмиз. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Бизким, малики Турон, амири Туркистонмиз. Бизким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи туркнинг бош бўғинимиз» деган сўзлари бежиз айтилмаган ахир. Давлатчилигимиз тарихи ҳам теран илдизларига эга. Қадимда Туронзамин деб аталган бу юрт Шарқий Туркистондан Тошкентгача, ундан, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, Хуросон ва Шерозу Табризгача бўлган ҳудудларни қамраб олган. Ота-боболаримиз неча асрлардан буён насл-насаб, уруғ, шажараларини пок тутишга алоҳида эътибор беришган. Насаблари шаънини сақлаб қолишга, мустаҳкамлашга, мавқеини кучайтиришга бир умр ҳаракат қилганлар. Қадимдан кўнғирот уруғлари кенг дала ва яйловларда ўтов тикиб, дostonу термалар айтиб, чорва ва йилқичилик билан шуғулланган бўлса, кенагаслар савдо-сотик билан машғул бўлган. Барлослар қурол-яроғни моҳирлик билан ишлатган бўлса, жалойирлар навкарлик салоҳияти билан алоҳида ажралиб турган ва ҳоказо. Шажара маълум бир оиланинг ёки авлоднинг қайси уруғдан келиб чиққанлиги ва насл-насабини аниқлаш имконини бериши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг баробарида, ҳар бир шажара бир қанча шаҳоб-

чаларга бўлинади. Бунда авлоднинг асосан ота томони инобатга олинади. Шажаранинг она томонидан тарқалиши ака-ука, тоға, амаки ва бўлалар уруғини билиш ҳам муҳим эканини таъкидлаш керак. Шажара азалдан сулолани ҳам белгилаганини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Китобимиз қаҳрамонининг шажарасига эътибор берилса, Раҳмон ҳожи Йўлдошевнинг анча изланиш ва ўрганишларидан унинг тўқсон икки бовли ўзбекнинг катта уруғларидан бири – жузнинг иярчи шахобчасидан экани маълум бўлди. Шажаранинг бугунги вакиллари ота-боболарининг қандай фазилатлар эгаси бўлганини яхши биладилар. Ўзларида ота-боболарига хос олийжаноб хислатларни тарбиялашга, муносиб авлодлар бўлишга интиладилар.

Биз комил инсон ҳақида кўп гапирамиз ва ёзамиз. Ҳотамтойнинг саховати хусусида сўз айтамыз, уни таърифлаб шеърлар, дostonлар битилади. Фарҳоднинг: «Хунарни асрабон нетгумдур охир, Олиб туфроққаму кетгумдур охир?» – дея Бесутун тоғини қазиб сув чиқаргани, эл манфаатини ҳар нарсадан устун билгани, ишқда намуна бўлгани, ёвузликка қарши муносиб кураша олгани каби фазилатларини мадҳ этамыз. Отабекнинг аксар замондошларидан фарқли ўлароқ, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш заруратини ўз вақтида англаб етган, дунёқараши кенг инсон бўлганини, ота-онанинг ҳаққини муносиб адо этганини, муҳаббати учун, зарур шароитда она юрти озодлиги учун

мардона кураша билганини таъриф-тавсиф этамиз. Лекин комил инсонлар фақат дostonлару романларда бўладими, шундоқ ёнимизда яшаётган одамлар орасида бундай марди майдонлар топилмайдими дея бош қотирмаймиз, одатда. Аслида, бунга ҳеч қандай даъвоси бўлмаса ҳам, сийратида комил инсонга хос жуда кўп фазилатларни мужассам этган одамлар орамизда кўп. Фақат уларни кўра билиш, таний олиш, оқкўнгил билан эътироф этиш керак бўлади. Бундай инсонлардан ўрناق олиш, улардаги олийжаноб фазилатларни ўзимизда ҳам тарбиялашга интиломимиз зарур. Бизнингча, Раҳмон ҳожи Йўлдошев ана шундай ўрناق, намуна бўлишга лойиқ инсонлардан.

Бу нималарда кўринади? Ушбу хусусият, биринчидан, ҳалоллик ва тўғрилиқ унинг ҳаётий аъмоли эканида намоён бўлади. Бунга атрофлича тўхтаб ўтилди. Яна бир мисол: ўғли Нурали Йўлдошевнинг айтишича, у пойтахтда қолиб, илмий иш билан шуғулланиб юрган кезларида бошқа барча қисматдошлари каби кўп қийинчиликларни енгишига тўғри келган. Ижарада яшаган, натижада манзили тез-тез ўзгариб турган. Бу эса болаларининг ўқишига ҳам салбий таъсирини кўрсатмай қолмаган. Ҳар уч-тўрт, баъзан беш-олти ойда улар ўқиётган мактабни ўзгартиришига тўғри келган. Ўзи қаерда яшаса, болаларининг ўқишини ўша ерга яқинроқ мактабга кўчиришдан бошқа чора бўлмаган.

Кунлардан бирида у Сурхондарёга йўл олади. Шўрчига боргач иттифоқо отаси раис бўлиб ишлайдиган

колхоз омборхонасининг мудирига дуч келади. Омборхона мудирини колхоз ғалла планини бажарганини, ҳар бир тележка ғалладан бир қопдан раиснинг улуши деб йиғилган дон икки юз тоннага етганини айтади. Раис бир оғиз розилик билдирса, бу донни сотиб олувчилар тайёр эканини, унинг пулига пойтахтдан бемалол бир эмас, уч-тўртта уй олиши мумкинлигини сўзлайди.

Бу гаплардан ичи қизиган Нурали отасига учраб, агар у рози бўлса, Тошкентдан уй олиши мумкинлиги ҳақида сўзлайди, омборхона мудирининг таклифини унга етказди. Раис шунча доннинг қаерда сақланаётганини сўрайди. Омборхонада эканини эшитгач шарт туриб, трактор чақиртиради. Йиғилган барча донни юклатиб, ўзининг шахсий назоратида умумий хирмонга топширтириб юборади. Буни кўрган ўғли Нурали йиғлайди:

– Отажон, ахир мен уйсиз қийналиб кетдим. Болангизга, невараларингизга раҳмингиз келмайдими? Бу нима қилганингиз, энди қачон уйли бўламан ахир?!

Раҳмон ҳожи ўғлига ётиғи билан тушунтиради:

– Болам, бу дон – элнинг ризқи. Кўпчиликнинг ҳақини ейиш ҳаром. Агар шу пулдан уй олсанг барака топишинг қийин. Бунинг жавоби оғир ахир. Мен сенга фақат яхшилиқни раво кўраман. Насиб этса, уй ҳам оласан, фақат ҳалол топган пулингга ол. Шундагина барака топасан, ўсиб-унасан, болаларингга буюради.

Ҳақиқатан, қийинчиликларга сабр қилинса, ҳар қандай вазиятда асосий мезон ҳалоллик бўлса, натижаси

хайрли бўлар экан. Бугунги кунда ўша воқеани эслар экан, Нурали Йўлдошев шундай покният инсоннинг фарзанди эканидан фахрланади.

Иккинчидан, китобимиз қаҳрамони Раҳмон ҳожи ўз ҳаёти давомида ота-онанинг ҳаққини муносиб даражада адо этишнинг юксак намунасини кўрсатди. Кексайиб, кўзи ожиз бўлиб қолган онаизорига чин фарзандлик меҳрини берди. Керак бўлганда, ўз қўллари билан овқатлантириб қўйди, она розилигини олиш учун қўлидан келган барча ишни қилди. Ота-онасининг орзуларини рўёбга чиқарди. Фарзандларини ҳалол, пок ва шижоатли инсонлар этиб тарбиялади. Бугун улар Ватаннинг хизматиға, элнинг ҳурматиға лойиқ инсонлар бўлиб етишдилар.

Учинчидан, у яқин ўтган кунларда қанчалик машаққатларға дош бериб бўлса ҳам айнан ҳазрат Алишер Навоийнинг Фарҳоди амалға оширган ишни – қақроқ ерларға сув чиқариб эл ҳаётини фаровон этишдек осон бўлмаган юмушни уддалади. Ўша ерлардан бугунги кунда одамлар фойдаланиб келишмоқда. Бу ерларнинг обод қилиниши эл дастурхонининг тўкин, ҳаётининг фаровон бўлишиға яна узоқ замонлар хизмат қилаверади. Мана ҳақиқий фидойилик, чинакам қаҳрамонлик!

Тўртинчидан, гдлянчилар юртнинг маълум бир фарзандлари тимсолида бутун бир миллатға туҳмат тошларини отган бир замонда Раҳмон ҳожи тўғриға тўп ўтмаслигини амалда исботлади. Ўз шаънини ҳи-

моя қилиш орқали халқимиз шарафини асрашдек улуг ишга муносиб ҳисса қўшди.

Бешинчидан, бугун у нуроний оқсоқол сифатида ҳам ўзининг қимматли ўғитлари билан фарзандлари, неvara-чеваралари тарбияси орқали она Ватанимиз равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўз болангни ўзинг асра» деган теран ҳикматни мужассам этган даъватини юртдошларимиз қалби ва шуурига етказишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Раҳмон ҳожидаги фазилатларни яна кўп таърифлаш мумкин. Энг муҳими замонамиз ёшларини ана шундай фазилатлар руҳида тарбиялашдир. Бунинг учун шундоқ ёнимизда яшаётган замонамиз Фарҳодлари, замонамиз Ҳотамтойларидан ўрнак олмоқ зарур. Фарзандларимиз Раҳмон ҳожи сингари оқсоқолларимизнинг ҳалоллик, поклик дорилфунунларида таҳсил олсалар ҳақиқий ватанпарварлар, эл ғамини ўз ғами, эл қувончини ўз қувончи деб биладиган чинакам элпарварлар авлоди шаклланади. Ахир она юртимизнинг, халқимизнинг нурли истиқболини, буюк келажагини ана шундай ёшлар барпо этади.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Аждодлар ёди.....	7
«Ҳотамтой»нинг тамал тоши.....	58
Эл назарини топиш – бахт.....	71
Хотира бурч эрур, хотира – сабоқ.....	95
Тўғрига тўп ўтмас .....	104
Ҳаж зиёрати – ҳақ ибодати .....	120
Ёки азим шаҳарда, ёки юксак тоғларда яша.....	135
Уммонлар ўлкаси Малайзияда .....	143
Хулоса ўрнида .....	151

*Адабий-бадиий нашр*

**Нурбой Жабборов, Нурали Йўлдошев,  
Абдулла Жовлиев**

## **ЗАМОНАМИЗ ҲОТАМТОЙИ**

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ  
**Бадиий муҳаррир:** Баҳриддин БОЗОРОВ  
**Техник муҳаррир:** Дилшод НАЗАРОВ  
**Саҳифаловчи:** Иномжон ЎСАРОВ  
**Мусаҳҳих:** Ғиёсиддин БОЛИЕВ



Нашриёт лицензияси: АI №134, 27.04.2009  
Теришга берилди: 24.11.2017 й.  
Босишга рухсат этилди: 15.12.2017 й.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108<sup>1/32</sup>.  
Cambria гарнитураси. Офсет босма.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 7,6. Шартли б.т.: 8,4.  
Адади: 600 нусха.  
Буюртма №

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77  
e-mail: info@akademnashr.uz  
web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.  
100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳқўчаси 44-уй.